ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК



Ў-97

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Э.ИШМУҲАМЕДОВ

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган**

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

BIBLIOTEKA
KUTUBXONA
№ 4/1229

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

ISHMUHAMEDOV A.E.

ECONOMIC SAFETY

This manual is recommended by the group of «controlling scientific organizations activities of higher education» of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Ишмуҳаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (Ўқув қўлланма)–Т.: ТДИУ, 2004 – 176 бет.

Ўқув қўлланмада «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг моҳияти, иқтисодй хавфсизликка таҳдид қилаётган омиллар, хорижий мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибаси, республикамиз миллий иқтисодий манфаатларини аниқлаш ва тавсифлаш йўллари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига иқтисодий хавфсизликнинг ички ва ташқи омиллари таъсири даражаси, иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан макроиқтисодий ҳолатининг таҳлили ва Ўзбекистонда хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўллари баён этилган. Бунда иқтисодиёт фанлари ютуқлари ва жаҳон амалиёти, шунингдек, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва интеграция талаблари асос қилиб олинган.

Қўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишидаги бакалаврлари, магистрлари, аспирантлари, профессор-ўқитувчилари ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий хавфсизлик масалаларига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: акад. Ғуломов С.С.;
и.ф.д. проф. Холмўминов Ш.Р.
Тақризчилар: и.ф.д. проф. Ҳусанов С.В.;
и.ф.н, проф. Ортиқов А.

Ishmuhamedov A.E. Economic safety (manual) – T.: TSEU, 2004 – 176 pages.

The manual is about the essence, theoretical and practical problems of the « Labor economy and sociology». It covers the subject, meaning of the course, organizing of labor activity, development of labor resources and their utilization, provision the population with work, unemployment ratio, labor market and its development, preparation of labor resources balance. It also explains living conditions of people, employees' wages and their structure, labor efficiency, its factors and reserves.

The manual is recommended for the bachelor and masters students of higher education establishments majoring in economics.

Responsible editor: academician Gulomov S.S.
doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.
References: doctor of economic science,
prof. Husanov S.B.
candidate of economic
science, prof. Ortikov A.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон ўн икки йил мобайнида асрларга татигулик тарихий йўлни босиб ўтди. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳатлар эндиликда ортга қайтмайдиган жараёнга айланди. Бу, аввало, истиқлолнинг, уни мустаҳкамлаш, шунингдек, хафвсизлик ва тинчлик учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг натижасидир. Дарҳақиқат, хафвсизлик ва тинчликка эришмасдан туриб, бирор эзгу мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Хафвсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак»[1] номли китоби билан танишганда кўнгилдан шу фикрлар ўтади, китобнинг қимматли жиҳати шундаки, унда муаллиф минтақавий хафвсизликни таъминлаш, террорчилик балосига қарши курашга жуда катта эътибор берган. Бугунги кунда сайёрамизда тинчлик ва барқарорликка жиддий хавф солиб турган халқаро террорчиликка қарши курашда кучларни бирлаштириш, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган таклиф, фикр ва мулоҳазалар миллий ва иқтисодий хавфсизлик долзарб масала эканидан далолат беради. Унда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш борасида атрофлича фикр юритилган таклифлар берилган.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан иқтисодий хавфсизлик муаммоси ўта кескинлашди, «иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси кенг қамровли, мураккаб тушунча эканлиги ойдинлаша бошлади. Анъанавий ёндашиш ва усуллар орқали иқтисодий хавфсизликни тулиқ тавсифлаб бўлмайди. Демак, иқтисодий муносабатлар барқарорликни сақлашнинг самарали жиҳатларини ва унга эришиш йўлларини аввалдан аниқлаш имконини бермайди.

Ривожланган ва ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган кўпгина мамлакатларда демографик ҳолат ёмонлашяпти, нафақа олувчилар сони ишчилар сонига нисбатан кўп ва жадал суръатлар билан ошиб бораяпти, малакали ишчилар, айниқса, юқори технологияли соҳаларда етишмаслиги сезилаяпти. Иқтисодиёти хомашёга асосланган мамлакатларнинг маҳсулотлари, шунингдек, етакчи мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги валюта курслари тебранишлари билан боғлиқ хавфлар мамлакатлар иқтисодий ўсишига салбий таъсирни, уларнинг инқирози хавфини кучайтиради. Доллар курсининг пасайиш тарафга тебраниши ривожланувчи мамлакатлар товарлари ра-

---

[1] Хафсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т-10. — Т.: Ўбекистон, 2002.

қобатбардошлигини пасайтиради. Агар доллар курси ошса, кўпгина мамлакатлар аҳолиси учун импорт товарларини харид қилиш қийинлашади, уларнинг ички ишлаб чиқариши рақобат йўқлиги туфайли сусаяди. Кўриниб турибдики, иқтисодий хафвсизлик кўлами ҳам, даражаси ҳам хилма-хил. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар олий органлари доирасида «иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси ҳар хил талқин этилади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизликнинг устиворлик ва унга эришишни таъминловчи аниқ конценцияси ва стратегияси ҳам йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги ривожланишини адолатли фуқоролик жамиятига асосланган демократик-ҳуқуқий давлатга айланишини таъминловчи муҳим шартлардан бири миллий хавфсизликка эришишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу боисдан ҳам Олий Мажлисининг сессияларида, Вазирлар Махкамаси йиғилишларида, халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари сесиялари ҳамда турли халқаро учрашувлар, анжуман ва тантанали маросимлардаги чиқишлари, табриклари, шунингдек, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Полша ва Эронга расмий ташрифлари пайтидаги нуфузли учрашувларда сўзлаган нутқларида хавфсизлик учун ва террорчиликка қарши курашишга жуда катта эътибор берди.

1999, 2000 ва 2001 йиллари Ўзбекистон ҳудудига босқинчи тўдаларнинг бостириб кириши, биринчи навбатда, бу ердаги барқарор холатни издан чиқаришга, иқтисодиётга, кўп миллатли аҳолининг ўзаро бирдамлиги, тотувлиги ва миллий хавфсизликка хавф солишга йўналтирилган эди. Миллий хавфсизликнинг асосий ташкил этувчиларидан бири иқтисодий хавфсизлик бўлиб, у мамлакат иқтисодий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш йўли, воситаси ва усулларига бирламчи қарашлар йиғиндисидир. Конценциал режада у давлатнинг иқтисодий потенциал аҳволидан келиб чиқиб, иқтисодий хавфнинг асосий омиллари таҳлилига асосланган. Иқтисодий хавфсизликнинг давлат стратегиясини ишлаб чиқиш учун мавжуд хавфларнинг, ҳаммасини, хусусан, иқтисодий хавфларни муаммосини текшириш керак.

Иқтисодий хавфсизлик асосида ривожланиш ва ривожланишнинг барқарорлигига ўхшаш муҳим ташкил этувчи омиллар ётади. Булар зарурий, йўналтирилган, қонуни, уни янги сифат ҳолатига келтирувчи хомашё, материаллар, иншоотларнинг ўзгариши, яъни таркиби ёки тузуми бўйича ўзгаришдир. Ривожланишсиз иқтисодий тараққиёт йўқдир. Барқарорлик — жамиятнинг фавқулодда шароитларда ўз манфаатларини қондиришидир, холатни тиклаш имкониятидир; жамиятнинг ҳамма соҳаларда ўт-

казиладиган ва унинг потенциалини такомиллаштиришга, ҳаётийлигини таъминлашга йўналтирилган чоралар мажмуасидир.

Ўзбекистон ноёб географик ҳолатига кўра, халқаро транспорт дахлизлик ўтувчанлигини ва ёқилғи-энергетик ресурсларининг экспорти географиясини кенгайтириши мумкин. Ҳозир Ўзбекистон гази Шарқ ва Уралгача етди, келгусида эса у Жануби-Шарқий Осиё ва Японияга ҳам берилади. Бу мамлакатимизга валюта оқимини кучайтиради, иқтисодиётимизнинг барқарорлик даражасини оширади. Бунинг учун фақат Овруна ва МДҲ бозорлари билан кифояланиб қолмаслик керак. 2003 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорти 41 фоизга ошди ва ташқи савдода 500 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий салдога эришилди.

Ўзбекистон фақат хом ашё сектори ҳисобига яшайди, деган тасаввурга қарши ўлароқ 2003 йилнинг биринчи ярмида, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тайёр маҳсулот экспорти 1,6 марта ўсди, яъни саноатда жиддий силжиш бўлади. Бунда трансформациялаш йирик саноат мажмуалари — «Шўртаи» газ-кимё, Навоий ва Олмалиқ тоғ-қон мажмуалари, Асака автомобиль заводи ва унга хизмат кўрсатган ўнларча қўшма корхоналарининг нинг ўз ва хорижий инвестициялари ҳисобига бўлди. Ҳар қайси йирик соҳада 10-15 йирик корхоналар мавжуд бўлган совет амалиётини енгиб ўтилмоқда. 2003 йил олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,4 фоиз ва пулли хизматлар хажми 104,4 фоиз ўсди. Лекин Ўзбекистон иқтисодий ўсишига қўйидаги хавф мажмуи ва Кураиш йўллари мавжуд:

1) Ўзбекистон чегараси бир қатор қисмларида деярли шаффов; шимолда ва шимоли - ғарбда Қозоғистон, шимоли-шалқда Қирғизистон ва жануби — шарқда Тожикистон жануби-шарқда Туркманистон, жанубда озроқ масофада Афғонистон билан чегарадош.

2) Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг раҳнамолигини таъминлаш лозим;

3) Фарғона (1989 й.), Ўш — Ўзган (1990 й.), Наманган (1999 й.) воқеаларни, айниқса, Тошкентдаги 1999 йил 16 февраль воқеалари каби воқеаларнинг ва халқаро терроризмнинг олдини олиш;

4) ТРАСЕКА ва бошқа йўлларнинг энди қурила бошлангани;

5) Халқаро сув ҳавзаларининг узоқлиги.

Иқтисодий хавфсизлик ва уни таъминлаш бўйича юқори-

да қайд этилган ва бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазалар «Иқтисодий хавфсизлик» фанининг предметидир. Иқтисодий хавфсизликнинг асоси – хавфсизлик сиёсатининг асосий мазмуни, стратегияси ва мақсадини ташкил этувчи, реал мавжуд бўлган ҳодиса, жараён ва муносабатлардир. Бу асосларга давлат иқтисодий муносабатларининг етуклик даражасини белгилайдиган шахс ва жамият ҳам киради. Иқтисодий хавфсизликнинг муҳим меъёри шахс, гуруҳ, жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатларини сақлаш, уларнинг хавфсизликни таъминлашга ўзаро жавобгарлигидир.

Иқтисодий хавфсизлик субъектлари сифатида функционал ва соҳа вазирлик ҳамда бошқармалари, солиқ ва божхона хизматлари, банклар, биржалар, жамғармалар, суғурта компаниялари, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, истеъмолчилар ва бошқалар қатнашади.

Кўриниб турибдики, иқтисодий хавфсизлик масалаларини биринчидан, иқтисодий ривожланиш меъёри, иккинчидан, иқтисодий ўзгартиришлар жараёнига таъсир этувчи омил сифатида ва сиёсий ҳамда ижтимоий муҳитга боғлиқ ўзгаришлар сифатида ўрганиш жуда муҳим.

«Иқтисодий хавфсизлик» фанини ўрганишдан мақсад – иқтисодий хавфсизлик масалаларини, шунингдек, хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг глобаллашуви, муросасозлик, хусусий секторни кенгайтириш шароитида Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлларини ўрганишдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- «иқтисодий хафвсизлик» тушунчасининг моҳиятини аниқлаш;
- хорижий мамлакатлар (Россия, АҚШ)нинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибаларини 2001 йил 11 сентябридаги воқеаларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодий манфаатларини аниқлаш ва тавсифлаш;
- республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига иқтисодий хавфсизликнинг ички ва ташқи омиллари таъсири даражаси таҳлили;
- иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий ҳолатининг таҳлили;
- Ўзбекистонда хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва белгилаш.

Бу курснинг предмети ўтиш даври ва глобаллашиш шароитида республиканинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлларини текшириш объекти эса иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор тизимига ўтиш ва глобал

иқтисодиётга интеграцияланиш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини ўрганишдир.

Фаннинг методологик ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий хавфсизликка оид фикр-мулоҳазалари, ўзбек, шунингдек, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар мутахассисларининг бу борадаги назарий ва амалий илмий тадқиқотлари ташкил этади.

Иқтисодий хавфсизлик бўйича ҳали илмий асосланган методологик асарлар йўқ ва бу ҳақдаги айрим фикрлар ҳам мунозарали. Шу боис ушбу қўлланмада муайян камчиликлар учраши табиий. Муаллиф қўлланма юзасидан билдирилаган таклиф ва мулоҳазалар учун олдиндан миннатдорчилик билдиради.

I БЎЛИМ.

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА КИРИШ

I боб

«ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1.1. «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси ўзбек иқтисодиёти бошқарув органлари лексикасида янги. Хорижий мамлакатлар бошқарув тузумлари фаолияти амалиёти учун эса аввалдан қўлланиб келинаётган тушунча бўлиб, жуда кенг шарҳланади. Чунончи, иқтисодий хавфсизлик давлат миллий хавфсизлигини таъмин этувчи асосий бўғинлардан бири, мамлакат иқтисодий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш йуллари, воситалари ва усулларига асосланувчи қарашлар йиғиндисидир. Концептуал кўринишда у давлат иқтисодий потенциали ҳолатидан келиб чиқадиган иқтисодий хавфнинг асосий омиллари таҳлилига асосланади. Кучсиз ва самарасиз иқтисодиёт давлат хавфсизлигини таъминлаши мумкин эмас. Бу ижтимоий низоларга тўла жамиятда, айниқса яққолроқ намоён бўлади. Чунки «иқтисодий хавфсизлик» ва «ижтимоий хавфсизлик» ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Иқтисодий хавфсизлик асосида ривожланиш ва ривожланиш барқарорлигини таъминловчи муҳитга ўхшаш муҳитни ташкил этувчилар ётади. Ривожланишсиз иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Барқарорлик — бу, жамиятнинг фавқулодда ҳолатларда ҳамда ўз манфаатларини қондириш қобилияти, вазиятни тиклаш имкониятидир.

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси илк бор ресурсларни чегараланганлиги тўғрисидаги масала кескинлашган бир пайтда юзага келди.

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг таърифлари кўп. Уларни умумлаштирган ҳолда оладиган бўлсак, иқтисодий хавфсизик — бу, давлат иқтисодий тизимига таъсир қилувчи ва унинг энг кам чиқим билан, босқичма-босқич барқарор ривожланиши, шу асосида жамиятнинг потенциал имкониятларини ҳар томонлама амалга ошириш учун, миллий манфаатлар энг кўп ифодаланишига имкон берувчи (ички ва ташқи) шарт ва омиллар йиғиндиси, шунингдек, давлатнинг турли хил хавфлар

ва йўқотишларга қарши туриш қобилиятидир. Демак, ташқи иқтисодий алоқалар муросасиз тус олаётган вазиятда, иқтисодий хавфсизликка дахл қилувчи, мамлакатнинг миллий манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган омил ва шароитлар киради. Улар иккига — ташқи ва ички хавфлар бўлинади.

Ўзбекистон учун ташқи хавфларга қуйидагилар киради:

- хом ашё базаси ва паст сифатли, рақобатбардош бўлмаган маҳсулотлар ўтказиладиган бозор сифатида сақлаб қолиш;

- унинг хорижий бозорларга чиқишига, халқаро молия-иқтисодий ва савдо тартиблаш механизмларида иштирокига, янги технологияларга эришишига;

- глобал Жаҳон иқтисодий тизимига (ВТО) ва Марказий Осиё региони чегарасида иқтисодий интеграцияга тўсқинлик қилиш;

- ташқи транспорт, ахборот ва илмий-техника коммуникациялари тизимининг ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Мамлакатнинг ички хавфлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётдаги тоталитар тузумдан қолган чуқур қайта ишламаслик, соҳа ва ҳудудий диспропорциялар;

- ер-сув ва баъзи турдаги муҳим минерал хомашё ресурсларининг чекланганлиги;

- иқтисодиётга, айниқса, баъзи регионларда, юқори демографик босим;

- кўп соҳаларидаги ишлаб чиқаришнинг юқори чиқимга ва рақобатбардош бўлмаган маҳсулот чиқаришга олиб келадиган паст техник даражаси;

- иқтисодиёт соҳасида янги ҳуқуқий асос шаклланиши ва уни амалга ошириш механизмларини яратиш ишлари охирига етказилмаганлиги;

- бошқарувга ёндашишнинг маъмурий-бошқарув тизимига хос бўлган усуллари ва иқтисодий жиҳатдан эскича фикр юритиш рецидивларининг сақланиб қолиши, баъзи бошқарув бўғинларида хўжалик фаолиятининг бозор принципи ва механизмларини етарли даражада тушунмаслик;

- иқтисодиётнинг турли секторлари ва соҳаларида бозор ўзгаришлари даражаси ва динамикаси, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ орасидаги тафовутлар;

- бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;

- молия, банк-кредит ва валюта тизимларида пул айланишининг беқарорлашиш хавфи;

- иқтисодий соҳада жиноятнинг тарқалиши, хўжалик субъектлари ҳуқуқий ҳимоя механизмининг мукаммал эмаслиги ва бошқалар.

Иқтисодий хавфсизликнинг текшириш предмети давлатнинг ташкил этилган ва мувофиқлашган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатидаги иқтисодий тизимидир. Давлат фаолиятининг иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги вазифалари қуйидагилар:

- келгусида ижтимоий-иқтисодий тизим ва давлатни беқарорлаштирувчи қисқа ва узоқ муддатли омиллар мониторинги ва тавсифи;

- бу омилларнинг зарарли таъсирини йуқотадиган ёки юмшатадиган иқтисодий сиёсат ва институционал ўзгаришларни иқтисодий ислоҳотларнинг ягона дастури чегарасида шакллантириш.

Иқтисодий хавфсизлик иншоотлари – бу, хавфсизлик сиёсатининг асосий мазмуни ва стратегик мақсадини ташкил этувчи, реал мавжуд бўлган ҳодиса, жараён ва муносабатлардир. Иқтисодий хавфсизлик иншоотларига шахс, жамият, давлат ҳам киради. Иқтисодий хавфсизлик муаммоларини ўз иншоотлари – мамлакатнинг иқтисодий тизими бўлгани каби, бошқа мумкин бўлган фаолият соҳалари билан ўзаро таъсири кесишишидаги иншоотлар: ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ахборот ва ҳ.к. иншоотлари ҳам бор. Иқтисодий хавфсизликнинг муҳим меъёри шахс, гуруҳ, жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига риоя қилиш, уларнинг хавфсизлик таъминланишига ўзаро жавобгарлигидир.

Иқтисодий хавфсизлик субъектларига функционал ва соҳа вазирлик ва бошқармалари, солиқ ва божхона хизматлари, банклар, биржалар, жамғармалар ва суғурта компаниялари, мос қўмиталар, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчилар ва сотувчилар, истеъмолчилар жамиятлари киради.

1.2. Миллий хавфсизлик турларини синфларга ажратиш

Иқтисодий хавфсизликнинг ўзига хос аҳамиятини ҳисобга олмаслик мамлакат иқтисодий ривожланишида ёмон оқибатларга олиб келади. Бунга 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк, Вашингтонда уюштирилган террористик актлар мисол бўла олдаи. Террористик акт натижалари АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда рецессий суръатлари ўсишида намаён бўлади. Демак, хавфсизлик масалалари иқтисодий ривожланиш масалалари билан тор доирада боғлиқ. Шундай қилиб, юқори технологиялар ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммолар ҳаво транспорти, суғурта соҳаси, туризм томонидан кўрсатилаётган

хизматлар қисқартирилиши билан тўлдирилган эди. Натижада иш жойларини йўқотиши, компаниялар, аҳоли даромадининг пасайиши, жаҳон ички бозорларида товар ва хизматларнинг нархи кўтарилиши содир бўлди.

Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ривожланиш муаммолари ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Халқаро банк маълумотига кўра, АҚШдаги террористик актлар ва уларга жавобан Американинг ҳарбий ҳаракатлари жаҳоннинг бошқа регионларидаги террористик ҳаракатлар натижасида 10 млн.га яқин аҳоли паст даражали ҳаётга маҳкум этилган; очлик ва озиқ-овқатдан маҳрумлик оқибатида 6 ёшгача бўлган 20 мингдан 40 минггача бола ўлган[1] ; ўсиш суръатлари секинлашган.

Миллий манфаатлар ва мақсадлар контекстида миллий ва иқтисодий хавфсизликни синфларга ажратиш мумкин:

1. Сиёсий хавфсизлик шахс устуворлигига асосланган турли ижтимоий гуруҳлар манфаатлари балансини таъминловчи сиёсий тузим шакллантирилиши билан эришиладиган, жамиятнинг сиёсий барқарорлиги ва давлатлараро муносабатлар тизими чегарасида барқарор сиёсий мустақиллик мавжудлигини; ички ва ташқи сиёсат шахс ва жамият манфаатлари доирасида мустақил ўтказилишини кўзда тутади; миллат ва у ташкил этган давлат институтлари томонидан давлат тузилмалари масалаларини мустақил ҳал этиш имконияти таъминланади.

2. Ҳарбий хавфсизлик — уруш имконияти кам бўлади, чунки тарафлардан ҳеч бирида бошқа тарафга нисбатан ҳарбий ҳаракат бошлашга сабаб бўлмайди, давлат мудофаа қобилияти ва давлатлараро муносабатнинг ҳолати кескинлашади.

3. Ахборот хавфсизлиги - шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини у ёки бу соҳада (ахборот қамали, ахборот интервенцияси, ахборот уруши, дезинформация ва бошқалар) атайин ёки бехосдан қилинган таъсирлардан ҳимоялашдир.

Ахборот хавфсизлигининг моҳияти давлат ахборот ресурслари бутлигини таъминлаш, ахборот соҳасида шахс ва жамият ҳуқуқларини ҳимоялашдан иборат.

4. Экологик хавфсизлик — инсон яшаш муҳитининг иқтисодий кўрсаткичлари ва умуман, биосферани, атмосфера ҳолати, гидросфера, лектосфера, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турлар таркибини, шунингдек, инсоннинг турли фаолияти натижасида қайта тиклаш мумкин бўлмаган табиий ресурслар йўқ бўлиб кетиши хавфининг олдини олиш.

---

[2] Манба: «Труд» газетаси, 4 октябрь, 2001 й., 26 бет

5. **Ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик** – жамият аъзоларини ҳар қандай жисмоний ва ахлоқий куч ишлатишдан, сиёсий ва ғоявий зўравонлик, ижтимоий ва миллий келишмовчиликдан ҳимоялаш, субъектларнинг ижтимоий, сиёсий манфаатларини, сиёсий, ижтимоий ва миллий мустақиллигини, ижтимоий, сиёсий алоқалар ва коммуникацияларни чегаралаш хавфи ва бошқалар.

6.Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий устувор йўналишлари миллий манфаатлар, реал ва потенциал хавфларга боғлиқ равишда аниқланади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- бозор иқтисодиётини шакллантиришга, унинг муросасозлигини оширишга, реал мулкдорлар синфини шакиллантиришга йуналтирилган иқтисодий ислоҳотларни кетма-кет ўтказиш;
- хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини рағбатлантириш;
- мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва хусусий мулкни химоялаш, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлашнинг амалий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш;
- барқарор ва динамик иқтисодий ўсиш асосида инсонларнинг муносиб ҳаёт шароитларини ташкил этиш;
- инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларнинг замонавий ишлаб чиқаришини ташкил этиш ҳисобига мамлакат иқтисодий мустақиллигига эришиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш;
- макроиқтисодий баркарорлик, молия, пул-кредит тизимлари баркарорлигини таъминлаш, миллий валютани кучайтириш;
- аграр секторда радикал ўзгартиришларни амалга ошириш, қишлоқда бозор механизмини ривожлантириш, деҳқонларда хўжайинлик ҳиссини ўйғотиш;
- табиий, минерал хом ашё, иқтисодий ва илмий-техника потенциалини оқилона ишлатиш, мамлакат регионларини мажмуий ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг фавқулодда ҳолатларда барқарор ишлашини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий интеграцияни фаоллаштириш, хорижий капитални кенг киритиш, экспорт потенциалини ривожлантириш, маҳсулот экспорти ва импорти тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий хавфсизлик асосида ривожланиш ва ривожланишнинг барқарорлигини таъминловчи муҳитга ўхшаш муҳитни ташкил этувчи омиллар ётади. Булар материал иншоотини, уни янги сифат ҳолатига, яъни таркиб ва тузум ўзгаришига олиб келадиган ўзгаришдир. Миллий ва иқтисодий хавфсизлик қуйидаги синфлардан иборат: сиёсий, ҳарбий ахборот, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий устувор йўналишлари миллий манфаатлар, реал ва потенциал хафларга боғлиқ равишда аниқланади.

Назора ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий хавфсизлик нима?
2. Миллий ва иқтисодий хавфсизликка нима сабабдан риоя қилиниши лозим?
3. Миллий хавфсизлик турлари қандай синфларга ажратилади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгартиришларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш. «Халқ сўзи», 2002, 30 август.

II боб

ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УМУМДАВЛАТ ИШИ

2.1. Ўзбекистон ва миллий хавфсизлик

Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши мавжуд хавфлар табиатини қанчалик тўғри тушуниш, уларнинг манбалари ва ўзаро боғланишини вақтида аниқлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлаш шароитларини аниқлаши ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳаёт фаолиятининг ҳамма сохаларида сифатли ўзгартиришлар қилиш тақозо этилади. Улар И.А.Каримов томонидан айтилган, янгиланиш ва тараққиёт йўлига асосланган принципиал усулларга асосланади.

Республикамизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ иқтисодий хавфсизлик муаммоси алоҳида кескинлик ва долзарблик касб этди. Бу «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг жуда мураккаблиги билан боғликдир. Анъанавий ёндашиш ва усуллар иқтисодий хавфсизликнинг тўлиқ тавсифини бермайди, демак, иқтисодий муносабатлар барқарорлигини сақлашнинг амалий ва аввалдан айтиб бериш мумкин бўлган йўлларини кўрсатмайди. Аммо, шуни айтиш керакки, мамлакат иқтисодиёти хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларини ислоҳ қилишнинг мақсади ва шартидир. Бу йўналишда амалий қадамлар қўйилаяпти. Президент бошчилигида ташкил этилган стратегик ва регионлараро миллий текшириш институти, миллий хавфсизлик кенгаши, турли хил илмий марказлар иқтисодий хавфсизликни текшириш, унинг йўлларини таъминлаш бўйича муайян асосга, илмий-назарий ва амалий ишларга эга.

Ўзбекистон учун миллий хавфсизлик кенг маънода нимани билдиради, бу хавфсиликни қандай тушунамиз?

Биринчидан, Ўзбекистон хавфсизлиги бўлинмаслик тўғрисидаги асосий принциплардан бири бўлиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Хавфсизлик – узлуксиз ҳолат, унинг чегараси йўқ.

Иккинчидан, «совуқ уруш» томом бўлганидан сўнг умумий хавфни этник, регионал, локал низолар ва давлатлар ичидаги жанговар сепаратизм олиб келади. Айниқса агар бундай қарама-қарши турушлар, уларнинг ўз манфаатлари ва таъсир зона-

ларини сақлаб қолиш ва ҳимоялаш учун ёки уларнинг фойдасига кучларнинг стратегик балансини ўзгартириш учун алоҳида олган мамлакатлар қўлида сиёсий таъсирнинг бақувват қуроли бўлиб қолса.

Учинчидан, Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ҳолатига кўра, жамоа хавфсизлик тизими тартибга солинмаган регионда жойлашган, у ҳам хавф туғдириш сабаби бўлади.

Тўртинчидан, регионал низолар кўпинча терроризм, наркобизнес ва қурол- яроғнинг ноқонуний савдоси, инсон ҳуқуқининг оммавий бузилиши каби чегара билмас хавфли таҳдидлар ва чиқишларнинг турғун манбаига айланаяпти.

Бешинчидан, халқаро муносабатлар амалиётида ҳар қайси мустақил мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда унинг мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида, у ёки бу халқаро тузумлар ва жамоа хавфсизлик келишувларида иштироки даражасини аниқлаш ҳуқуқи кўзда тутилган бўлиши керак.

Олтинчидан, экологик ва ядро хавфсизлиги муаммоларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Хавфсизлик хавфи кенг қамровли тушунчадир. У сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний ниқобдаги миллатчилик ва миллий ўз-ўзини яккалаб қўйиш, этник, миллатлараро, маҳаллий ва клан асосида қарама-қаршиликлар, коррупция ва жиноят, экологик муаммоларни ўз ичига олади. Улар турли регионларда турли даражада намоён бўлса-да, инсоният учун умумий ташвиш туғдиради.

Хавфсизлик — регионнинг асосий харакатга келтирувчи омили эканлиги тўғрисида қайта гапириш керак эмасми? Лозим бўлса керак. Чунки дунё ва тинчлик мўртдир. Аммо инсоният гоҳо буни унутади, дунё ва тинчликни асрашга эътиборни сусайтириб, тараққиётни вужудга келтирувчи қийинчиликлар олдида ҳимоясиз қолишади.

Аҳир уйга ҳар доим дўстлар келишини эсда тутиб, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаш учун шароит яратишда энг муҳим принцип — умумий уйимизда хавфсизлик ва тинчликни кафолатлашимиз лозим.

Беқарорлик вужудга келган, нотинч регионни, биринчи навбатда бошқа мамлакатларнинг вакиллари ташлаб кетади. Бу, бошқа ҳудудлардаги каби Марказий Осиёда ҳам барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди. Беқарор мамлакат эса етакчи мамлакатларнинг диққатини жалб этмайди. Чунки ҳар қандай низода, айниқса, регионал низолар остида жаҳон миқёсида ҳалокатга олиб келадиган ўқ ётади.

Вилоят va YEST
KUTUBXONA
№ 11/1220

Турли низолар шу регион мамлакатлари ҳаётига — сиёсатига, ижтимоий, демократик ривожланиш истиқболларига ва ҳ.к.ларга салбий таъсир кўрсатади. Ҳамма халқаро институтлар ҳарбий-сиёсий низоларни тинч йўл билан бартараф этиш ва олдини олишга йўналтирилганлиги сир эмас. Шунинг учун жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш учун ривожланишнинг тинч шароитини яратиш керак.

Низо пайдо бўлиши сабабларидан бири диний экстремизм ёки фундаментализмдир. Террористик актларга жавобгарликни зиммасига олган, турли экстремистик гуруҳлари бўлган мамлакатлар тажрибаси жаҳон ҳамжамиятининг совуқ ва эҳтиёткор муносабатидан гувоҳлик беради. Бу эса, интеграция жараёнини осонлаштирмайди. Улар иқтисодий дискриминация, димоғдорлик ва бошқаларни чуқур тушунишга имконият яратмайди. Улуғ давлат шовенизми яқин хорижий давлатлардан қайси бири ҳамкорликка лойиқлигини ҳал этиш хуқуқини ноҳуқуқий — бундай ҳуқуққа эга бўлмаган ҳолда эгаллаб олишдир. Хавф, шунингдек, шовинизм, миллатчилик шакилларида намоён бўлиб, этник, давлатлараро конфронтация, ташқи иқтисодий алоқаларни чеклашга уриниш, жамиятнинг маълум қатламларига тазйиқ кўрсатиш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш ва ҳ.к.га олиб келади. Узоққа боришниуu хожати йўқ, МДҲ мамлакатларидаги воқеалар юқорида айтилганларни тасдиқлайди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги беқарорлик кўпчилик хорижий фирмаларни ўз ваколатхоналарини бекитишга мажбур этади, бу, албатта, ишсизлик ва унинг кескинлик даражасини ошириб, ҳаётни оғирлаштиради.

Шунинг учун ҳам, биринчи навбатдаги вазифалардан бири регионларда барқарорликни сақлашдир. Масалан, ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон очиқроқ бўлиши ва ҳамма мамлакатлар резидентлари ва норезидентлари хавфсизлигини таъминлаши (республикада 35 элчихона очилган) керак.

«Хавфсизлик» тушунчаси жуда кенг бўлиб, жамият ҳаётига алоқадор деярли ҳамма масалаларни — чегара хавфсизлиги, регион ичидаги тинчлик, экстремистик, миллий гуруҳларнинг йўқлиги, порахўрлик, жиноят кўрсатгичларининг камайиши омилларини ўз ичига олади ва ҳоказо.

Қуйида бу омиллардан ҳар бири бошқа мамлакатларнинг муайян мамлакатга, масалан, Ўзбекистонга муносабатига қай даражада таъсир этишини кўриб чиқамиз.

Охирги пайтларда «регионал низо» ҳақида сўз юритилмоқда. Афсуски, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган, ривожланиши буйича барқарор Афғонистон ва То-

жикистонга ўхшаш мамлакатлар билан қўшни. Афғонистонда инқироз салкам 20 йилдан бери давом этади, регионнинг сиёсий-иқтисодий ҳолати жуда ёмон. Қўшни давлатлар орқали жуда кўп қурол-аслаҳа, наркотик моддалар олиб ўтилаяпти ва уларнинг бир қисми республикада қолиб кетаяпти. Бу каби мамлакатлар миллий хавфсизлигимизга, давлат, жамият ва инсон манфаатларига реал ташқи хавф туғдиради.

2.2. Ўзбекистон ва жаҳон регионал хавфсизлик тизими

Ўзбекистоннинг турли субъектлар билан халқаро муносабатлари қанчалик чуқур ва кенг булса, ноаниқликлар, бегоналашишлар, муаммо ва ҳал этилмаган масалалар шунчалик камаяди. Ана шунинг узи хавфсизлик хавфини йукотиш ва ривожланиш барқарорлигининг зарурий шартидир.

Аммо бир бир-бирини тушуниш муҳим аҳамият касб этади қолаверса, мураккаб ва нозик сиёсий ишларда жуда яхши дипломат бўлиш керак.

Юқоридаги фикрлар қуйидаги хулосани беради: давлат ва миллатнинг хавфсизлик даражаси уларнинг интеграция жараёнидаги иштирокига бевосита боғлиқ. Хуллас, хавфсизликка хавф мамлакатларнинг интеграциялаш даражасига тескари пропорционалдир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш ва хавфсизлик учун курашда бутун дунё томонидан катта ёрдам кўрсатилмокда. Жаҳон ҳамжамиятига интергациянинг ташкилий қисми турли регионал бирлашмалар (Европа иттифоқи, ОБСЕ, НАТО, ЭКО, ОИК) билан алоқалар ривожлантирилишини тақазо этади. Регионлар ривожланишида либерализациясига йўналтирилган доимий ислоҳотлар курсини татбиқ этиш иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар энг муҳими, регионлар муваффақиятли ривожланиши ҳисобига миллий хавфсизликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётий муҳим бўлган манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ташқи ва ички хавфлардан муҳофаза қилиш кафолати сифатида тушунилган миллий хавфсизлик – давлат тузумлари билан бир қаторда, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, нодавлат тузумларнинг кенг тармоқлари мажмуаси ва чора-тадбирлар тизимидир. Давлат миллий хавфсизлик таъминланишида учун биринчи жавобгарлик зиммасига олиши, ҳукуматни демарказлаштириш жараёни регионал сепаратизмга олиб кел-

Турли низолар шу регион мамлакатлари ҳаётига — сиёсатига, ижтимоий, демократик ривожланиш истиқболларига ва ҳ.к.ларга салбий таъсир кўрсатади. Ҳамма халқаро институтлар ҳарбий-сиёсий низоларни тинч йўл билан бартараф этиш ва олдини олишга йўналтирилганлиги сир эмас. Шунинг учун жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш учун ривожланишнинг тинч шароитини яратиш керак.

Низо пайдо бўлиши сабабларидан бири диний экстремизм ёки фундаментализмдир. Террористик актларга жавобгарликни зиммасига олган, турли экстремистик гуруҳлари бўлган мамлакатлар тажрибаси жаҳон ҳамжамиятининг совуқ ва эҳтиёткор муносабатидан гувоҳлик беради. Бу эса, интеграция жараёнини осонлаштирмайди. Улар иқтисодий дискриминация, димоғдорлик ва бошқаларни чуқур тушунишга имконият яратмайди. Улуғ давлат шовенизми яқин хорижий давлатлардан қайси бири ҳамкорликка лойиқлигини ҳал этиш хуқуқини ноҳуқуқий — бундай ҳуқуққа эга бўлмаган ҳолда эгаллаб олишдир. Хавф, шунингдек, шовинизм, миллатчилик шакилларида намоён бўлиб, этник, давлатлараро конфронтация, ташқи иқтисодий алоқаларни чеклашга уриниш, жамиятнинг маълум қатламларига тазйиқ кўрсатиш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш ва ҳ.к.га олиб келади. Узоққа боришниуu хожати йўқ, МДҲ мамлакатларидаги воқеалар юқорида айтилганларни тасдиқлайди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги беқарорлик кўпчилик хорижий фирмаларни ўз ваколатхоналарини бекитишга мажбур этади, бу, албатта, ишсизлик ва унинг кескинлик даражасини ошириб, ҳаётни оғирлаштиради.

Шунинг учун ҳам, биринчи навбатдаги вазифалардан бири регионларда баркарорликни сақлашдир. Масалан, ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон очиқроқ бўлиши ва ҳамма мамлакатлар резидентлари ва норезидентлари хавфсизлигини таъминлаши (республикада 35 элчихона очилган) керак.

«Хавфсизлик» тушунчаси жуда кенг бўлиб, жамият ҳаётига алоқадор деярли ҳамма масалаларни — чегара хавфсизлиги, регион ичидаги тинчлик, экстремистик, миллий гуруҳларнинг йўқлиги, порахўрлик, жиноят кўрсатгичларининг камайиши омилларини ўз ичига олади ва ҳоказо.

Қуйида бу омиллардан ҳар бири бошқа мамлакатларнинг муайян мамлакатга, масалан, Ўзбекистонга муносабатига қай даражада таъсир этишини кўриб чиқамиз.

Охирги пайтларда «регионал низо» ҳақида сўз юритилмоқда. Афсуски, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган, ривожланиши буйича барқарор Афғонистон ва То-

жикистонга ўхшаш мамлакатлар билан қўшни. Афғонистонда инқироз салкам 20 йилдан бери давом этади, регионнинг сиёсий-иқтисодий ҳолати жуда ёмон. Қўшни давлатлар орқали жуда кўп қурол-аслаҳа, наркотик моддалар олиб ўтилаяпти ва уларнинг бир қисми республикада қолиб кетаяпти. Бу каби мамлакатлар миллий хавфсизлигимизга, давлат, жамият ва инсон манфаатларига реал ташқи хавф туғдиради.

2.2. Ўзбекистон ва жаҳон регионал хавфсизлик тизими

Ўзбекистоннинг турли субъектлар билан халқаро муносабатлари қанчалик чуқур ва кенг булса, ноаниқликлар, бегоналашишлар, муаммо ва ҳал этилмаган масалалар шунчалик камаяди. Ана шунинг узи хавфсизлик хавфини йукотиш ва ривожланиш барқарорлигининг зарурий шартидир.

Аммо бир бир-бирини тушуниш муҳим аҳамият касб этади қолаверса, мураккаб ва нозик сиёсий ишларда жуда яхши дипломат бўлиш керак.

Юқоридаги фикрлар қуйидаги хулосани беради: давлат ва миллатнинг хавфсизлик даражаси уларнинг интеграция жараёнидаги иштирокига бевосита боғлиқ. Хуллас, хавфсизликка хавф мамлакатларнинг интеграциялаш даражасига тескари пропорционалдир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш ва хавфсизлик учун курашда бутун дунё томонидан катта ёрдам кўрсатилмокда. Жаҳон ҳамжамиятига интергациянинг ташкилий қисми турли регионал бирлашмалар (Оврупа иттифоқи, ОБСЕ, НАТО, ЭКО, ОИК) билан алоқалар ривожлантирилишини тақазо этади. Регионлар ривожланишида либерализациясига йўналтирилган доимий ислоҳотлар курсини татбиқ этиш иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар энг муҳими, регионлар муваффақиятли ривожланиши ҳисобига миллий хавфсизликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётий муҳим бўлган манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ташқи ва ички хавфлардан муҳофаза қилиш кафолати сифатида тушунилган миллий хавфсизлик — давлат тузумлари билан бир қаторда, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, нодавлат тузумларнинг кенг тармоқлари мажмуаси ва чора-тадбирлар тизимидир. Давлат миллий хавфсизлик таъминланишида учун биринчи жавобгарлик зиммасига олиши, ҳукуматни демарказлаштириш жараёни регионал сепаратизмга олиб кел-

Қисқача хулосалар

Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш қуйидаги асосий принципларга асосланади: чегараларининг дахлсизлиги, геосиёсий жойлашиши, ҳудуд ичидаги тинчлик, терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси, инсон ҳуқуқи, миллий етуклиги ва республикани жаҳон ҳамда ҳудудий хавфсизлик тизимида фаол қатнашиши, экологик ва ядровий хавфсизликка алоҳида эътибор берилиши, сиёсий экстремизм ва диний ниқоб остидаги миллатчилик, коррупция ва жиноят муаммолари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий хавфсизлик нимани англатади?
2. Нега хавфсизлик ҳудуд юксалишининг муҳим омили дейилади?
3. «Ҳудудий низолар» тушунчасининг моҳияти нимада?
4. Ўзбекистон нега халқаро ҳудудий хавфсизлик ҳамжамияти аъзоси бўлди?

Асосий адабиётлар

1. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон ҳалқига мураажати. «Халқ сўзи», 2001 йил, 7 декабрь.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак, 10-том. — Т.: «Ўзбекистон», 2002.
3. «2003 йилнинг биринчи яримида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тартиблар ҳақида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, «Халқ сўзи». 2003 йил, 19 июль.
4. Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедик маълумотнома. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002.

III боб

МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРГАНЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Қуролли кучлари ва миллий хавфсизлик органлари — Ватан мустақиллигининг ҳимоячилари

Олий Мажлиснинг 11 Сессиясида (1995 йил, май) Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринаси кўриб чиқилди. У 3 қисмдан иборат:

1. Умумий қоидалар.
2. Сиёсий жиҳатлар.
3. Ҳарбий ташкилий жиҳатлар.

1.Ҳарбий доктринанинг умумий қоидалари суверенитет тўғрисидаги низомдан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсати асосини ташкил этади.

Бунга боғлиқ ҳолда Ўзбекистон ўз мудофаа сиёсатини барча мамлакатлар тинчлигига даҳл қилмаслик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойиллари асосида олиб боради, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни демократия ва ижтимоий адолат асосида ривожлантиради. Халқаро муносабатларда тинчликсеварлик сиёсатга асосланади, шу билан бирга ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоялаш йўлидан боради, БМТ низомига мувофиқ мудофаа ҳуқуқини амалга оширади, давлатнинг мудофаа кучини ва қобилиятини керакли даражада таъминлайди. Булар Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунида ҳам ўз аксини топган. Ушбу қонун мамлакат мудофаасини таъминлаш бўйича давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари ва мажбуриятларини, уларнинг бу борадаги фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш асосларини белгилаб беради.

2. Доктринанинг сиёсий жиҳатлари. Ўзбекистон уруш ва уруш низоларига ўз муносабатини билдириб, қуйидагиларни эълон қилади:

– дунёнинг ҳеч бир мамлакатини ўзининг душмани деб билмайди ва ҳудудий ва бошқа даъволар қилмайди.

– халқаро, сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш усули сифатида урушга қарши чиқади.

Урушни тугатиш, шунингдек, тинчликни сақлаш бўйича ҳаракатларда халқаро ҳамжамиятнинг барча тинчликсевар мамлакатларини ўз иттифоқдошлари деб билади.

3. Доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатлари. Ўзбекис-

тон Марказий Осиё минтақасида геосиёсий жиҳатдан оммавий қирғин қуроллари йиғилган, турли этник ва диний гуруҳларга мансуб халқлар истиқомат қилаётган ҳудудларга яқин жойлашган. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси учун ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи айниқса долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва тинчликпарварлик ҳаракатлари доим ҳам урушларнинг олдини олиб бўлмаслигини эътиборда тутиб, ўз мудофааси таъминланишини давлат ва аҳоли олдидаги муҳим вазифа деб ҳисоблайди:

– халқаро шартномага мувофиқ ўзига ёки иттифоқдошларига йўналтирилган агрессияга қарши ҳарбий имкониятларидан максимал фойдаланиш ҳуқуқини тан олади, бу мақсаддаги ҳаракатни қуролли ва миллий хавфсизлик кучлари билан таъминлайди;

– қуролли ва миллий хавфсизлик кучлари давлат хавфсизлигининг, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлиги ҳимоясини кафолатлайди. Бу кучларнинг тазилиши ва ташкил қилиниши қонун билан белгиланади.

– қуролли ва миллий хавфсизлик кучларини ўз хавфсизлигини етарли даражада таъминлаш учун сақлаб туради;

– қуролли ва миллий хавфсизлик кучларини асосан таркибий жиҳатдан кўп сонли бўлмаган, лекин ҳаракатчан, замонавий қуроллар ва жанговар техника билан яхши қуролланган, давлат хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлай оладиган кучлар ҳисобига тўлдиради;

– қуролли ва миллий хавфсизлик кучлари ўз фаолиятини қонун устуворлиги; марказлашган бошқарув ва яккабошчилик; доимий жанговар ва сафарбарлик ҳолатидаги тайёргарлик; фуқароларнинг умумий мажбурияти; жамоавий хавфсизлик тизимини барпо этиш; ҳарбий интизомга риоя қилиш; партиясизлик; ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш асосида ташкил қилади ва амалга оширади.

Бу кучлар қуруқликдаги қўшинларга, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус вазифадаги қўшинлар, шунингдек, миллий гвардиядан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифани бажаради, зарур ҳолларда бир-бири билан ҳамкорликда ҳаракат қилади ва шу орқали Ўзбекистон Республикасининг тўла мудофаа қобилиятини таъминлайди. Ҳарбий хавф туғилганда Ўзбекистон қуролли кучлари, давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўшинлар ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари Ватан мустақиллигини ва тинчлигини биргаликда ҳимоя қилади.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳарбий ва хавфсизликни таъминлаш стратегик вазифаси

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳарбий доктринасининг моҳиятини эълон қилар экан, БМТ уставидан, Хелсинкида имзоланган Якунловчи ҳужжатдан, Стокгольм конференцияси ҳужжатларидан, икки томонлама, кўп томонлама шартномалар ва битимлардан, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умуман эътироф этилган нормаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларга қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ V сессиясида 2001 йил 11 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Мудофа тўғрисда»ги қонунга биноан мудофаа эҳтиёжлари ва армия харажатлари республика бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобига қопланади. Ҳар йили мудофаага ажратиладиган маблағ миқдорини Олий Мажлис кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга биноан Қуролли кучлар ва мудофаа эҳтиёжлари учун бажариладиган ҳамма буюртмалар солиқларни камайтириш ёки улардан озод қилиш, кредит ажратиш ва бошқа имтиёзлар бериш тарзида рағбатлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли кучларнинг олий бошқарувини амалга оширади ва Олий Бош қўмондони ҳисобланади. У республика мудофаа қобилитияни мустаҳкамлаш, мамлакат манфаатларига қуролли хавф пайдо бўлган ҳолларда унинг сувирентитети, ҳудудий яхлитлиги ва мустаҳкамлигини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради; вазирларни тайинлайди; Қуролли Кучларнинг қурилиш, уларни стратегик қўллаш режаси, шунингдек, сафарбарлик дастурини тасдиқлайди; Қуролли Кучлар жанговар ҳаракатларни олиб бориши тўғрисида қарорлар қабул қилади ва буйруқлар беради.

Бош штаб негизида Қуролли Кучларни бошқаришнинг янги органи —Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби тузилди. Унинг зиммасига қўшинларни тезкор-стратегик режалаштириш ва жоанговар қўлланиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳарбий ва хавфсизликни таъминлаш стратегик вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Тинчлик шароитида — давлатнинг мудофаа қобилиятини керакли даражада таъминлаш; уни суверенитети ва ҳудудий яҳлитлигига тажовуз ва суиқасд қилинишдан сақлаш.

2. Уруш ҳолатида — ўз кучи билан, шунингдек, МДҲ мамлакатлари билан бирга шартномаларга мувофиқ қўшма ҳарбий салоҳият билан агрессорга қатъий зарба бериш.

3. Давлатлар ўртасида ҳарбий низоларнинг олдини олишда фаол иштирок этиш.

4. Агар агрессия қурбони бўлмаса, бошқа давлатга қарши биринчи бўлиб ҳарбий ҳаракатларни бошламаслик.

5. Хавфсизлик манфаатларини ўзаро ҳисобга олиш асосида бошқалар билан алоқалар ўрнатиш ва ҳеч кимга хавф туғдирмаслик.

Ўзбекистон ядросиз тамойилларга риоя қилади. Яқин йилларда ўз халқаро фаолиятининг асосий йўналиши қилиб қуйидагиларни белгилайди:

– БМТ билан хамкорликни кенгайтириш;

– Марказий Осиёда хавфсизлик муаммоси бўйича доимий амал қилаётган БМТ семинарини чақириш;

– ҳудудий хавфсизлик тизимини тузиш.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида келтирилган ҳарбий ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги стратегик вазифалари иқтисодиёт, давлат органлари ва бошқарув тизимларининг уруш даврида ишлаш учун сафарбарликка тайёргарлиги, шунингдек, республика ҳудуди ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш давлатнинг мудофа қобилиятини мустаҳкамлашда ва хавфсизликни таъминлашда муҳим йўналишдир. Тинчлик даврида ҳам, уруш пайтида ҳам аҳолини мудофаага ва хавфсизликни таъминлашга тайёрлаш ишлари умумдавлат амалий тадбирлари мажмуи дастурини бажариш орқали амалга оширилади.

3.3. Ўзбекситон Қуролли Кучларида ислоҳатлар

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан Республика бозор муносабатларига ўта бошлади. Мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш каби бозор иқтисодиётига ўтиш стратегияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Ўтиш даврининг иқтисодий стратегиясига бешта тамойил: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, кучли иқтисодий сиёсат ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асос қилиб олинди. Бозор муносабатларига ўтишдаги «Ўзбек модели»нинг асосий хусусияти айни ана шундан иборат.

Шунинг учун ҳам тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида Қуролли Кучларимизни замон талаблари асосида ислоҳ этиш, миллий армиямизни Ватанимиз ва халқимиз манфатларини ишончли ҳимоя қила оладиган қудратли кучга айлантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг нутқ, маъруза ва чиқишларида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилишнинг мазмун-моҳияти, миллий армия-

мизнинг ўзига хос таркибий тузилиши – модели, унинг стратегик ва тактик вазифалари ҳақида, бугунги мураккаб дунёдаги, минтақамиздаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда янгича қарашларни илгари сурмоқда.

Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлар давлат бошқарувининг марказий органи ҳисобланади, у қўшинларга раҳбарликни ва маъмурий бошқарувни амалга оширади. Мана, икки йилки (2002 йилдан), бу тизимда мутлақо ҳарбиймас фуқаро раҳбарлик қилмоқда.

Бош штаб негизида Қуролли Кучларни бошқаришнинг янги органи—Ўзбекистон Қуролли Кучлари Бирлашган штаби тузилди. Унга қўшинларни тезкор-стратегик режалаштириш ва жанговар қўлланиш вазифаси юклатилди. У ва вазирликлар мудофаа соҳаси ва ҳарбий қурилишда ишлаб чиқиладиган давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминайди; мудофаа режалари ва концепцияси лойиҳаси, Қуролли Кучларнинг қурилиши ва тараққиёти, қуроллар ва ҳарбий техника тараққиётининг давлат дастурлари, мудофаа эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади; мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳаларида илмий-тадқиқотларни ташкил қилади ва ўтказади; ҳарбий техника, бошқа ҳарбий анжомларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаларининг бажарилишини назорат қилади.

Қуролли Кучларни тўлдириш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Бу қонунга кўра, ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар. Хизмат чақирувига биноан оддий аскар, сержант ва старшиналар учун ҳарбий хизмат муддати 18 ой (олий маълумотли шахслар учун – 12 ой) эди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида ислоҳотлар, хусусан, давлатимиз рахбари Олий Мажлис IX сессиясидаги (2002 йил 30 август) маърузасида мамлакатимиз тараққиётининг еттита устувор йўналишини аниқ белгилаб берар экан, уларнинг энг муҳими, тенгсиз олий неъмат – мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлса, иккинчиси- мамлакатимизда ҳудудий яхлитликни, фуқолроларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш эканини таъкидлагани бежиз эмас. Бунинг маъноси шуки, иккинчи устувор йўналиш Қуролли Кучларимизни замон талаблари аосида ислоҳ қилишни, шу орқали миллий хавфсизлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади ва бу жараён биринчи устувор йўналиш – мустақилликни мустаҳкамлаш масалси билан бевосита боғликдир.

Юртимизда ҳар қандай жанговар вазифани адо этишга қодир, ихчам ва ҳаракатчан замонавий армияни шакллантириш, ҳарбий хизматни том маънода шон-шараф ишига айлантириш, ана шу мақсадда Қуролли Кучларимизда контракт асосида хизмат қилишни ва бу хизматдаги лавозимларга ҳарбий хизмат муддатини ўтган ва чиниққанлар ҳисобига, Олий қўмондон таклифи асосида ҳарбий хизмат муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартирилади. Бинобарин, Германия, Дания, Испания, Норвегия, Польша, Австрия каби давлатларда ҳам ҳарбий хизмат муддати 12 ой. Бу давр ичида ҳарбий хизматчи жанговар вазифани бажаришга қодир ва чиниқишга улгуради.

Ислоҳотларнинг яна бир йўналиши Қуролли Кучлар заҳирасини яратиш ва такомиллаштиришдир. Республикада ҳарбий хизматдан бўшатилган, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этилган фуқоролар (саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлардан ташқари) заҳирадагилар рўйхатига олинадилар. Оддий аскарлар, сержант ва старшинлар, пропоршиклар ва мичманларнинг заҳирада бўлиш ёши чегараси: биринчи даражадагилар учун-50 ёшгача. Ҳарбий хизматчилар заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етган бўлсалар ёки ҳарбий-тиббий комиссия томонидан саламотлигига кўра, ҳарбий хизматни ўтишга яроқсиз топилсалар, ҳарбийлар рўйхатидан ўчирилган ҳолда истеъфога чиқадилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ёш авлоднинг маънавий тарбияси, интелектуал имкониятлари ривожланишида ислоҳатларга зарурият сезилди.

1997 йили Президент Ислом Каримовнинг бевосита иштирокида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди. Янги шароитда кадрларни тайёрлашнинг, шу жумладан, Қуролли Кучлар учун, асосий принципи — бу, таълимнинг устуворлиги, унинг ривожланиши биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, ҳуқуқий, ҳарбий муносабатлар тараққиёти шароитида жамиятнинг таълим, билим, интелектга янгича муносабатда бўлишидир. Янги шароитда Ўзбекистонда зобитлар 6 та ҳарбий билим юрти: Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация ҳарбий билим юртларида, Ички ишлар вазирлиги академияси ва ёнғинга қарши Ўрта Осиёда ягона билим юртида тайёрланади. Шунингдек Тошкент алоқа университетининг махсус факультетида ва бошқа олий ўқув юртларида турли мутахасислар бўйича зобитлар таркибини тўлдирувчи юқори малакали кадрлар тайёрланади.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий Академияси очилди. Унда қуролли Кучларнинг юқори офицерлик таркибига кадрлар тайёрланади. Ҳарбий касбни танловчи ёшлар учун Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ихтисослашган лицейлар очилган.

3.4. Давлатнинг хавфсизлик манфаатлари

Давлатнинг умумжаҳон тизимида эгаллаб турган мақеини белгилаш учун кўп йиллар мобайнида ўша мамлакатнинг аҳолиси, ҳарбий имконияти, ижтимоий инфратузилмаси ва алоқа воситалари ҳамда географик жойлашиши ҳисобга олинган. XXI асрга келиб, ер юзида шунчалик улкан силжишлар содир бўлдики, эндиликда бу кўрсаткичлар давлатнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрнини белгилаш, хавфсизликни таъминлашда бирдан-бир асос бўлиб қолди.

Тараққиётнинг кейинги йилларида Ўзбекистон ўз манфаатлари хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур хулосалар чиқариш ва улкан марраларни қўлга киритишга эришди. Бу, ўз навбатида, халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширди.

Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, у ёки бу мустақил давлатнинг жаҳон сиёсат майдонидаги ўрнини бошқа биров белгилаб бермайди. Бу йўлда жиддий муаммоларга эътиборини қаратган ва пайдо бўлган барча саволларга жавоб топган ҳолда дунё воқеаларининг шиддатли ўзгаришларига давлатнинг ўзи ҳар доим тайёр туриши керак.

Бундан ташқари, у ёки бу давлатнинг истиқболда қандай бўлиши асосан икки жиҳат: биринчидан, албатта ўзининг саъй-ҳаракати, сафарбарлик қобилияти ва иккинчидан, жаҳондаги сиёсий жараёнлар қандай тус олишига боғлиқлиги тарихида кўп маротаба исботланган. Шу боис мустақил Ўзбекистон бугунги кунда жамият ичидаги масалаларга жиддий эътибор қаратиш билан бирга, дунё барқарорлигини мустаҳкамлаш ишида фаол иштирок этмоқда. Зеро, жаҳон сиёсати субъекти қандай бўлиши, хусусан, юқорида зикр этилган масалаларнинг ечимига боғликдир.

Тўғри, хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назардан Ўзбекистон учун барча минтақалардаги сиёсий-ҳарбий вазият бир хил аҳамиятли, яъни дунёдаги барча давлатлар билан қандай муносабатлар ўрнатишимизга боғлиқ. Зотан, ҳамкорлик ва хавфсизлик имкониятлари чексиздир. Аммо бу вазият ён қўшни, тарихан бир-бирига чамбарчас боғлиқ давлатлар билан алоқаларнинг устуворлик касб этишига халал бермайди.

Марказий Осиё бошқа кўплаб минтақалардан фарқ қилиб, ўзаро хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашда анчагина қулай имкониятларга эга. Минтақада минг йиллардан буён турмуш тарзи ва хўжалик юритиш услублари, тарихий-сиёсий кечмиши ҳамда диний ва бошқа соҳаларда бир-бирига жуда яқин ҳалқлар, миллатлар истиқомат қилиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш борасида қўшимча имкониятларни вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари, хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ана шу муҳим омилни минтақа хавфсизлигини мутаҳкамлаш йўлида ишлата билиши бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда.

Яна муҳим бир масала: айрим пайтларда, хавфсизликни таъминлаш ижтимоий, яъни оддий инсоний муносабатлар доирасида чуқур ҳис этилишини кузатамиз. Бу табиий. Назаримизда, Марказий Осиё давлатлари даражасида бу муаммоларни барча давлатларнинг бир хил ҳис этаётганлиги юқоридаги жараённинг янада чуқурлашувига имконият яратмоқда.

2003 йилда минтақа ва биринчи навбатда, мамлакатимиз хавфсизлиги учун улкан аҳамиятга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Россиядаги учрашувлари ва Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг Олма-ота шаҳрида, Европа тикланиш ва тараққиёт банки [ЕТТБ] халқаро бизнес оламидаги энг йирик ва нуфузли молиявий ташкилотининг йиғилиши Тошкент шаҳрида ишлагани фикримизнинг исботидир.

Шанхай Ҳамкорлик ва Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотларининг иш юритиши биринчидан, минтақада кўп томонлама, кўп қиррали ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлашни ўз зиммасига олишган бўлса, иккинчидан, улар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мустақил сиёсат юритувчи минтақавий ташкилотларга айланди. Бир қарашда оддий бир шакл ўзгаришига ўхшаб туюлган юқоридаги сифат ўзгариши хавфсизлиги талаб даражасида таъминланмаган Марказий Осиёда ва қолаверса, бутун Осиёда барқарорлик ва тараққиёт ишига ўз ҳиссасини қўшади, деган фикрдамиз.

Давлатнинг хавфсизлик манфаатлари, хавф-хатарнинг дунё бўйлаб тобора ошиб бориши ёки кенг тарқалиши, кўпчилик пайтларда уларнинг кутилмаганда пайдо бўлиши ва қолаверса, одамзод умргузаронлигининг мураккаблашиб бориши билан боғлиқ хавфли тенденцияларни англашда айрим амалий тавсияларга тўхталишни тақазо этади:

– Марказий Осиё халқаро сиёсат субъектлари учун геосиёсий рақобат майдонига айланишининг олдини олиш. Мамлакатимиз Президентининг бу долзарб масалага оид жиддий

амалий ташаббусларини айнан шу нуқтаи назардан юксак баҳолаш жоиз;

– тобора зўрайиб бораётган ноанъанавий, батамом янги хавф-хатарлар ва таҳдидларни жиддий сарҳисоб қилиш, яна уларнинг «мақоми"га, чегарасига халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан аниқлик киритиш, айнан баҳолашга қаратилган илмий-амалий ва сиёсий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– халқаро, минтақавий ва ҳудудий хавфсизликка путур етказаётган ижтимоий муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни енгиш ва бартараф этиш билан боғлиқ долзарб масалалар, дунё барқарорлиги учун масъул масалаларнинг кун тартибига киритиладиган вақти келди;

– бугун таҳдидлар, хавф-хатарлар ва инсон фаолияти билан боғлиқ ноўрин тенденциялар шу даражага кўтарилдики, эндиликда уларни бартараф қилишга анъанавий услублар ва халқаро тузилмаларнинг қурби етмайди. Бугун дунёда ўз миллий хавфсизлигини ёлғиз ўзи таъминлай оладиган бирор бир давлат ёки ҳарбий-сиёсий гуруҳ йўқ.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистоннинг мудофааси ва хавфсизликни таъминлаш органлари – бу, Қуролли Кучлар ва миллий хавфсизлик оргонлари, чегара қўшинларидир. Республикада ҳарбий дастур асосида қуролли Кучларнинг ислоҳатлари амалга оширилаётир ва миллий армиямизни Ватанимиз ва халқимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган қудратли кучга айлантириш йўллари, кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда республика хавфсизлиги учун улкан аҳамиятга эга бўлган Шанхай хамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфзли ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида фикр юритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистонда қайси органлар мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлайди?
2. «Ҳарбий доктрина» нима ва унинг асосий омиллари нималардан иборат?
3. Қуролли Кучларда ислоҳатларнинг асосий мазмуни нималардан иборат?
4. Давлатнинг хавфсизлик манфаатлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир., - Т., «Ўзбекистон», 2003.
2. Тухлив Н., Креминцова А. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедик маълумотнома. «Ўзбекитсон Милллий энциклопедияси» нашриёти, - Т., 2002.
3. Миллий армия – мустақиллигимиз таянчи. «Халқ сўзи» 2003 йил 4 февраль.

IV боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА СИЁСАТИ

4.1. Божхона сиёсатининг асослари

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳудудий ва глобал даражаларда қарорларни қабул қилишда унинг ўрни ошиб бормоқда.

Суверен Ўзбекистоннинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мустақил ташқи ва ички сиёсатни олиб бориш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўлларини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини аниқлаш ички ва ташқи муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ички сиёсат билан тўғридан-тўғри боғланган. Мустақил ташқи сиёсатни амалга ошириш, кўплаб мамлакатлар билан кенг ва кўп томонлама ҳамкорлик, ташқи сиёсат тамойиллари ва асосий йўналишларини ҳаётга кетма-кет ва қатъий ҳаётга татбиқ этиш ички сиёсатга ижобий таъсир кўрсатади, мамлакатда жадал ўзгаришларга, шунингдек, бозор муносабатларининг ривожланишига, демократик институтлар мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон олдида биринчи бор ўз божхона сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ва олиб бориш имконияти туғилди, бу эса унинг ички ва ташқи сиёсати таркибий қисми ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 1-моддасида ўз аксини топган: «Ўзбекистон Республикасида ташқи ва ички сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланадиган ягона божхона сиёсати амалга оширилади».

Бу сиёсатни олиб боришнинг муҳимлиги Ўзбекистоннинг бешта қўшни давлат — шимоли шарқда Қирғизистон, шимолда ва шимолий ғарбда Туркманистон, жанубий-шарқда Тожикистон, жанубда озроқ масофада Афғонистон, шу унингдек, Қозоғистон билан чегарадошлиги.

Ўзбекистон давлатининг ҳудуди 448,8 минг км^2 ни ташкил қилади. Шимолдан жанубга узунлиги 930 км, ғарбдан шарққа 1425 км. Чегарасининг умумий узунлиги 6221 км. Мамлакатимизнинг энг чекка жойлари: шимолда Устюрт платаси, Орол денгизининг Ғарбий қирғоғи, жанубда Сурхондарё вилоятида Термиз шаҳри, Шарқда — Фарғона водийси, Ғарбда Устюрт

платоси. Республика Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, асосан Амударё ва Сирдарё оралиғида кенг майдонни эгаллайди ва бу ҳудудда ягона божхона сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистон ўз божхона сиёсати ва халқаро муносабатларни аввало, миллий манфаатлар ва давлат суверенитетини янада мустаҳкамлашга таянган ҳолда олиб боради.

Давлатларнинг суверен тенглиги принципи халқаро божхона муносабатларида устуворликни белгилашда бош принцип ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бирор-бир бошқа мамлакатнинг доирасига кирмайди, шунинг учун республика ўз божхона сиёсатининг асос бўлувчи принципи сифатида давлатларнинг геосиёсий ва географик ҳолатидан, иқтисодий салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқа омиллардан қатьи назар уларнинг суверен тенглиги принципини ёқлайди ва унга қатъий амал қилади. Ўзбекистон божхона сиёсатини мустақил равишда белгилайди ва олиб боради, турли давлатлар билан бирон бир воситаларсиз тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатади.

4.2. Божхона сиёсатининг моҳияти ва мазмуни

Божхона сиёсатининг моҳиятини кўриб чиқишдан олдин унга тавсиф бериш керак. Божхона сиёсати — бозор муносабатларини шакллантириш шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ички ва ташқи иқтисодий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишга йўналтирилган божхона иши соҳасидаги қонун чиқариш, ижро этиш ва назорат қилиш тадбирлари тизимидир.

Бу Ўзбекистоннинг божхона сиёсатига энг умумий тавсифдир. Ушбу тавсифни аниқлаштириш учун божхона сиёсатини давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқамиз.

Божхона сиёсатининг моҳияти ва мазмуни унинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан ўзаро боғлиқлигидадир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти, БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида кўп давлатлар билан дипломатик консуллик, савдо ва бошқа хил алоқалар ўрнатган ва бу алоқаларни ривожлантирмоқда, давлатлар билан мухтор вакиллар алмашади, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин, халқаро майдонда очиқ сиёсат олиб боришда божхона кўмак беради.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг барча етакчи давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Ўзбекис-

тонни мустақил ва суверен давлат сифатида ер юзининг 180 дан ортиқ мамлакати тан олади ва 100 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Улардан 40дан ортиғи мамлакатимизда ўз элчихонасини ёхуд ваколатхонасини очган. Ўз навбатида, дунёдаги 20дан ортиқ мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг эчихонаси бор.

Республика жуда кўп халқаро ташкилотлар, чунончи, Ўзбекистон Божхоналар ҳамокрлиги Кенгаши, Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси, Осиё-Тинчлик Океания ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Шанхай ва Осиё уюшмаси, Халқаро олимпия қўмитаси, Жаҳон метериология ташкилоти, Жаҳон почта уюшмаси, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Халқаро автомобиллар уюшмаси ва ҳакозолар таркибига киради.

Божхона сиёсати давлатнинг ички иқтисодий сиёсати таркибий элементи ҳисобланади. Республикада қабул қилинган қонун, тариф ва нотариф меъёрий ҳужжатлар солиқ соҳасида имтиёзлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратади, сиёсий ва тижорий тавваколатлардан кафолатларни вужудга келтиради. Биринчидан, республикадаги хорижий инвесторлар национализация ва реквизиция қилиниши мумкин эмас. Иккинчидан, хорижий инвесторларга ўзларининг хорижий валютадаги фойдалари ва бошқа маблағларни чет элга ўтказишларига кафолат берилади. Учинчидан, хорижий жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўмакчи мулк савдосида эркин иштирок этиши кафолатланади. Тўртинчидан, хорижий инвестицияли корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларини лицензиясиз экспорт қилишлари ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулот импорт қилишлари мумкин, шунингдек, қўшма корхоналарнинг устав фондига улуш сифатида мол-мулкини бож тўламай қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида кейинги йилларда тўғри ва одилона бож тўловларини жорий этиш билан муҳим таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакати билан савдо қилинмоқда. Чет эллардан қўшимча моддий-маънавий ресурслар жалб қилиш, жаҳон фан-техника тараққиёти ютуқларини иқтисодиётга жорий этиш, аҳолининг хилма-хил юқори сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, хизмат соҳасини ривожлантиришда чет эл

тажрибасидан фойдаланиш, қўшимча иш ўринларини вужудга келтириш мақсадида олис хориж мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириб боришда божхона сиёсатининг моҳияти ва мазмуни давлатнинг ташқи ва ички иқтисодий ислоҳатлар стратегиясининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

4.3. Божхона сиёсатини ташкил этадиган иқтисодий алоқалар

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделида божхона сиёсати ташқи ва ички иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг дунё хўжалик алоқаларига узвий қўшилиши йўналишларини белгилаб олиш катта ўрин тутади.

Божхона сиёсатининг иқтисодий тамойиллари қилиб қуйидагилар олинган: мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи мунобатларда очиқлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро мафаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; тўла ишонч негизида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; ўзининг миллий давлат манфаатлари устуворлигига амал қилган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш; умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Олис хориж мамлакатлари орасида Ўзбекситон божхонаси орқали товар айланмасининг ҳажми жиҳатидан Жанубий Корея, яқин хориж мамлакатлари орасида эса Россия биринчи ўринда турибди. Товар айланмасида бу мамлакатлардан ташқари Буюк Британия, Швецария, Германия, Қозоғистон, Туркия ва бошқа давлатлар анчагина салмоққа эга.

Ўзбекистон божхона идоралари орқали республика ташқи савдосининг асосий қисми (63,1%), Европа мамлакатлари билан 31,4% Осий мамлакатлари билан 5,2%, Америка (атиги 0,3%) Африка, Австралия ва Океания мамлакатлари билан бир оз қисми амалга оширилади.

Бождан ўтадиган экспорт таркибида, аввалгидек, пахта толаси етакчи ўринда туради, сўнгги ўринларни энергия манбалари, машина ва асбоб-ускуналар, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва бошқа маҳсулотлар эгаллайди.

Божхона сиёсатининг иқтисодий тамойилларини тўғри ташкил этиш эвазига охирги йилларда хом ашё экспорти камайиб, экспортнинг умумий ҳажмида машина ва асбоб-ускуналарнинг, қора ва рангли металлар, энергия манбаларининг улу-

ши кўпайиб бормоқда. Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона, Навоий вилоятлари ишлаб чиқариш корхоналарининг катта ҳажмдаги экспорт операциялари божхона ташкилотларида амалга оширилмоқда.

Божхона постларидан ўтказиладиган импорт маҳсулотлари структурасида мамлакат иқтисодиётини модерернизациялаш учун келтирилган зарур технологиялар, машина ва асбобускуналар асосий ўринни эгаллайди. Истеъмол моллари олиб келиш эса, бир томондан, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини чекласа, иккинчи томондан, бу маҳсулотларнинг кўп қисми сифати пастлиги билан ички бозорни тўлдириш ва маҳаллий товарларга рақобат бўлади. Масалан, ҳозир (2003 йил) ички бозоримизда сотилаётган тикувчилик маҳсулотларининг 75 фоиздан кўпроғи, пойабзалнинг 50 фоизи четдан келтирилмоқда. Республикамиз пахта етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида турсаю, лекин оддий пахтадан тайёрланган ип кийимларни, кўйлакларни ҳам четдан келтирсак. Наҳотки республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кийим тикиб, бозорга чиқаришни, ҳатто четга ҳам сотишни йўлга қўйиш мумкин бўлмаса?! Бугун жаҳон бозорида пахтадан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб каттта-ку.

Божхона ва ташқи савдога оид яна битта ечимини топмаган муаммо шуки, республика деҳқон бозорларида Хитойдан келтирилган саримсоқ сотилмоқда. Нархи ўзимизникидан арзон. Демак, сифати унчалик яхши эмас. Кейинги йилларда Эрондан олма, нок олиб келиб сотиш ҳам урф бўлди. Мандарин, апельсин, киви, бонан каби цитрус меваларни келтириб сотишни тушунса бўлади, лекин саримсоқ билан олма-ю, нокни четдан валютага олиб келиш... Энди бундай аҳволга чидаб бўлмайди. Ахир бу халқ бойлигини осмонга совириш эмасми?! Тўғри, бу олибсотарликларнинг орқасидан кимлардир бойиётгандир, аммо, наҳотки, юқоридаги ҳолни кўриб, деҳқонларимизнинг, боғбонларимизнинг, агросаноат, божхона, савдо ходимларининг орияти кўзғалмаса? Ахир, заминимизда саримсоқ ҳам, мева ҳам етиштириш мумкин-ку!

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 2002 йил якунларига бағишланган мажлисда юқоридаги ҳолни жиноят деб таърифлади:

«Биз баъзи бир қолоқ мамлакатларга ўхшаб, эртага аҳолимизнинг аксарияти, четдан олиб келинадиган, сифати паст моллар билан олиб-сотарлик қилиб, шу ҳисобдан кун кўрадиган ва шунга тобе бўлиб қоладиган вазиятни вужудга келтиришга йўл қўя олмаймиз, — деди Юртбошимиз. — Бундай қарашларни қўллаш эртанги униб-ўсиб келаётган авлодларимизга нисбатан жиноят бўлур эди.

Биз ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ҳамда бунинг учун барча керакли шароитни яратишимиз керак. Бу бизнинг муҳим ва энг долзарб вазифамизга айланиши шарт».

Тўғри, ҳеч бир мамлакат четдан маҳсулот олиб келмасдан яшай олмайди. Бундан кейин ҳам айрим маҳсулотларни, хориждан келтиришга тўғри келади. Лекин ҳозир гап ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти бор маҳсулотлар тўғрисида кетаяпти. Чунки заминимизда истаганча хом ашё, малакали ишчи кучлар етарли. Гап фақат тегишли корхоналарни янги техника билан жиҳозлаш, янгиларини барпо этиш ҳақида бораяпти. Шунингдек, мажлисда таъкидлаганидек, республика учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳам ҳал этиш мумкин.

Божхона сиёсатини ташкил этадиган иқтисодий асосларни такомиллаштириш, эркинлаштириш ва янада ривожлантириш масаласида жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллашимиз мумкин. Илк бор 2003 йилнинг ҳосилидан Қува анорлари Жанубий Кореяга экспорт қилиниши мисол бўлиши мумкин.

4.4. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари ва тамойиллари

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгунига қадар мамлакатдаги божхона фаолияти собиқ СССРнинг тегишли вазирликлари ихтиёрида эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бир қанча хорижий мамлакатлар билан бевосита иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйди ва божхона сиёсатини олиб бормоқда. Божхона сиёсати республика ривожланишининг устувор, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Бу йўналишда дастлаб Ўзбекистон солиқ ва божхона қўмитаси тузилди. У кейинроқ мустақил Божхона қўмитасига айлантирилди.

1998 йил март ойида 2000 йилларгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш асосида экспорт ҳажмлари барқарор ўсиши учун божхона тариф ва нотариф солиқлар шарт-шароитларини таъминлаш ва унинг таркибини такомиллаштириш Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатининг асосий вазифалари ва тамойиллари стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчидан, божхона сиёсати давлатнинг ички иқтисодий тар-

кибий элементи ҳисобланади. Тариф ва нотариф соликларни тартибга солиш усулларидан фойдаланиб, у ички сиёсатида асосан:

- миллий иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини рағбатлантириш;
- ички бозорни ҳимоя қилиш;
- бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш вазифаларни ҳал қилади.

Божхона инструментларининг ҳуқуқий, таърифли, ташкилий, назорат ва бошқа йўллари аҳамияти ва уларга эътибор камайиши Ўзбекистон иқтисодий манфаатларига жиддий зарар келтириши, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлида ҳаракатни сусайтириши ва тўхтатиши мумкин.

Иккинчидан, божхона сиёсати ички сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ўз характерига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, яъни давлат манфаатларини, корхоналар, хўжалик бирлашмалари, тадбиркорлар, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳисобланади. У ички бозорга ташқаридан деструктив элементлар ва сифатсиз товарларнинг кириб келишини тўсади.

Божхона сиёсатининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи вазифаси божхона назорати воситаларидан самарали фойдаланишга асосланади. Унга қуйидагилар киради:

- божхона назорати мақсадида божхона назорати зоналарини ташкил қилиш, божхона назоратини ўтказишга кўмаклашиш учун мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш;
- божхона органларининг мутасадди шахслари томонидан керакли ҳужжат ва маълумотларни текшириш;
- товар ва транспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш, шахсий кўрикдан ўтиш, ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимини текшириш, ҳудудларни ва вақтинчалик сақлаш омборхоналарини, божхона омборхоналарини кўриб чиқиш;
- божхона назоратининг танлаш тамойилини қўллаш, қонунга зид зиён келтириши мумкин бўлган ҳолларнинг олдини олиш.

Учинчидан, божхона сиёсати Ўзбекистон ташқи сиёсатининг таркибий қисми сифатида мамлакатимиз ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади.

Оқилона йўлга қўйилган ва балансланган божхона сиёсати миллий иқтисодиётни жаҳон бозори конъюнктурасининг кескин ўзгаришларидан сақлаб қолади, жаҳон хўжалигига интеграциялашишига кўмаклашади. Бу йўналишда Ўзбекистоннинг божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этиши муҳим қадам бўлди.

Дунёда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароит тез ўзга-

риб туришини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсати динамик, ҳарактчан, эгилувчан, шу билан бирга барқарор бўлиши керак. Бунга эса ўз ривожланишининг илмий асосланган концепциясига таянган ҳолдагина эришиш мумкин. Божхона сиёсати концепцияси қуйидаги учта элементга асосланади:

1.Иқтисодиётдаги аҳволни таҳлил қилиш. Бундан оқилона божхона сиёсати бошланади. Таҳлил макродаражада амалга оширилади — мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, унинг бюджети, тўлов баланси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида ва аниқ бозор даражасида — талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, миллий ва хорижий таклиф, сифатли товарлар, рақобат асосида. Таҳлил қилишда ҳал этилмаган муаммолар аниқланади, уларни ечиш зарурлиги, салбий ҳодисаларни бартараф этиш ёки этмасликнинг муқобил оқибатлари баҳоланади.

2.Мақсадларни таҳлил қилиш. Бу таҳлил барча имкониятларни аниқлашдан, яъни мақсадларни каталогга киритишдан бошланади. Бундан сўнг ҳар бир мақсаднинг тавсифи аниқланади: у дастлабки, кейинги ёки оҳирги, миқдорий ёки сифат, қисқа ёки узоқ муддатли мақсадларга киради. Баъзи бир мақсадлар бир вақтнинг ўзида турлича тавсивфларга эга бўлиши мумкин, бундай ҳолда мавжуд аҳвол нуқтаи назаридан улардан энг асосийларини ажратиш керак.

3.Божхона тартибга солиш воситаларининг қўлланилишини таҳлил қилиш. Божхона сиёсати концепциясини ишлаб чиқишда алоҳида тартибга солиш воситаларининг қўлланилиш шартларини, уларнинг мақсадга мос келишини, алоҳида воситаларнинг тўғри келиш даражасини, воситалар самарадорлигини ва уларнинг кераклигини тўлиқ асослашни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Гап шундаки, божхона томонидан тартибга солишда бир-бирини тўлдириб турадиган ва шу билан бирга турли асосга эга икки хил восита — иқтисодий ва маъмурий воситалардан фойдаланилади. Маъмурий воситалар ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қарорларга асосланади. Улар молиявий рағбатлантириш чоралари ёки моддий манфаатдорлик ва жарима санкцияларни билан боғлиқ бўлмайди, яъни улар товар ва капиталнинг иқтисодий шароитини эмас, балки улар ҳаракатининг ташқи имкониятини аниқлаб беради. Классик маъмурий тартибга солиш воситалари уч турга бўлинади: тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбурлаш. Масалан, давлат органлари у ёки бу товар (қурол, алкогол, дори-дармон) импортини тақиқлаб қўйиши мумкин, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини божхона назора-

тидан ўтишга мажбурлаши мумкин ва ҳ.к.лар тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбурлаш, лицензиялар бериш, қонунларни қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Маъмурий ёки нотариф йиғимлар ва солиқларни тартибга солиш усулларига қуйидагилар киради:

- ташқи иқтисодий битимларни лицензиялаш ва квоталаш;
- товар ўтиши билан боғлиқ чекловлар;
- товарни сертификациялаш;
- импорт учун тўловлар режимига қўйилган чекловлар;
- миллий, таркибий, техник ва санитария талаблари билан боғлиқ чекловлар;
- импорт операцияларида давлатнинг иштироки билан боғлиқ чекловлар.

Тартибга солишнинг иқтисодий усулларига, аввало божхона божи ҳамда экспорт ва импорт товарларини солиққа тортиш усуллари киради. Улар бозор муносабатларини шаклланти-риш шароитида марказий ўрин эгаллайди.

4.5. Божхона қонунчилиги янгиликлари

Олий Мажлис белгиланган тартибда қабул қилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юқори юридик кучга эга. Улар сўзсиз бажарилиши керак. Давлат ва унинг қонунлари халқ иродасини ифода этади ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлатнинг барча бошқа органлари, шу жумладан, Божхона қонунлари ҳамда жамоат ташкилотларининг норматив ҳужжатлари ана шу қонунларга мос бўлиши шарт.

Қонунда белгиланган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ўз моҳияти билан конституциявий ва жорий қонунлардан иборат. Конституциявий қонун қабул қилинган қонуннинг мазмуни, вазифаси ва принципларини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикаи Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 майда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб киритилишини тартиблаш ҳақида»ги қонунни қабул қилди. Қонун қабул қилиниши билан бу жараёнга бир қанча ўзгартишлар киритилди, жумладан:

– Ташқи Савдо Агентлиги (ТСА) таркибидаги барча ходимлар икки категорияга – юридик ва жисмоний шахсларга ажратиладиган бўлди;

– тижорат мақсадида импорт товарлар билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, албатта, ҳокимият рўйхатидан ўтиб, импорт-экспорт операцияларини бажариш ҳуқуқи учун патиент олишлари керак;

– бундай жисмоний шахслар учун ялпи божхона тўлови, биргина божхона тўлови (БГГ) киритилади. Импорт божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва жисмоний шахслардан йиғим ўрнига ББТ киритилади;

– жисмоний шахслар томонидан киритилаётган товарлар устига қўйилган акциз солиғи ставкаси ва уни тўлаш тартиби, юридик шахслар билан бир хил тартибда амалга оширилади;

– божсиз киритик меъёри қўлланмаган товарнинг божхона қийматидан ББТ ундирилади;

– ББТ ставкаси миқдори товарнинг кўринишига, унинг ТСА кодига ва қайси давлатники эканлигига боғлиқ эмас;

– ББТ ставка миқдори:

– 50% озиқ-овқат товарлари учун;

– 90 % озиқ-овқат товарларидан ташқари товарлар учун;

– тижорат мақсади учун киритилаётган ун маҳсулотларидан ноль ставка.

Бу қонунни амалга ошириш мақсадида Давлат Божхона Қўмитаси ҳамда (ДБҚ) манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар ҳамкорлигида учта норматив ҳужжат ишлаб чиқди ва тасдиқланди:

• жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон республикаси чегарасидан ўтказиладиган товарлар жойлаштирилишини аниқлаш тартиби ҳолати (адлия вазирлигида 1146-рақам билан 2002 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилган);

• ушбу божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартибининг ҳолати (адлия вазирлигида 1146-рақам билан 2002 йил 20 июлда рўйхатга олинган).

• «оғир юк божхона декларациясини тўлатиш тартиби ҳақида»ги йўриқномаининг ўзгартирилиши ва тўлдирилиши (адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 майда 834-рақам билан рўйхатга олинган).

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарлар ҳаракатини аниқлаш тартиби ҳолатининг асосий шартлари қуйидагилар: товарлар ўтказиш мақсадини билдириш товарлар эгаси бўлган жисмоний шахснинг асосий бурчи ҳисобланади; товарларни ўтказувчи шахс товарлар тури, уларнинг мақсади ва қиймати ҳамда товарларни ишлаб чиқаришга ёки тижорат мақсадларига мўлжалланган ёҳуд мўлжалланмаганлиги ҳақида Т-6 шакли божхона декларацияси орқа томонига ариза кўринишида маълумот беришлари керак.

Товарларнинг нимага мўлжалланини аниқлаш ҳуқуқи божхона органи раҳбарининг ҳуқуқлари доирасига киради. Бунда

божхона органи раҳбари умумий халқаро норма ва амалиёт нуқтаи назаридан қараб, товарлар характери, миқдори ва товарлар ўтказиш айланмаси ҳамда жисмоний шахснинг сафардаги ҳолатларини кўзда тутган ҳолда иш тутиши керак. Товарлар жисмоний шахснинг шахсий манфаати ёки унинг ўзи ва оила аъзолари истеъмоли учун эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, у товарларни «тижорат мақсадлари» учун тоифасига тегишли, деб хулоса чиқаради.

Агар товарлар ўтказувчилар ва уларнинг оила аъзолари фойдаланиши ва ишлатиши учун ўтказилган бўлиб, улар фойда олиш учун эмас, фақат кундалик эхтиёж учун мўлжалланган бўлса, у ҳолда товарлар ишлаб чиқариш ёки тижорат мақсадларига мўлжалланмаган деб топилади.

Жисмоний шахслар учун умумий қиймати 1000 АҚШ долларидан ошмаган, уларнинг шахсий эҳтиёжи учун зарур бўлган ҳар хил турдаги товарларни божхонадан ўтказиш меъёри белгиланган. Жисмоний шахслар ўз шахсий эҳтиёжлари учун ўтказган товарлар бу меъёрдан ошиб кетса, юридик шахслар каби, улардан ҳам меъёрдан ошиқ божсиз товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида йиғим олинади.

Хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун кўчиб келаётган жисмоний шахслар бутун молмулклари (кўчишга қадар бўлган) учун уларнинг умумий қиймати ва оғирлигидан қатъи назар божхона тўлови олинмайди.

Бунда тижорат мақсадида ўтказилган товарлар,автотранспорт воситалари очиқ муомалага қўйилади, агар биргина божхона тўлови (ББТ) тўланса, акцизли товарларга эса акциз солиқлари тўланади. Божхона тўлови (ББТ)ни ундириш тартиби ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш ҳолати Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори асосий бандларида баён этилган.

Қарорга қўшимча равишда қуйидагилар ишлаб чиқилган:

- ТСА бўйича коди кўрсатилган, озиқ-овқат маҳсулотлари тоифасига (божхона қоидаси учун) кирувчи маҳсулотлар рўйхати;

- ҳар хил турдаги товарлар учун ББТ нинг специфик ставкалари.

Специфик ставкалар товарларнинг божхона қийматлари базасини текшириш ва таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган ва ҳакозо.

Ушбу қарорларнинг амалиёти сифатида Тошкент вилоятининг 855 километрли сарҳадлари мустаҳкамлиги, тинчлигини таъминлаш, четдан маҳсулот олиб кириш ва хорижга маҳсулот олиб чиқишни тартибга солиш масалалари таҳлили нати-

жасида 2002 йилда 2639 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, 1,5 миллиард сўмлик моддий-товар бойликлари мусодара қилинди. Кантрабонда йўли билан товарлар олиб кирилишига чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари, чегарачилар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорликларини амалий тус олдириш, чегара бўйи хўжаликларининг аъзолари, маҳалларнинг ахолиси ўртасида тарғиботни кучайтириш, контрабанда билан шуғулланаётган ёки пинҳона мол олиб кирилиши ёҳуд чиқарилишига кўмаклашаётган шахсларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш лозим. Бундан ташқари чегара, божхона хизматчилари, ички ишлар ходимлари ўртасида маъсулиятни ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси билан қўшни давлатлар ўртасидаги чегаралар бўйлаб хорижга ва хориждан товар-моддий бойликлар харакатини тартибга солиш, қўшни давлатларининг тегишли хизматлари билан бу борада ҳамкорликни кучайтириш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ватан чегараларининг ишончли қўриқланиши — ҳаммамиз учун шарафли бурч. Сарҳадларимизнинг дахлсизлиги учун ҳар бир фуқаро, у қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, масъулдир. Бу, юрт тинчлиги ва иқтисодий хавфсизлигининг, аҳоли турмуш фаровонлигининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, божхона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва божхона органлари академиясининг Божхона иши факультети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бошхона қўмитанинг Божхона коллежи негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди.

Олий ҳарбий божхона институтида ўрта ва ўрта махсус маълумотга, касб-ҳунар малакасига эга бўлган шахслар бакалавр тайёрлаш дастури бўйича 4 йил, магистрлар тайёрлов дастури бўйича 2 йил ўқитилади.

Олий ҳарбий божхона институти негизида божхона оргонлари ходимлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилди.

Қисқача хулосалар

Божхона сиёсати - қонунчилик, ижрочилик ва назорат қилиш тизими бўлиб, тариф ва нотариф тартибга солиш усуллари билан у Ўзбекистон ички, ташқи иқтисодий сиёсатининг амалиётдаги асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бу сиёсатнинг концепцияси қуйидаги элементлардан иборат: иқтисодиётдаги аҳволни таҳлил қилиш; мақсадларни ва божхона тартибга солиш воситаларининг қўлланишини такомиллаштириш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Божхона сиёсати асослари нималарни ўз ичига олади?
2. Божхона сиёсатининг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?
3. Божхона сиёсатини ташкил этадиган иқтисодий асослар нималардан иборат?
4. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари ва тамойиллари нималардан иборат?
5. Божхона соҳаси кадрлари қаерда тайёрланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
3. Тўхлиев Н, Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедик маълумотнома. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2002.
4. Основы таможенного дела: Учебное пасобие. (под общий редакцией У.Т. Каримова). – Т.: Мир, экономика и право, 1998.
5. Беҳуда совирилаётган валюта. «Халқ сўзи», 2003 й., 6 март.

II БЎЛИМ.

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

V боб

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШ МОДЕЛЛАРИ

5.1. АҚШнинг иқтисодий хавфсизлиги

«Иқтисодий хавфсизлик» атамаси биринчи маротаба ресурслар чегарали эканлиги тўғрисидаги масала пайдо бўлгач қўлланила бошланди. Миллий хавфсизлик иқтисодий аспектлари кўтарилишининг асослари ишлаб чиқаришнинг махсуслаштирилиши ва концентрациялашиши тўғрисидаги қонунлар ишлаши натижаси, уни жамоатлаштириш даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш ва алмаштириш жараёнини интернационаллаштиришдир. Бунга АҚШ мисол бўла олади.

АҚШ иқтисодий хавфсизлиги тўғрисида мустақиллиги эълон қилиниши билан уйлай бошлади. Федерал ҳукуматлар қўйган хайрли қадамлардан бири уларнинг Америка ишлаб чиқарувчиларини фаол ҳимоялаш тўғрисидаги баёноти бўлди. Шундан кейин ёш Америка саноатининг ташқи бозорлар учун курашишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича чоралар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. 1933 йилнинг 4 мартида Ф.Рузвельт АҚШ президенти бўлди. Ф.Рузвельт президентлигининг дастлабки 100 куни мобайнида 15 та қонун қабул қилинди. Улар инқирозни йўқотиш ва мамлакатнинг иқтисодий қувватини тиклаш бўйича чоралар кўриш учун асос бўлди. Ф. Рузвельт давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашмаслигини, мумтоз назария ва амалиётдан воз кечишни намойиш қилди. Ф. Рузвельт ва унинг командаси XX асрдаги бозор механизми, бозор асослари хўжалик жараёнида давлат иштирокининг оптимал бирлашуви эканини тушундилар. Бундай бирлашув сабабларидан бири — жамиятдаги ижтимоий иқлимга таъсир қилишнинг зарурийлигидир, чунки шахснинг иқтисодий манфаати давлат ижтимоий сиёсати орқали амалга оширилади.

Бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш учун 1934 йилнинг 29 июнида президент Ф. Рузвельт қарори билан иқтисодий хавфсизлик бўйича Федерал қўмита ташкил этилди. 1972 йилда Президент Ричард Никсон иқтисодиётни англаш (кўтариш) мақсадида иқтисодий сиёсат Маслаҳат қўмитасини ташкил этди. Аммо

80-йилларнинг бошига келиб, АҚШдаги иқтисодий ҳолат яна мураккаблашди: бюджет танглиги ва инфляция ўса бошлади. Миллий хавфсизликка нисбатан ўсиб бораётган хавф-хатарни тан олиб, президент Билл Клинтон 1947 йили Миллий Хавфсизлик Иттифоқининг сиёсий ҳаётда бўлганидек, иқтисодиётдаги мақсад ва ҳуқуқларига эга бўлган Ноиқтисодий Кенгашини ташкил этди. Иқтисодий хавфсизлик муаммоларига 2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаларидан сўнг жиддий эътибор берила бошланди. 2001 йилнинг охирида АҚШда хавфсизлик департаменти (вазирлик) ташкил қилинди ва бу департаментнинг бошлиғи этиб, президент Жорш Бушнинг акаси тайинланди.

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси жамият ривожланишининг маданий ва тарихий контекстидан ажралмасдир. Ўзгарган ташқи ва ички муҳит, таъсир қилиш хусусияти ва кучига кўра, ҳар хил бўлган хавф, қадриятлар диалектикаси хавфсизликни тушунишга ўзича таъсир курсатар эди. «Миллий ва иқтисодий хавфсизлик»нинг мудофаа стратегияси синоними сифатида, Ўзбекистон, Шарқий Оврупа ва яқин хорижий мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётини демократлаштириш; шахс ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига ядро, биологик ва экологик хавфларнинг ўсиб боришини тушиниб етиш; индивидуал ва жамоа муносабатлари атрофидаги интенсив жамоа баҳси; миллий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги ривожланган давлатлар раҳбарлари томонидан чуқур тушуниб етилиши анъанавий тушинишдан четланиш жараёнида чуқур из қолдирди.

Агар хавфсизликнинг асосий кўринишларини «халқаро хавфсизлик, шахс хавфсизлиги, жамоа хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги» вертикали бўйича таҳлил қилинса, таҳлил учун ҳар хил тарихий даврда шахс хавфсизлигига ёндашиш муаммоси энг қийин бўлиб қоляпти. Бу ўринда гап, аввало, шахс хавфсизлиги концепциясининг фалсафий асоси тўғрисида боради.

Хавфсизликка ғарб фалсафий ёндашишлари ривожланиши қадимий бўлиб, уларнинг илдизлари ўрта асрларга бориб тақалади. Бу даврларнинг буюк шахслари Цицерон, Демократ, Сократ, Аристотель ва Фома Аквинскийларнинг номлари қолди. Қадимги файласуфлар, асосан, индевид хавфсизлигига, жисмоний суиқасд қилишга қарши туришга урғу беришган ва давлат ҳукуматини фуқаролар ҳаёти ва мулки хавфсизлигини таъминлашга чақирар эдилар.

Иқтисодий хавфсизликнинг АҚШдаги замонавий концепцияларининг асосий хоссалари қуйидагилар:

- миллий ва халқаро иқтисодий хавфсизликнинг ўзаро табиийлигини тушуниш;

5.3. Россиянинг иқтисодий хавфсизлиги

Россия иқтисодий хавфсизлигининг концептуал ёндашиши Россия миллий иқтисодий манфаатларини аниқлаш ва шу манфаатларни амалга ошириш масалаларига асосланади. Россия миллий манфаатлар тизими асосида инсон, оила ва жамият, уларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва ривожланиш кафолатлари ётади. Ҳозирги даврда Россия Федерациясининг энг муҳим иқтисодий манфаатлари иқтисодий кўламининг яхлитлигига, ижтимоий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш, иқтисодий ўсишга, барқарор ривожланишга ва унинг фуқаролари ҳаёти сифат даражасини оширишга шароит яратишдир.

Иқтисодиёт соҳасида Россиянинг миллий манфаатлари марказий характерга эга ва иқтисодий инқирозни бартараф қилиш ва иқтисодий ўсиш шароитларини яратишдан иборатдир. Бунинг учун иқтисодий сиёсат, иқтисодиётнинг ташқи таъсирдан иложи борича мустаснолигида кенгайтирилган қайта ишлаш тизимида ишлаб чиқариш қобилиятини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини қабул қилинган меъёрларда мумкин бўлган ҳолда ушлаб туриш, ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигини кўтариш, халқаро рақобат кўрашида Россия ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоялаш, илмий-техника тараққиёти, инновацион ва инвестицион фаолликни рағбатлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Бу мақсадларни рақобат асосида иқтисодиётнинг асосий соҳаларини сифатли хомашё ва асбоб-ускуналар билан таъминлай оладиган, барқарор ишлаб турган, кўп соҳали юқори технологик ишлаб чиқариш мавжуд бўлгандагина амалга ошириш мумкин. Ишлаб чиқариш кўлами, тузуми ва ҳудудий жойланиши мамлакатнинг ҳамма регионларида иқтисодий фаол аҳолини иш жойлари билан таъминлашга, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси эса ишчиларнинг малакаси, таълими ва ҳаёт даражаси ошишига имкон яратиши керак.

Россиянинг энг муҳим миллий қадрияти иқтисодий кўламнинг ягоналиги, катта ва турли ички ресурс бозорининг мавжудлигидир. Регионлар ишлаб чиқаришининг ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш катта умуммиллий аҳамиятга эга.

Россия Федерациясининг иқтисодий хавфсизлигига дахл қилиш мумкин бўлган асосий хавф кескин иқтисодий инқирозидир. Ишлаб чиқариш, инвестиция ва иновация фаоллигининг кескин пасайиши, илмий-текширув потенциалининг бузилиши, аграр соҳанинг стагнацияси, тўлов-пул тизимининг ишдан чи-

қиши, федерал бюджетнинг фойда қисми камайиши давлат қарзининг ўсиши орқали намаён бўлиб, бу инқироз Россия Федерацияси миллий манфаатларига бўлган янги-янги хавфларни вужудга келтиради, мавжудларини кескинлаштиради.

Иқтисодий соҳадаги хавф Россия иқтисодиётини ёқилғи—хомашёнинг гипертрофирлашган қисми томон деформацияланганлиги, ёқилғи ва хомашё экспорти, асбоб-ускуналар ва истеъмол буюмлари импортига асосланган иқтисодий моделнинг шаклланишидир.

Иқтисодий соҳада Россия иқтисодий хавфсизлиги ва миллий манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш Россия иқтисодиёти тузум дегратациясини енгиб ўтиши, ликвидлиги ўсиши ва банкларни капиталлаштириш даражасининг ўсиб борувчи омилларини қисқартиришга асосланади. Бу борадаги асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. Бозор инфратузилмаси ҳамма институтлари ривожланишининг устувор йўналиши таъминланиши керак (колсантинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта ва бошқа тизимлар). Биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкам ва ривожлантириш, миллий валюта конвертациясини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ташқи иқтисодий фаолиятнинг муросасозлигини оширишга алоҳида аҳамият берилади.

2. Хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлаштирилишини давом эттириш ва реал мулкдорлар синфини шакллантириш.

3. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай қонун ишлаб чиқарувчи базалар, кафолатлар яратиш ва иқтисодий рағбатлантиришни ташкил этиш.

4. Хомашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларини қайта ишлаш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасига ишга жалб этиш йўли билан кичик ва ўрта бизнеснинг устувор ривожланишини йўлга қўйиш.

5. Экспорт потенциалини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, Жаҳоннинг юқори даражада қайта ишланган товарлар ишлаб чиқариш тизимига, иқтисодиётнинг кенг трансформациясини таъминлаш, замонавий иқтисодиёт ўсишининг асоси бўлган соҳаларни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини қўллаб-қувватлаш; мамлакат деиндустрлаш тенденциясини енгиб ўтиш; рақобатбардош соҳалар ва ишлаб чиқаришнинг илгариловчи ривожланишини кучайтириш, ички бозор сиғимини тўхтовсиз кенгайтириш, тўлов қобилиятни ошириш ва ҳоказолар.

Қисқача хулосалар

Хорижий мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш моделлари, хусусан, АҚШнинг иқтисодий хавфсизлик модели, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми ва Россиянинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўллари берилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Хорижий мамлакатларда иқтисодий хавфсизлик нималарни кўзда тутади?
2. АҚШнинг иқтисодий хавфсизлик механизми қайси жиҳатлари билан фарқланади?
3. Россияда иқтисодий хавфсизлик қандай таъминланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий армиямиз—мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. -Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун кўрашмоқ керак. -Т.: «Ўзбекистон», 2002.
3. Возженников А.В. Национальная безопасность: теория, политика, стратегия. —М.: «Модуль», 2000.
4. Ишмуҳаммедов А.Э, Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. —Т.: ТГЭУ, 2000.

VI боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодий манфаатларининг асоси

Ўзбекистон - қадимий цивилизация маркази. Унинг ҳудудида археология ва меъморчиликка оид минглаб ёдгорликлар сақланиб қолган. Илмий марказлар ва музейларда ўлканинг ўзига хос ва кўп асирлик тарихидан гувоҳлик берувчи кўп миқдордаги қўлёзма ва ашёлар сақланмоқда.

Сўнгги йилларда ўтмишга, миллий тарихга, азалий қадриятлар ва анъаналарга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон халқи тарихи ва иқтисодини илк манбаларга асосланган ҳолда чуқур ва объектив ўрганиш бошланди. Халқ байрамлари ва маросимлари қайта, диний эътиқодлар эркинлиги тўла тикланмоқда. Ўзбекистонда яшовчи юздан ортиқ миллат ва халқларнинг миллий ўзлигини англаш ва қадир-қиммати тикланмоқда.

Анъанага айланиб бораётган шонли саналарни байрам қилиш халқнинг миллий ўзлигини англаш, тарихий маданияти ва иқтисоди шаклланишида катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларнинг ўзида жаҳонга машҳур шаҳарлар – Бухоро, Хива ва Термизнинг 2500 йиллиги, азим шаҳар Тошкентнинг 2000 йиллиги, буюк давлат арбоби Амир Темурнинг 660 йиллиги, Жалолиддин Мангубердининг 900 йиллиги, буюк Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Мотрудий, Баҳоуддин Нақшбандий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг юбилейлари ва Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи ўтказилди. Юнеско ҳомийлигида ўтказилган бу тантаналарнинг барчаси жаҳон афкор оммасига маълум ва машҳур бўлиб, уларнинг ҳар бири жаҳон маданияти хазинасига ва Буюк ипак йўли орқали иқтисодиётга аждодларимиз қўшган салмоқли улушдир.

Ўрта Осиёнинг марказий қисмини эгаллаган Ўзбекистон энг муҳим тарихий воқеалар содир бўлган марказ бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Шу туфайли, унинг халқи тарихини, воқеаларни кўздан кечирган ва ўтмиш обидаларини ўрганган чоғда македониялик Александр, Чингизхон армияси ва бошқа саркардалар миллат хавфсизлигига тажовуз қилганлигига, унинг иқтисодиёти ва манфаатларига шикаст етказганлигига гувоҳ бўламиз.

1991 йил 31 августда ўзбек халқининг дахлсиз ҳуқуқи – ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқи амалга ошди. Респуб-

лика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди, у ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк воқеа бўлди. Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий давлатчилигига тинч, парламент йўли билан эришди.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон тараққиётнинг ўзига хос, ажойиб йўлини танлади. Унинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуриш, халқнинг ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Озод-обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт миллий иқтисодий манфаатларнинг пировард асоси, олий мақсад этиб белгиланган.

Танланган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳияти — бу, нормал, цивилизацияли тараққиётга сохта инқилобий сакрашлар, фожиавий оқибатлар ва кучли ижтимоий ўзгаришларсиз тадрижий йўл билан ўтишдир.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақилликка эришишдаги ўз йўли, республика иқтисодий тараққиёти манфаатларининг асоси, ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Аввалambор, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш уклади, фикрлаш тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиққан.

Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда диний «ислом омили»ни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан мамлакатда иқтисодий манфаатлар муаммоси кескин ва долзарб бўлиб колди. Бу «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг жуда мураккаблиги билан боғлиқ. Анъанавий йўналиш ва усуллар иқтисодий хавфсизликни тўлиқ тавсифлашга, иқтисодий муносабатлар даражасини аввалдан айтиб бериш ва барқарорликни сақлашнинг амалий йўлларини кўрсатишга ожиздир.

Шунинг учун мамлакатнинг олий хукумат органлари доирасида иқтисодий хавфсизлик ҳар хил талқин қилинади. Шунингдек, унга эришиш масалалари ва воситаларининг устуворлигини таъминлашга йўналтирилган аниқ концепция ва стратегия ҳам йўқ.

Иқтисодий хавфсизлик — давлат миллий хавфсизлигининг асосий ташкил этувчиларидан бири, мамлакат иқтисодий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш йўллари, воситалари ва усулларига асос солувчи қарашлар йиғиндисидир. Концептуал кўринишда у давлатнинг иқтисодий потенциали ҳолатидан келиб чиқадиган иқтисодий хавфнинг асосий омиллари таҳлили-

га асосланган. Иқтисодий хавфсизликнинг давлат стратегиясини ишлаб чиқиш учун ҳар қандай хавф ва хусусан, иқтисодий хавфни мажмуали текшириш керак.

Юқорида қайд этганимиздек, иқтисодий хавфсизлик асосида ривожланиш ва ривожланишнинг барқарорлигига ўхшаш бўлган муҳим ташкил этувчилари ётади — бу материал, иншоотнинг, уни янги сифат ҳолатига, яъни таркиб ёки тузум ўзгаришига келтирадиган қонуний ўзгаришидир. Ривожланишсиз иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Барқарорлик — бу, жамиятнинг фавкулодда ҳолатларда ҳам ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатини тиклаш имкониятидир. Бу жамият фаолиятининг ҳамма соҳаларида ўтказиладиган ва унинг потенциалини такомилаштиришга, ҳаётга қобиллигини таъминлашга йўналтирилган чоралар мажмуасидир.

Иқтисодий хавфсизликнинг текшириш предмети ташкил этилган ва мувофиқлаштирилган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатидаги давлат иқтисодий тизимининг ўзидир. Иқтисодий хавфсизликнинг иншоотлари — уларнинг ҳимояси, хавфсизлик сиёсатининг асосий мазмуни ва стратегик мақсадини ташкил этган, реал мавжуд бўлган ҳодисалар, жараёнлар ва муносабатлардир. Иншоотларларга, шунингдек, иқтисодий муносабатларнинг етуклик даражасини аниқловчи шахс, жамият, давлат ҳам киради. Иқтисодий хавфсизликнинг энг муҳим меъёри шахс, гуруҳ, жамият ва давлат иқтисодий манфаатларини саклаш, хавфсизликни таъминлаш учун уларнинг ўзаро жавобгарлигига асосланади. Иқтисодий хавфсизлик субъектлари функционал ва соҳа вазирлик ва идоралари, солиқ ва божхона хизматлари, банклар, биржалар, фондлар ва суғурта компаниялари, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликнинг таърифи кўп. Улардан бири иқтисодий хавфсизлик — бу, давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир қилувчи энг кам чиқимлар билан барқарор, босқичма-босқич ривожланган ҳолда жамиятнинг потенциал имкониятларини ҳар томонлама амалга ошириш учун миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашга имкон берувчи (ички ва ташқи) шарт ва омиллар йиғиндиси, шунингдек, давлатнинг турли хил хавфлар ва йўқотишларга карши туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодий манфаатлар ва мақсад. Либерал (муросасоз) таълим тарафдорлари фикрига кўра, иқтисодий ва миллий хавфсизлик асосини алоҳида фуқароларнинг жамоа манфаатлари, умумий манфаатлар ва давлат манфаатларидан келиб чиқадиган манфаатлари ташкил этади. Уларда давлат, фу-

қаролар, жамоа ва давлатнинг ўзи ривожланиши учун, ишлаб тўрган иншоотлари ва субъектив омилларнинг бутун спектри билан белгиланган, энг яхши шароитлар яратиб берувчи курол сифатида қаралади.

Миллий манфаатлар деганда, шахс, жамоа ва давлатнинг мамлакат тараққиётига бўлган эҳтиёжларини ифодаловчи ҳаётий муҳим манфаатлари йиғиндиси англашилади. Бошқача айтганда, миллий манфаатлар—Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари — бу, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилиши хусусиятларидан, иқтисодий ривожланиш даражасидан, халқаро меҳнат тақсимотидаги тарихий ўрнидан, жеографик ҳолатнинг ихтисосланишидан, миллий ва маданий анъаналаридан келиб чиқувчи ҳар бир фуқаро, жамоа ва давлат иншоотлари эҳтиёжларидир.

6.2. Шахснинг муҳим иқтисодий манфаатлари

Мамлакат аҳолисининг шахсий ва миллий манфаатлари жуда мураккаб тузумга эга. У турли белгилари бўйича синфларга ажратилиши мумкин.

Хавфсизлик субъектлари учун манфаатлар ижтимоий аҳамиятининг даражасига кўра, ҳаётий муҳим ва иккинчи даражали бўлади. Таъсирининг давомийлигига асосан, улар доимий ва вақтинчаликка бўлинади. Инсон учун, аввало, уларнинг истеъмоли қондирилиши ва ҳар кайси фуқаро, жамоа, давлатнинг тараққий ривожланиш имконияти ва мавжудлигини таъминлаб берувчи ҳаётий эҳтиёжлар йиғиндиси сифатидаги муҳим манфаатлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Яшаш муаммолари билан боғлиқ бўлмаган манфаатлар эса иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Асосий хавфсизлик иншоотларларининг ҳаётий муҳим манфаатлари — улар амалга оширилмай, давлат ва жамоанинг барқарор ҳолати, шунингдек, халқаро муносабатларнинг мустақил эркин субъекти сифатида мамлакатнинг нормал ривожланишини таъминлаш мумкин бўлмаган миллий манфаатларнинг бир қисми. Ҳаётий муҳим бўлган манфаатларни ташқи ва ички хавфлардан кафолатланган ҳимоялаш ҳолати Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги мазмуни ва унинг барқарор ривожланиш шароитидир.

Шахснинг муҳим ва ҳаётий иқтисодий манфаатлари қуйидагилардир:

- шахсий ва мулк дахлсизлигини таъминлаш;
- инсон куч ва қобилиятини тўлароқ фаоллаштириш учун самарали бозор механизмларини ташкил этиш;
- яшаш минимуми ва инсон фаровонлигининг ўсишини таъминлаш;

- яшаш жойига эҳтиёжини қондириш;
- фуқароларнинг шахсий жамғармаларини сақлаш тизимини ташкил этиш ва бошқалар.

Давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари қуйидагилардир:

- ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- демократик-ҳуқуқий рақобатбардош миллий иқтисодиётли давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни самарали ўтказишга эришиш;
- мулкдорнинг ҳуқуқ ва иқтисодий фаолияти эркинлигини кафолатлаш, хусусий мулкни ҳимоялаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодиётнинг ўсиши, аҳолининг фаровонлигини ошириш учун барқарор ва динамик равишда шароит яратиш;
- иқтисодиётнинг устувор соҳаларида илмий-техник ривожланишнинг юқори даражасини таъминлаш; иқтисодий хавфсизликнинг самарали тизимини ташкил этиш, Ўзбекистонни жамоавий хавфсизликнинг регионал ва глобал тизимига киритиш ва бу тизим билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

Таъсирлашишнинг кўриниши бўйича манфаатлар конфрантацион, тарқалувчи, параллел ва қўшмаларга бўлинади.

Конфрантацион манфаатлар — тўғридан-тўғри қарама-қарши, бир-бирини йўқотувчи манфаатлар антогонистик қарама-қаршиликларнинг манбаидир.

Тарқалувчи манфаатлар бир-бирини кесиб ўтади, аммо бир-бирини йўқотмайди. Улар ҳар хил мақсадларга эришиш учун йўналтирилган, лекин бошқа тарафдигиларининг ҳаётига хавф солмайди.

Параллел манфаатлар — антагонизмларсиз манфаатлардир. Мустақил, бошқа торафдагилар билан ҳаракатини мувофиқлаштирмай амалга оширишга интилиб, яқин бўлган бир хил мақсадларни таъқиб киладиган тарафлар.

Қўшма манфаатлар — томонларнинг умумий ёндашишини кўзда тутган, мақсад ва уларга эришиш усуллари бир хил бўлган манфаатлар. Бу манфаатлар мустақил амалга оширилмайди, улар томонларнинг умумий мақсадларга эришишида максимал даражада ҳамкорлигини кўзда тутишади.

Миллий манфаатлар мақсадини амалга ошириш ва ҳимоялаш давлатнинг асосий вазифасидир. Миллий манфаатлар асосида давлат бошқарувининг мос органлари ва институтлари, давлат иқтисодий сиёсатининг, мазмунига кўра, фуқаролар, жамоа ва давлатнинг ўзларини, энг аввало, ҳаётий муҳим бўлган манфаатларини қаноатлантириш соҳасидаги акси бўлган мақсадларини ишлаб чиқади ва шакллантиради. Бу мақсадларга

ўзлари учун мос масалаларни ечиш йўли билан эришилади. Бундай масалалар ечимини таъминлаш учун давлат бошқарув органлари, республика раҳбарияти томонидан махсус чоралар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Шахсий ва миллий манфаатлар ва мақсадлар иқтисодий хавфсизликни таъминлаш сиёсати ва стратегиясининг асосидир. Улар ҳар кандай давлатнинг ички ва ташқи сиёсати мақсадларини белгилайди.

Республикада ислоҳотларнинг биринчи босқичида мулк, рақобат ва тадбиркорлик тўғрисида қатор қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

1994 йил январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиқди. Бу ҳужжат бозор муносабатлари сари туб бурилиш рўй берганини, иқтисодий ислоҳоталарни янги, янада юқори босқичи бошланганини англатади.

Ислоҳотлар стратегиясини белгилашда Ўзбекистон ҳукумати мулкчилик масалалари ҳал этилиб, кўп укладли иқтисодиёт шаклланган, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иши изчил амалга оширилган тақдирдагина ислоҳотлар шахс кўнглидаги натижани беради, деган фикрга асосланади.

Республика иқтисодиётининг барча тармоқларида нодавлат сектор, яъни шахснинг манфаати устуворлигини таъминланишга йўналтирилган тизим жадал ривожланмоқда. 2001 йилда нодавлат секторда ялпи ички маҳсулотнинг 74,1, саноат маҳсулотининг 70,8, қишлоқ хўжалиги ички маҳсулотининг 99,0 фоизи ишлаб чиқарилди, қурилиш-пудрат ишларининг 83,9 фоизи бажарилди, аҳолига пуллик хизматнинг 59,4 фоизи кўрсатилди. Умумий иқтисодиётда иш билан банд бўлган шахсларнинг 76,0 фоизи нодавлат секторидадир. 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, барча мулк шаклларининг 88,3 фоизи нодавлат, қолган атига 11,7 фоизигина давлат мулки шаклида. Бу эса мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар синфи вужудга келтирилаётганлигини кўрсатади.

Қисқача хулосалар

Миллий иқтисодиётнинг асосий манфаатлари асоси ва ислоҳотларнинг энг муҳим стратегик вазифаси бўлмиш иқтисодий ва миллий хавфсизлик асоси, алоҳида шахсларнинг муҳим иқтисодий манфаатлари, хусусан шахс, жамоа ва давлатнинг мамлакат тараққиётига бўлган эҳтиёжларини ифодаловчи ҳаётий муҳим манфаатни таъминлаш; ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш; шахсий ва мулкий дахлсизлик; яшаш минимуми; инсон фаровонлиги ва бошқалар кўриб чиқилган.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Миллий иқтисодиётнинг асосий манфаатлари нималардан иборат?
2. Шахснинг милий манфаатлари нималардан иборат?
3. Иқтисодий манфаатларнинг асосий омиллари нималардан ташкил топади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш. «Халқ» сўзи. 2002 йил, 25 январ.
2. Возженико А.В. Национальная безопасность: теория, политика, стратегия. —М.: «Модуль», 2000.
3. Тўхлиев Н, Кременцова А. Ўзбекистон республикаси. Энциклопедик маълумотнома. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., 2002.
4. Ишмуҳаммедов А.Э, Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. -Т.: ТГЭУ, 2000.

VII боб

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИГА БЎЛГАН ХАВФ

7.1. Миллий манфаатларга иқтисодий хавфлар

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг аҳволи ижтимоий-иқтисодий асос барқарор эмаслиги, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларининг ҳар хиллиги ва ўзаро қарама-қаршилиги, ички низоли муносабатлар оқибатида бир-мунча оғирлашади.

Фуқаролар ва давлат, алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва бутун жамият, жамият ва давлат манфаатлари билан боғлиқ жараёнлардаги қарама-қаршиликлар кескинлашиши натижасида мамлакат ичидаги у ёки бу хавфсизлик иншоотларларига хавф туғилади. Бу иқтисодий хавфсизликка ички хавфлардир.

Давлат ва давлатлар гуруҳи ёки алоҳида давлатларнинг манфаатларига даҳлдор қарама-қаршиликлар кескинлашиши натижасида миллий иқтисодий манфаатларга ташқаридан хавф пайдо бўлади. Бу миллий хавфсизликка ташқи хавфлар.

Умумий ҳолда иқтисодий хавфсизликка хавф деганда, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар зарар кўришига сабаб бўлувчи омиллар ва шароитлар йиғиндиси тушинилади.

Бошқа давлатлар, шахслар гуруҳи, алоҳида шахслар, кечаётган муайян жараёнлар ва ҳодисалар хавф манбаи бўлиши мумкин.

Хавфлар кўламига қараб, планетар, регионал, миллий ва локал даражаларда намоён бўлиши, улар имкониятига кўра, хоҳлаган дақиқада содир бўладиган реал хавфларга, маълум шароитлар яратилганида юзага чиқадиган потенциал хавфларга бўлиниши мумкин. Шунингдек, мавҳум хавфлар гуруҳи ҳам учрайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи ҳамма тизимнинг амалий ҳаракатини рўёбга чиқариш, режалаш ва ташкил этиш асосида реал ва потенциал, ички ва ташқи хавфларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш ётади.

Хавфлар турли характерга эга бўлиб, моҳияти ва ҳажми бўйича ҳар хил оқибатларга олиб келади. Хавфлар пайдо бўлиши ва йўқолиши, ортиши ва камайиши мумкин. Бунда уларнинг иқтисодий хавфсизликка нисбатан моҳияти ўзгаради. Шунинг учун бирламчи хавфларни тўғри аниқлаш ва олдиндан айтиб бериш жуда муҳим. Бу, мамлакат хавфсизлигини таъ-

минлашда ресурслар, куч ва воситаларни оқилона таксимлашга имкон беради.

Шу нуқтаи назардан республикамиз бошқа мамлакатлардан миллий таркибининг ўзига хослиги билан фарқланади. Чунончи, мамлакатимиз этник тизимида туб аҳоли етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, республика ҳудудида юздан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий хилма-хиллиги миллий ўзликни англаш ва маънавий тикланиш даражаси ўсиши билан узвий бирликда жамиятни янгилашга, унинг очиқ бўлишига кучли туртки беради, республика жаҳон жамиятига қўшилиши, миллий манфаатларга хавф дахл қилмаслиги учун қулай шарт-шароит яратади.

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудуди тарихан қадимги савдо йўллари, Буюк Ипак йўли ўтган, ташқи алоқалар фаоллашган ва турли маданиятлар ўзаро уйғунлашиб, бойийдиган жой бўлган. Ўрта Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда ҳам энергетик ва сув манбалари билан кўп масалаларда боғловчи бўғин вазифасини ўтамоқда. Хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришга, миллий манфаатларга тўсқинлик қилаётган турли кўринишдаги хавфларни бартараф этиш энг муҳим муаммолардир.

Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўлларини танлаш ва бу жараёнга ёндашишларга табиий-иқлим хусусиятлари ҳамда миллий манфаатларга иқтисодий хавфлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Улар нафақат муҳим стратегик маҳсулот — пахта етиштириш, дон ва нефть мустақиллигини сақлаш, олтин, мис, кумуш, табиий газ, қурилиш материаллари, мева-сабзовот, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларни қондиришгагина эмас, балки бу маҳсулотларни бошқа мамлакатларга етказиб беришга ҳам етадиган кўламда ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун етарли салоҳиятга эга. У ниҳоятда қимматли ер ости минерал хомашё заҳираларига бой. Улар республикада чуқур структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, жаҳон бозорига чиқишни таъминловчи соҳаларни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Манфаатларга иқтисодий хавфларни бартараф этиш — бу, республика ижтимоий тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олувчи мураккаб жараёнидир. Унинг пировард мақсади мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати умумий стратегиясини белгилашдан иборат.

Ички ва ташқи сиёсатнинг асосий устувор йўналишлари мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Асосий вазифа – республикада асосини меҳнатсевар ва бадавлат, ахлоқан мустаҳкам ва маданий оила ташкил этган жамиятни қадам-бақадам яратишдир.

Ўзбекистон – келажаги буюк, суверен, демократик, ҳуқуқий давлат; фуқароларнинг миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат.

Республикада миллий манфаатларга иқтисодий хавфларнинг олдини олишда демократик-ҳуқуқий жамият асослари фаол яратилмоқда. Давлат бошқарувининг янги, анча замонавий ва самарали бўлган тизими шаклланмоқда, унинг ўзагини бошқарувнинг президентлик шакли ташкил қилади. Жойларда бошқарув тизими қайта ташкил этилди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳоким лаовозими, маҳаллаларда оқсоқоллардан ташкил жамоа органи жорий қилинди.

Ўзбекистонда давлат суверинитетини ташкил этувчи ва амалга оширувчи ташкилий тузилмалар шаклланмоқда. Мудофаа, ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар, ички ишлар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона, солиқ, давлат мулки ва хусусийлаштириш қўмитаси ва қимматбаҳо қоғозлар биржаси, фан ва техника бўлимлари, олий аттестациия комиссияси тузилди.

Миллий манфаатларга иқтисодий хавфларни бартараф этиш мақсадида марказий иқтисодий органларнинг вазифаси ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Банк тизими қайта ташкил этилди – давлат, тижорат ва хусусий банклар сони 35тага етди ва уларнинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари ҳамда шохобчалари аҳолининг, тадбиркорларнинг, чет эл фуқароларининг сармоясини сақлашда, кредит беришда анча қулайликлар туғдирмоқда. Мустақил миллий авиакомпаниялар, кинокомпаниялар ва бошқа умумдавлат хизмат турлари миллий манфаатлар мақсадига ва хавфсизлигини таъминлаш учун фаолият кўрсатмоқда.

7.2. Ташқи ва ички хавфлар

Ташқи ва ички хавфлар тўғрисида сўз юритганда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг давлат суверинитети дунёдаги барча йирик давлатлар томонидан тан олинган ва дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га қабул қилинди. Республика хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг якунловчи ҳужжатига имзо чекиш билан Хельсинки ташкилотига қўшилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳондаги қатор иқтисодий ва молиявий бирлашмалар – Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Қора денгиз бўйи давлатлари иқтисодий ассосацияси, Шанхай ва Марказий Осиё ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқаларнинг аъзоси ҳисобланади.

Республика мустақил ички ва ташқи сиёсат юритмоқда, улкан моддий ва маънавий бойликка эга бўлган халқнинг азалдан шаклланган турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва феъл-атворининг бутун дунё билан ҳисоблашадиган жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий янгиланиши жараёни кечмоқда. Пировард мақсад – барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ сиёсатга эга бўлган кучли демократик- ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир.

Ушбу шароитда республикани ички ва ташқи хавфлардан сақлаш ва уларнинг синфларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ҳозирги ҳолати, иқтисодиётининг ривожланиш даражалари, табиий-иқлим шароитининг хусусиятлари, миллий менталитети ва тарихий меросини баҳолаш ва таҳлил қилиш иқтисодий хавфсизлигига бўлган хавфнинг қуйидаги асосий омилларини аниқлаб беради.

а) Ташқи хавфлар:

- Ўзбекистон Республикасининг хомашё базаси ва паст сифатли, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ўтказиш бозори сифатида сақлаб қолиш;
- хорижий бозорларга чиқишига, халқаро молия-иқтисодий ва савдо тартиблаш механизмларида иштирок этишига, янги технологияларга эришишига тўсқинлик қилиш;
- жаҳон иқтисодий тизимига ва Марказий Осиё регионида иқтисодий интеграциясига тўсқинлик қилиш;
- ташқи транспорт, ахборот ва илмий-техника коммуникациялари тизими ривожланмаганлиги;

б) Ички хавфлар:

- тоталитар тузумдан қолган иқтисодиётдаги хомашё базаси ва чуқур қайта ишламаслик, соҳа ва ҳудудий диспропорциялар;
- ер-сув ва баъзи турдаги муҳим минерал-хомашё ресурсларининг чекланганлиги;
- иқтисодиётга, айниқса, баъзи регионлардаги юқори демографик босим (Фарғона водийси);
- ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларда юқори чиқимига ва рақобатбардош бўлмаган маҳсулот чиқаришга олиб келадиган паст техник даражаси;

- иқтисодиёт соҳасида янги ҳуқуқий асоснинг шаклланиши ва уни амалга ошириш механизмлари маромига етказилмаганлиги;

- маъмурий-бошқарув тизимига хос бўлган усуллар ва иқтисодий жиҳатдан эскича фикр юритиш рецидивларининг сақланиб қолиши, баъзи бошқарув қисмлари томонидан хўжалик фаолиятининг бозор принципи ва механизмларини етарли даражада тушунмаслик;

- иқтисодиётнинг турли секторлари ва соҳаларида бозор ўзгаришлари даражаси ва динамизмидаги, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ орасидаги тафовутлар;

- бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;

- молия, банк-кредит ва валюта тизимларида пул айланишининг беқарорлиги хавфи;

- иқтисодий соҳада жиноятнинг тарқалиши, хўжалик субъектлари ҳуқуқий ҳимоя механизмининг мукаммал эмаслиги.

Ўзбекистонда миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари устувор миллий манфаатлар, реал ва потенциал хавфларга боғлиқ равишда аниқланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бозор иқтисодиётини шакллантиришга, унинг қудратини оширишга реал мулкдорлар синфини шакллантиришга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан ўтказиш;

- хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини рағбатлантириш;

- мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва хусусий мулкни ҳимоялаш, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлашнинг амалий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш;

- инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотнинг замонавий ишлаб чиқаришини ташкил этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

- макроиқтисодий барқарорлик, молия, пул-кредит тизимлари мустаҳкамлигини таъминлаш, миллий валютани кучайтириш;

- фавқулодда ҳолатларда иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминлаш;

- иқтисодий ва демократик янгиланишлар йўлига ғов бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизимидаги нуқсонларни бартараф этиш;

- маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг бошқариш тизмини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистонда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг 12 йиллик якунлари ва бу соҳада энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хавфсизлик ва тинчлик учун курашда асос бўлиб хизмат қилади.

Қисқача хулосалар

Республиканинг миллий иқтисодий манфаатларига бўлган хавфлар унинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги ўз йўлини танлаш, кўп миллатли давлатда миллатлараро низоларнинг олдини олиш, ислоҳотларни амалга ошириш йўлларини танлаш ва бу жараёндаги ёндашувларни танлашда, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришда миллий манфаатларга иқтисодий хавфларни, ташқи ва ички омилларни бартараф этишда давлат фаоллигини ошириш кўрсатилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий манфаатларга иқтисодий хавфсизлик қандай таъсир қилади?
2. Ташқи хавфларга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
3. Ички хавфсизликка нималар таъсир этади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш. «Халқ сўзи», 2002.
2. Возженико Н.В. Национальная безопасность: теорея, практика, стратегия. - М.: НПО, Модуль, 2002 йил, 25 январь.
3. Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедик маълумотлар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Т., 2002.

VIII боб

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАКЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

8.1. Иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш шакллари

Давлат, жамият ва шахс манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш тизими орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида шаклланган иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш тизими қуйида баён этилган.

Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш ёки унинг олдини олишда миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишнинг у ёки бу усулидан фойдаланилади. Бунда улар тажовузни бартараф этиш ёки унинг таъсирини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш усулларига мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиш усуллари киради. Давлат ўзининг, жамият ва шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот, интеллектуал ва бошқа ресурслардан фойдаланади. Хавф-хатарнинг агрессивлик даражасига қараб ҳимоянинг келишув, қўрқитиш, қаршилик, зўрлаш ёки мажбур этиш каби шакллари қўлланилади.

Жамият ва шахс ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконияти кам бўлганлиги сабабли асосан давлат ҳимоясига таянади. Шу билан бирга жамият ва шахснинг ҳаётий зарур манфаатлари ҳимояси билан шуғулланувчи нодавлат тизими ҳам мавжуд.

Мустақил Ўзбекистон бу борада батамом янги чора-тадбирларни амалга оширмокда. Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири учун олий неъмат бўлган мустақиллик, миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисида сўз юритар экан, уни жамият ривожининг асоси, бугунги ва узоқ истиқболдаги тараққиётимизнинг шарти, барча ислоҳотларимизнинг мезони ва ниҳоят, барчамиз амал қиладиган бош тамойил, деб атади.

Миллат фаолиятининг ўзаги бўлган мустақиллик жамият аъзолари олдига муттасил янги-янги мақсадлар қўяди ва улар бажарилишини талаб қилади. Тараққиётнинг ҳар бир босқичи — бу, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар, демакдир, деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари. Катта ва

кичик миллатлар, давлатлар ва қолаверса, халқаро жамият тажрибаси шуни кўрсатадики, вужудга келган муаммолар ечимида сусткашлик қимматга тушиши мумкин. Зотан, ҳар қандай муаммо бошқа қатор хавф-хатарларни келтириб чиқарадики, бу, ўз навбатида, ҳар қандай давлат тараққиётини анча жиддий мураккаблаштиради. Демак, мамлакат тақдири учун масъулликни ўз зиммасига олган ҳокимият тузилмаси бу борада бефарқликка йўл қўя олмайди, доимо уйғоқ ва ҳаракатда бўлиши лозим.

«Бугун, — деб таъкидлайди Президентимиз, — барча атрофдаги вазият қандай тус олаётган, нафақат минтақада, балки бутун дунё миқёсида ҳаётнинг ўзи ҳам қандай тез суръатлар билан ўзгараётганини кузатиб турмоқдамиз». Бундан чиқадиган хулоса шуки, ён-атрофдаги ва бутун дунёдаги жараёнларга нисбатан лоқайд бўлган ёхуд уларга ўз вақтида зарур даражада муносабат билдира олмайдиган давлат ўзининг кейинги тараққиёти учун ҳеч қачон замин ярата олмайди.

XXI асрнинг илк йиллариданоқ дунёнинг турли жойларида юз берган кескин ўзгаришлар мамлакатимизда барқарорлик, давлатимиз яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ниҳоят, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш стратегиясига жиддий ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда. Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида аксини топган мамлакат ривожининг устувор йўналишлари тизимига эътибор берадиган бўлсак, улар мустақиллигимизни, хавфсизлигимизни, тинчлигимизни асраш орқали унинг умрбоқийлигини таъминлайди. Зеро, ижтимоий соҳаларни эркинлаштириш бўладими ёки жамият, давлат ва ҳар бир оила осойишталиги ва инсон равнақи муаммоси бўладими, барчаси мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлиги масаласига тақалади. Шундай экан, Президентимизнинг янги устувор йўналишларини шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги дунё хавфсизлигига солинаётган таҳдид ва хуружларга нисбатан жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак, деган фикрларида улкан ҳақиқат ётибди. Ўзбекистонда, Россия ва бошқа давлатларда рўй бераётган воқеалар ва террористик чиқишлар барча давлатлардан, шу жумладан, Ўзбекистондан миллий манфаатларни ҳимоя қилиш шакли ва воситаларини излашни ва уларнинг оптимал йўлларини топишни тақозо этади.

Миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш шакл ва воситаларини танлаш давлатнинг сиёсати стратегияси ва иқтисодий хавфизлик концепцияси асосида амалга оширилади.

Иқтисодий хавфизлик концепцияси Ўзбекистон Республикаси қабул қилган миллий хавфизлик концепциясининг асо-

сий бўлимларидан бири ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини, миллий бойлигини ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилишни кўзда тутади. Ушбу концепция бу борадаги сиёсатни белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш сиёсати - Ўзбекистон Республикасининг миллий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ва маълум давр ичида олиб бориладиган сиёсат ва ҳаракатлардир.

Иқтисодий хавфизликни таъминлаш стратегияси — бу, давлат, жамият ва шахсни реал хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ҳаракатларидир. Бунда хавфизликни таъминлаш ресурслари, усуллари, органлари ва шаклларидан фойдаланилади.

8.2. Миллий хавфсизликни таъминлаш воситалари ва органлари

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфизлигини таъминлаш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш органлари, кучлари, воситалари ёрдамида амалга оширилади. Булар, ўз навбатида, қуйидагиларни ўз ичига олади: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, жамоат ва бошқа ташкилотлар, бирлашмалар, иқтисодий хавфизлик чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда бевосита қатнашувчи фуқаролар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва бошқариш органларига қуйидагилар киради.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- Олий Мажлис;
- Вазирлар Маҳкамаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқодлар институти;
- Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик кенгаши;
- Миллий хавфсизлик хизмати;
- Иқтисодиёт вазирлиги;
- Самарали иқтисодий сиёсат маркази;
- Молия вазирлиги;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Давлат божхона қўмитаси;
- Давлат мулк қўмитаси;
- Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ дав-

лат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири халқ ҳокимиятидир.

Республикада халқ — давлат ҳокимиятининг, давлат дахлсизлигининг бирдан-бир манбаидир.

Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади. Халқнинг бевосита бошқариш воситалари асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва айрим махсус қонунларда белгиланган. Халқ томонидан давлатни бевосита бошқариш воситаларига халқ депутатлари кенгашларига сайловлар, давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш, сайловчиларнинг йиғилишлари, халқ депутатларини муддатидан олдин чақириб олиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Уларни ўтказиш тартиби ҳам тегишли қонунларда белгиланган.

Халқ давлатни ўз вакиллари орқали бошқариши — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатлари орқали бошқаришдир.

Халқ томонидан фақат у сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзолари (депутатлар) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши мумкин.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари олий бошқарувини амалга оширади ва Қуролли кучлар Олий Бош қўмондони ҳисобланади. У республика мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, мамлакат манфаатларига қуролли хавф пайдо бўлган ҳолларда унинг суверинитети, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қуради ва ҳ.к.лар.

Қисқача хулосалар

Миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш шакллари давлатнинг сиёсий стратегияси ва миллий хавфсизлик концепцияси асосида амалга оширилиши, миллий хавфсизликни таъминлаш органлари - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, жамоат ва бошқа ташкилотлар, бирлашмалар ва вазирликлар вазифалари кўрсатилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишнинг қандай шаклларини мавжуд?
2. Иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишнинг қандай йўллари бор? Уларни таърифланг.
3. Ўзбекистон Республикасида қайси идоралар иқтисодий хавфсизликни таъминлайди ва бошқаради?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. «Ҳамкор», 2003 йил, 24 июль.
2. Возженико Н.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. –М.: НПО «Модуль», 2000.
3. Ишмуҳамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. -Т.: ТГЭУ, 2000.

IX боб

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ОМИЛЛАРИ

9.1. Иқтисодий хавфсизликни таҳлил ва тадқиқ қилиш

Иқтисодий хавфсизлик тадқиқотлари мавжуд ахборотларни йиғиш, концепциялаш орқали ички ва ташқи хавф белгиларини аниқлаш ва уларни таснифлашга қаратилади. Бунда тадқиқодчилар энг эътиборли иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи омилларни танлаб оладилар.

Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига оид ахборотларни топиш ва жамлашда иқтисодий хавфсизлик назариясида бирор бир табиий ёки ижтимоий ҳодисани келтириб чиқарувчи воқеа сабабини аниқлайдиган омилли анализ усулидан фойдаланилади. «Омил» тушунчаси адабиётларда, сабаб, бирор бир воқеанинг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳодисаларнинг характерини кўрсатувчи жиҳатлар, деб таърифланади.

Иқтисодий хавфизликни омилли анализга асосланмаган ҳолда тадқиқ этиб бўлмайди, чунки иқтисодий хавфсизлик тизим бўлиб, у бир қатор ўзгарувчи ҳодисалар билан боғлиқ.

Кўп омиллар ўзаро боғлиқликда бўлиб, бир-бирининг ўрнини босувчи ҳисобланади. Лекин, шу билан бирга баъзи омилларнинг иқтисодий хавфсизликка билвосита таъсири ҳам кузатилган.

Иқтисдий хавфсизликни ўрганиш омиллари, омилли матрица, деб номланувчи индикаторлар (кўрсаткичлар) билан боғликдир. Омилли матрица анализ давомида аниқланган омил ва индикаторларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини характерлайди. Омилли анализнинг асосий мақсади — шахс, жамият ва давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлайдиган умумий қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёнидаги нуқсонлар ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар билан узвий боғланишини таъмин этишдан иборатдир.

Республикамизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодий хавфсизликнинг асосий омилларини ҳисобга олиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 3,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқлари жадал ва изчил ривожланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 фоизга, истеъмол молла-

ри – 4, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 3,8, инвестициялар ҳажми эса, 2,6 фоизга ўсди. Аҳоли бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақлаб қолинди, бу кўрсаткич 102,8 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга айрим соҳаларда локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш бу борада башорат (прогноз) қилинган кўрсаткичдан ортда қолмоқда. Бу кўрсаткич «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмасида 21,6%, «Ўзфармсаноат» давлат концернида 22,4%, «Ўзпахтасаноат» уюшмасида, «Файз» холдинг компаниясида 40%, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,3%, «Ўзкоммунхизмат» агентлигида 40,5% ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,9%га бажарилган. Айниқса, 2003 йилнинг биринчи ярми давомида 33 та лойиҳа бўйича амалий ишлар бошланмагани республика иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишини ва иқтисодий хавфсизликнинг асосий омили – ишлаб чиқариш заифлашганини кўрсатмоқда.

Яна бир омил – бюджет соҳасида изчил ва қаттиқ кредит-молия сиёсатини ўтказиш, шу тартибга қатъий амал қилиш орқали бюджет даромадлари ва харажатлар қисмининг жорий 2003 йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомадини қоплашга, инфляцион жараёнларга барҳам беришга қаратиш асосида 2003 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетининг ижроси таъминланди ва ЯИМга нисбатан 0,5%и префицит билан якунланди. Корхоналарнинг солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам 2003 йилнинг биринчи ярими якунларига ижобий таъсир ўтказди.

Ўзбекистон Республикасида 2003 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 24%дан 20%га, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий суғурта ажратмалари 37,3%дан 35%га пасайтирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Миллий иқтисодиётни мустаҳкамлайдиган бу каби чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаолиятини оширишга хизмат қилди. 2003 йилнинг биринчи ярми мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18%га ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестициянинг 46%ини ташкил этди. Бу эса, ўз-ўзидан республикада инновацион жараённи жадаллаштириш, рақобатдардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади, иқтисодий хавфсизликни таъминлайди ва унинг даражасини оширади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминловчи омил – бу, банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда тижорат банклари тенденциялари натижасида Ўзбекистоннинг олтин валюта заҳиралари сезиларли даражада ўсди. 2003 йилнинг биргина биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32%га ортди, кредитларни камайтириш даражаси яхшиланди. Энг муҳими, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Уларнинг депозит ҳисобларига қўйган омонатлари 44%га ортди. Натижада банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва мини банклар сони кескин равишда ортмоқда.

Бироқ, кейинги вақтларда республикада юқори фоизли фойда ваъда қилиб, турли шубҳали «Бизнес лойиҳалар"га кенг аҳоли қатламларидан маблағларни, шу жумладан, хорижий валюталарни жалб этиш орқали молиявий фирибгарликка қўл уриш ҳоллари учраб турибди. Оқибатда республикамизнинг кўп фуқаролари Россиядаги МММ банки пирамидаси каби сохта банкларга ўз маблағларини қўйиб, куйиб қолишлари мумкин.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли омонатларини сақлаши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Республикамизда Марказий банкнинг тегишли лицензияларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон Республикаси Халқ банки, «Асака», «Замин банк», «Ўзуйжойжамғармабанк"и, Ўзбекистон акциядорлик-тижорат, саноат-қурилиш банки, «Пахта банк», «Ғалла банк», «Турон банк», «Тадбиркор», «Савдогар», «Алоқа банк», «Траст банк», «Ипак йўли», «Ҳамкор банк», «АЛП жамол», «Туркистон», «Давр банк», «Истиқбол банк», «Ўктам банк», «Бизнес банк», «Капитал банк», «Равнақ банк», «ЎзДеу», ўзбек-турк қўшма банклари ва ABN AMRO банки, Ўзбекистон МБ ҳиссадорлик жамияти, «Ўзправатбанк» хусусийлаштириш ва инвестиция бўйича халқаро банки, Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банклари фаолият кўрсатмоқда.

9.2. Иқтисодий хавфсизлик омиллари классификацияси

Кенгаш даври адабиётларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, самарадорликни ошириш омилларига катта эътибор берилган. Ишларнинг аксарияти ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва Кенгаш давридаги иқтисодий ўсишни анализ қилишга бағишланган.

Россиялик иқтисодчи А.Анишкин изланишларида ишлаб чиқариш омиллари ва чекланган иқтисодий ресурсларнинг ўза-

ро боғлиқлигини ўрганди. Бу изланишлар асосан ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашнинг математик йўлини аниқлашга қаратилган.

Иқтисодий хавфсизлик тизими бир қатор маълум омиллар таъсирида амал қилади. Ушбу омиллар хусусиятлари, манбаълари ва тизимга таъсир даражасига кўра, объектив, субъектив, ташқи ва ички бўлиши мумкин. Иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими – бу, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, техник, информацион шарт-шароитларидир. Миллий иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими халқаро иқтисодий хавфсизлик тизими билан узвий боғликдир.

Иқтисодий хавфсизликнинг объектив омиллари мустақил бўлиб, уларга табиий шароитлар ва ресурсларни киритишимиз мумкин.

Иккинчи томондан қараганда, табиий ва бошқа ресурслар субъектлар таъсирида ташқи алоқалар тизимига киради ва бунинг натижасида иқтисодий хавфсизлик кучаяди ёки аксинча сусаяди. Шундан келиб чиқиб, кўпроқ иқтисодий хавфсизликнинг субъектив омиллари ҳақида гапириш мумкин.

Ривожланишнинг ҳозирги даврида илмий таҳлил ва текширишлар (тадқиқодлар) асосида қуйидаги омиллар тизимининг классификациясини ажратиб кўрсатиш мумкин:

➢Иқтисодий омиллар меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари; ишлаб чиқариш асосий фондлари; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси; стратегик заҳира ва бошқаларни ўз ичига олади.

➢Табиий-иқлим омилларига ёқилғи энергетика ресурслари ва маҳсулотлари, минерал хомашё; ўрмон; сув; ер; биологик ресурслар; иқлим шароитлари; рельеф, грунт таркиби ва бошқалар киради.

➢Иқтисодий ва табиий шароитлар таъсирини синтезловчи омиллар давлатнинг тузилиши; турли мулк шакллари; қўллабқувватловчи сиёсати; ишлаб чиқаришнинг жамоавий шакли; табиий ресурсларни сақлашга қаратилган тадбирлар; атроф-муҳитни ҳимоялаш; табиий ресурсларни ишлаб чиқариш ва улардан оқилона фойдаланишни ўз ичига олади.

➢Ижтимоий-сиёсий омиллар: Ўзбекистонда ҳудудларнинг бир текисда ривожланишни таъминлаш; миллий ва маданий масалаларни ҳал қилиш; соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

➢Илмий-технологик омил барча омилларга таъсир кўрсатиб, уларнинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини кучайтириши ёки аксинча сустлаштириши мумкин.

➢Ижтимоий демографик омилларга: аҳолининг ёши, жинсий бўлиниши; билим даражаси; ҳуқуқий ва сиёсий маданияти;

туғилиш ва ўлим кўрсаткичи; соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиш даражаси ва бошқалар киради.

➢Этнографик ва иқтисодий омиллар аҳолининг миллий таркиби; этник гуруҳларнинг жойлашуви; этник гуруҳларда туғилиш ва ўлим даражаси; миллатлараро муносабат маданияти; этник гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишдаги фарқларидан иборат.

➢Информацион ва информацион-психологик омиллар: ахборот айланиши; айланиш даври, йўналиши; информацион оқимлар; ахборотлардаги миллий ўзига хосликлар; ахборотни қайта ишлаш тизими; сирнинг ошкор бўлмаслик даражаси ёки ҳимоялангани.

➢Сиёсий омиллар: давлатнинг равнақи; жамият; маданият; сиёсий ҳаракатлар ва партиялар; нодавлат ва жамоат ташкилотлари, миллий хавфсизликни таъминловчи тизим бўлинмалари.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий хавфсизликнинг қисқача таҳлили тадқиқ қилинган ва республикамизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодий хавфсизликнинг асосий омиллари ҳисобга олингани борасидаги ижобий натижлари кўрсатилган. Иқтисодий хавфсизлик омиллари туркумланиши қуйидагилардан ташкил топади: иқтисодий, табиий иқлим, иқтисодий ва табиий шароитлар таъсирини синтезловчи кўрсаткич, ижтимоий-сиёсий, илмий-технологик, ижтимоий-демографик, этнографик ва иқтисодий, информацион ва информацион-психологик ва сиёсий омиллар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий хавфсизлик қандай индикаторлар (омиллар) ёрдамида таҳлил ва тадқиқ қилинади?
2. Иқтисодий хавфсизлик омилларининг классификацияси нималарни кўзда тутади?
3. Иқтисодий хавфсизлик омилларининг маъноси ва мазмуни нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. «Ҳамкор», 2003 йил, 24 июль.
2. Возженико Н.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. -М.: НПО Модуль, 2000.
3. Ишмуҳамедов А.Э.,Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. -Т.: ТГЭУ, 2000.

X боб

ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯЛАНИШНИНГ ИЧКИ ОМИЛЛАРИ

10.1. Табиий омиллар

Ўзбекистон ўзининг ранго-ранг табиати билан кишини ҳайратга солади. Бир тусдаги чўл ландшафти ва қор билан қопланган баланд тоғлари, серсув дарёлари ва бутунлай сувсиз майдонлари бор.

Ҳудуднинг кўп қисми Турон текислигига мансуб, кескин кўтарилган баландликлар учрайди. Кейинчалик кўтарилиб, Тянышан ва Помир-Олайга айланган. Бу тоғларнинг ўсиши натижасида Ҳинд Океанидан келадиган намлик йўли тўсилгач, иқлим қуруқлаша бориб, аста-секин бепоён чўллар вужудга келган. Ўзанини ва йўналишини ўзгартириб турган дарё ҳамда шамоллар ер юзасидаги юмшоқ қатламни кўп марта кўчирган. Қизилқум ва Қоракум қумлари шу тариқа ҳосил бўлган. Дарё тармоқларининг шакл-шамойи тез-тез ўзгариб турган. Масалан, Амударё дастлаб Каспий денгизига қуйилган (Ўзбой ўзани орқали), кейинроқ Орол денгизи томон оққан. Шунингдек, дарёларнинг серсувлик даражаси ва жойларда ёғин миқдори ҳам ўзгариб турган. Натижада Ўзбекистоннинг кўп қисми текисликка айланган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлик тизимига ҳозирги кунда кўплаб ички омиллари таъсир қилмоқда. Шунинг учун энг муҳим омиллар гуруҳини, яъни Ўзбекистон Республикаси табиий-иқлим шароитида юзага келувчи ва атрофнинг экологик ҳолати ҳамда ижтимоий, иқтисодий хавфсизлиги ва объектларининг бошқа ҳаётий жиҳатларини кўриб чиқиш зарур. Иқтисодий хавфсизликка ўз ўрнида мамлакат ландшафти ҳам таъсир қилади. Ўзбекистон Республикаси текис ва тоғли рельефлардан иборат. Текис рельеф бир томондан, ўзига мусбат ҳолатни келтирса, иккинчи томондан, катта далалар, қум ва барханлар эгаллаган, маълум даражада қишлоқ хўжалик ишини қийинлаштириб, қўшимча чиқимларни талаб қилади.

Ландшафтни шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: шарқ ва жанубий-шарқдаги тоғлар ва тоғ олди қисми. Улар республика ҳудудининг тахминан 15 қисмини ташкил қилади. Шундай қилиб, тоғлардаги энг баланд чўққи – 4643 метр; ғарбда – чала-чўл ва чўллар; жанубий-ғарб ва шимолий-ғарбдаги текислик бу жойларда тошлоқли чўлдан иборат. Устюрт платаси, Қуйи Амударёнинг текислиги ва онда-сонда паст тоғлар кў-

Қисқача хулосалар

Иқтисодий хавфсизликнинг қисқача таҳлили тадқиқ қилинган ва республикамизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодий хавфсизликнинг асосий омиллари ҳисобга олингани борасидаги ижобий натижлари кўрсатилган. Иқтисодий хавфсизлик омиллари туркумланиши қуйидагилардан ташкил топади: иқтисодий, табиий иқлим, иқтисодий ва табиий шароитлар таъсирини синтезловчи кўрсаткич, ижтимоий-сиёсий, илмий-технологик, ижтимоий-демографик, этнографик ва иқтисодий, информацион ва информацион-психологик ва сиёсий омиллар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий хавфсизлик қандай индикаторлар (омиллар) ёрдамида таҳлил ва тадқиқ қилинади?
2. Иқтисодий хавфсизлик омилларининг классификацияси нималарни кўзда тутади?
3. Иқтисодий хавфсизлик омилларининг маъноси ва мазмуни нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. «Ҳамкор», 2003 йил, 24 июль.
2. Возженико Н.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. -М.: НПО Модуль, 2000.
3. Ишмуҳамедов А.Э.,Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. -Т.: ТГЭУ, 2000.

X боб

ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯЛАНИШНИНГ ИЧКИ ОМИЛЛАРИ

10.1. Табиий омиллар

Ўзбекистон ўзининг ранго-ранг табиати билан кишини ҳайратга солади. Бир тусдаги чўл ландшафти ва қор билан қопланган баланд тоғлари, серсув дарёлари ва бутунлай сувсиз майдонлари бор.

Ҳудуднинг кўп қисми Турон текислигига мансуб, кескин кўтарилган баландликлар учрайди. Кейинчалик кўтарилиб, Тянышан ва Помир-Олайга айланган. Бу тоғларнинг ўсиши натижасида Ҳинд Океанидан келадиган намлик йўли тўсилгач, иқлим қуруқлаша бориб, аста-секин бепоён чўллар вужудга келган. Ўзанини ва йўналишини ўзгартириб турган дарё ҳамда шамоллар ер юзасидаги юмшоқ қатламни кўп марта кўчирган. Қизилқум ва Қорақум қумлари шу тариқа ҳосил бўлган. Дарё тармоқларининг шакл-шамойи тез-тез ўзгариб турган. Масалан, Амударё дастлаб Каспий денгизига қуйилган (Ўзбой ўзани орқали), кейинроқ Орол денгизи томон оққан. Шунингдек, дарёларнинг серсувлик даражаси ва жойларда ёғин миқдори ҳам ўзгариб турган. Натижада Ўзбекистоннинг кўп қисми текисликка айланган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлик тизимига ҳозирги кунда кўплаб ички омиллари таъсир қилмоқда. Шунинг учун энг муҳим омиллар гуруҳини, яъни Ўзбекистон Республикаси табиий-иқлим шароитида юзага келувчи ва атрофнинг экологик ҳолати ҳамда ижтимоий, иқтисодий хавфсизлиги ва объектларининг бошқа ҳаётий жиҳатларини кўриб чиқиш зарур. Иқтисодий хавфсизликка ўз ўрнида мамлакат ландшафти ҳам таъсир қилади. Ўзбекистон Республикаси текис ва тоғли рельефлардан иборат. Текис рельеф бир томондан, ўзига мусбат ҳолатни келтирса, иккинчи томондан, катта далалар, қум ва барханлар эгаллаган, маълум даражада қишлоқ хўжалик ишини қийинлаштириб, қўшимча чиқимларни талаб қилади.

Ландшафтни шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: шарқ ва жанубий-шарқдаги тоғлар ва тоғ олди қисми. Улар республика ҳудудининг тахминан 15 қисмини ташкил қилади. Шундай қилиб, тоғлардаги энг баланд чўққи — 4643 метр; ғарбда — чала-чўл ва чўллар; жанубий-ғарб ва шимолий-ғарбдаги текислик бу жойларда тошлоқли чўлдан иборат. Устюрт платаси, Қуйи Амударёнинг текислиги ва онда-сонда паст тоғлар кў-

омиллар таъсири белгилайди. Иқтисодиётни кам-кўстсиз таъминлаш иқтисодий ҳимояланишнинг муҳим омилларидан биридир. Республиканинг сув ресурслари ҳудудларга бетартиб тарқалган. Ўзбекистонда бу омил бир қатор салбий таъсирларни келтириб чиқаради. Бу таъсирлар бирор секторнинг сув ресурсларига эҳтиёжи юқорилиги, сув эса камайиши мумкинлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудидан кесиб ўтувчи энг йирик дарёлар — Амударё ва Сирдарё республикадан ташқарида бошланади ҳамда охирги йилларда республика учун иқтисодий хавф туғдирувчи омилга айланиб қолди. Дарёлар тоғлар орасидан текисликка чиқиши билан сувини суғоришга олиниши, уларга оқава сувлар келиб тушиши ва оқими сув омборлари орқали тартибга солиниши туфайли уларнинг табиий режими ўзгаради. Дарёлар сув оқимининг йил давомидаги тақсимоти уларнинг тўйиниш манбалари нисбатига кўра, хўжаликда фойдаланиш интенсивлигини кўпроқ ифода этади. Республикадан ташқари ҳудудида — Қирғизистон ва Тожикистонда бу дарёларда улкан гидроэлектростанция қурилган ва улар қиш фаслида тўғонлардан сув заҳираларининг катта қисмини тушириши оқибатида тошқинлар вужудга келиб, иқтисодий зарар келтиради. Бу эса, асосан далаларни сув босиши, дарё қирғоқларида жойлашган суғориладиган ерларнинг ювилиши ва селлар вужудга келишига сабаб бўлади. Сел келганда дарёлар, кўллар тошиб, қишлоқлар катта талофат кўради (Гузар дарёда 1926 йил, Яшил кўлда 1996 йил).

Атроф-муҳитга охирги ўн йилликда техноген таъсирлар кўпайди. Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Зарафшон каби саноат шаҳарларидаги экологик ҳолат бунга мисол бўлиши мумкин. Саноат чиқиндиларининг дарёга ва атмосферага чиқарилиши, атроф-муҳитга ёмон таъсир қиляпти.

Хавфли табиий жараёнлардан энг хавфлиси — бу, 8-9 баллга борувчи юқори тебранувчанликдир. Кучли ер қимирлашларига, Андижонда (1889 й. ва 1902 й.), Тошкентда (1966 ва 1968 й.) бўлган силкинишлар киради.

Ўзбекисон пойтахти тебранувчи зонада жойлашган. Бу ерда 1966 й. 26 апрелда кучли ер қимирлаши бўлиб, бунинг оқибатида шаҳарнинг кўп районлари зарар кўрди. Тошкентда 700 ер қимирлаши қайд этилган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига қурғоқчилик катта салбий таъсир кўрсатади. Қурғоқчиликдан айниқса, Амударёнинг қуйи региони, Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги катта иқтисодий талофат кўради.

Кейинги вақтларда республикада об-ҳавонинг йил фаслларига хос келмаслик даражаси ўсиб бориши кузатилмоқда:

кеч баҳор ва эрта ёзда кўп ёмғир ёғмоқда, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлари сусаймоқда (кечки экин, чигитни қайта экиш), бу жараёнда ошиқча чиқимлар қилинмоқда.

10.2. Ижтимоий демографик омиллар

Ўзбекистон Ўрта Осиёда аҳолиси энг кўп республика (Ўрта Осиё аҳолисининг 60%дан ортиғи шу ерда яшайди). Аҳоли сони бўйича МДҲ давлатлари Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Ҳудудининг географик жойлашиши, ҳажми билан иқтисодий ҳолатнинг боғлиқлиги мамлакатда демографик ҳолатни юзага келтиради. 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон ҳудудида 25,2 млн. нафар фуқаро нотекис жойлашган. Аҳоли, айниқса, Андижон ва Фарғона вилоятларида жуда зич, Сурхандарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида эса кам, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳам аҳоли кам вилоятлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, бу ҳудудда аҳолининг ўсиш суръати жуда юқори. Бу борадаги кўрсаткичи агар 1940 йилда 2,7 фоиз бўлган бўлса, 1950 йилда – 3,8, 1960 йилда – 3,3, 1980 йилда – 2,4, 1990 йилда – 2,1 ва 2001 йилда – 1,2 фоизни ташкил этади. Аҳолининг ўсиши икки томонлама аҳамиятга эга. Бир томондан, аҳолининг кўрсаткич кўп қисмини ёшлар ташкил этади, бу иқтисодиётни ривожлантиришда катта куч, демакдир. Аҳолининг қариш муаммоси йўқ. Лекин ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб аҳолининг пасайиши кузатилаяпти ва 2001 йилда бу борадаги атиги 1,2 фоизни ташкил қилди. Шу жумладан, шаҳарларда 0,7 ва қишлоқ аҳолисига нисбатан 1,5 фоизга тўғри келди.

Аҳоли ўсиш суръатига асосан бозор иқтисодиётига ўтиш, илмий-техниканинг ривожланиши ва бошқа омиллар таъсир этади. Иккинчи томондан эса, аҳолининг ўсиш суръати юқорилиги иқтисодий аҳволни қийинлаштиради, ишсизлик муаммоси иқтисодий хавфсизликни оширади. Шунинг учун республикада келажак авлод соғломлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларни жисмоний, маънавий ва ахлоқий ривожлантириш мақсадида 1993 йилда республикада «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси тузилди. 1995 йилда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси бу жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, республика даволаш-соғлом-лаштириш мажмуаси барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўтган йиллар ушбу қарор ижроси таъминланди.

Ўзбекистон аҳолисининг 40,08 фоизи болалар ва ўсмирлар (0-14 ёшлилар)дан, 28,3 фоизи эса ёшлар (15-21 ёшлар)-дан иборат. Болалар, ўсмирлар ва аёлларнинг умумий салмоғи тахминан 70%ни, яъни республика аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил этади. Шунинг учун республикада болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти. Хоразмда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари — 2003» ва Андижон шаҳрида «Баркамол авлод» ва «Универсиада» республика спорт мусобақалари болалар спортига эътибор кучайиб бораётгани ҳамда уч босқичли спорт ўйинларининг йўлга қўйилгани янги-янги истеъдодларни кашф этмоқда, миллий хавфсизликни таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган, бозор иқтисодиётини шакллантираётган бугунги кунда жаҳон иқтисодиётига алоқадор ҳар қандай жараён катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жаҳон иқтисодиёти билан узвий боғлиқ равишда ривожланаётган халқаро меҳнат бозори, уни шакллантириш омиллари иқтисодий хавфсизликни таъминлашда асосий йўналишлар бўлиб, нафақат ишсизлик муаммоси, балки юқори малакали кадрлар тайёрлаш, валюта тушумини (келишини) ошириш ва ёшлар замонавий техника ва технология сирларини ўрганишига имкон беради. Бунга Асака автомобиль заводида асосан жанубий Кореяда тайёрланган маҳаллий кадрлар фаолият кўрсатаётгани мисол бўлади.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, ривожланаётган давлатларда товар экспортидан тушадиган даромад 20%ни, хизматлар экспортидан келадиган даромад 50%ни ташкил қилади, иш кучи экспорти бундан ҳам юқори. Масалан, Туркиядан 2,5 млн. ишчи Германияга ишга жалб қилинди.

Хорижий мутахасислар ҳисоб-китобларига кўра, шахсий пул ўтказиш операциялари ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга. Ишчи кучи экспортидан тушуми 90-йиллардан ривожланаётган мамлакатларда анча юқори суръатлар билан — йилига 10%га ўсди. Ҳар йили ушбу манбадан фойданилган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар аста-секин ишчи кучи экспортига ихтисослаша бошладилар.

Таркибий шаклланган биринчи миграция маркази Ғарбий Европададир. Бу ерда хорижий ишчи кучларидан доимий равишда фойдаланиб келинган. Англияга Ҳиндистондан, Германияга Туркиядан, Францияга Алжирдан ва бошқа қарам давлатлардан ишчи кучи жалб қилинган. Анъанавий тарзда шаклланган иккинчи миграция маркази АҚШ бўлиб, бу ерда меҳнат ресурслари тарихан айнан иммигрантлар ҳисобига тўплан-

ган. Учинчи марказ Яқин Шарқнинг шаклланган нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлардир. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида бу ерга 3 млн. хорижий ишчи жалб қилинган. Бу иммигратларнинг 75 фоизи Мисрдан, 25 фоизи Яман, Ливан, Сурия, Иордания, Фаластин мамлакатларидан келган.

Ҳозирги пайтда халқаро меҳнат миграцияси анча ўзгарди: индустриал ривожланган мамакатлар ривожланаётган мамлакатларнинг меҳнат ресурсларига муҳтож. Индустриал ривожланган мамлакатлар доирасидаги миграция ривожланган мамлакатлар ўртаидаги ишчи кучлари миграцияси бўлиб, бундан ташқари асосан Европа ва Шимолий Америкадан ривожланаётган мамлакатларга бораётган малакали кадрларнинг унча катта бўлмаган оқими назарда тутилган.

Ўзбекистоннинг ишчи кучи, асосан собиқ социалистик мамлакатлар доирасидаги ишчи кучи миграциясини ташкил этади. Бу миграциясининг сабаблари Россия, Қозоғистон корхоналарида баъзи соҳа ва мутахасисликлар бўйича ишчи кучининг етишмаслиги, шунингдек, маҳаллий аҳоли таклиф қилинган ишни бажаришни хоҳламасилигидир. Бундай ҳолатни кўпроқ қурилиш ва қишлоқ хўжалиги, кон саноати ва хизмат соҳаларида кўриш мумкин.

Ўзбекистон ўз иқтисодий хавфсизлигининг демографик омилларини таъминлашда халқаро меҳнат бозорида иштирок этаётгани жаҳон хўжалигининг нормал фаолият кўрсатаётганидан далолат беради, чунки халқаро меҳнат бозори жаҳон бозорининг муҳим унсурларидан биридир. Ўзбекистон билан Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги бу соҳадаги ҳамкорлик эътиборга лойиқ.

10.3. Илмий-технологик омиллар

Ахборот хатарлари чин ёки сохта бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда республика учун хавфлиси ОАВ (оммавий ахборот воситалари)нинг нотўғри ахборотлари, компьютер алоқалари ва бошқалар. Давлат учун ахборот алоқаларига ўринсиз хабарларнинг кириши ҳам хавфдан холи эмас.

Ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турганимиздек, ахборот коммуникация технолгиялари (АКТ) республика иқтисодига ва умуман, ҳаётимизга тезкорлик билан кириб келмокда.

Ушбу йўналишда Интернет бутунжаҳон тармоғининг ривожланиши алоҳида ўринга эга. Албатта, асосли савол туғилади: оммавий ахборот воситалари қонунчилиги бўйича ҳамма ахборот учун кириши мумкин бўлган Интернет тармоғи нима? У оммавий

ахборот воситасими? Унинг Республика миллий ва иқтисодий хавфсизлигига таъсири борми? Бу саваолларга жавоб топиш бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига бионан «... электрон ахборот тизими... оммавий ахборот воситаси"дир. Демак, сайт ОАВ ҳисобланади.

Бундан ташқари, интернетдаги кўп сайтларга нисбатан «ахборот тарқатиш даврийлиги», «оммавийлик», «фойдаланувчиларнинг чекланмаганлиги» каби тушунчаларни қўллаш мумкинлиги уларни ҳуқуқий томондан ҳам ОАВ сифатида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Тегишли тартибда рўйхатдан ўтган ва тармоқ ОАВга эга бўлган сайт эгаси, бугунги кунда ташкилотсиз, бош муҳаррирсиз ва бошқаларсиз, элементар назоратга эга бўлмаган интернет ҳаракатидаги ОАВга тегишли қонунларга итоат этиши керак. Бу эса, давлат муассалари — концерн, фирма, энг асосийси, инсонинг хавфсизлигини ва тинчлигини таъминлашга асос бўлади.

Бундан ташқари муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва реклама соҳасида ҳам масалага жиддий ёндашиш талаб қилинади. Тўғри, бу талабларга риоя қилиш бошқа ОАВ учун ҳам шарт. Аммо, тармоқ ОАВнинг ўзига хослиги ҳисобга олинса, ушбу масалаларга эътибор ортиши керак. Сайтда ўз мақолаларини ёзишни хоҳлаганлар билан масофадан туриб ишлашда ҳам амалдаги қонунчилик талабларини ҳисобга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда ОАВ турли эгалик кўринишларида бўлиб, бу ахборот тарқатишда қисман бўлсада, рақобат муҳитини яратмоқда, шунингдек, соғлом рақобатни келтириб чиқариш билан бирга жамиятда салбий фикрни шакллантирувчи хавфни вужудга келтирувчи омил бўлмоқда.

Ҳозирги кунда, интернет — очиқ, эркин ахборот майдонидир. Ким нимани хоҳласа, шуни тарқатмоқда. Лекин баъзида бу тармоқда ҳар хил бўҳтон, туҳмат ва текширилмаган маълумотлар ҳам тарқатилиши кузатилмоқда. Демак, интернет — баъзида инсонни таҳқирловчи ва унинг оилавий сирларини оммага ёйиб, ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлувчи, айрим давлатлар, уюшмалар ва жиноий, террорчи гуруҳлар ўз сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлари йўлида фаолият кўрсатишлари, республикамиз ахборот майдонида ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий, маърифий қадриятларига зид маълумотлар тарқатилишига кенг йўл очувчи имконият ҳамдир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳаракатдаги ОАВга тегишли қонунлар тармоқ оммавий ахборот узатиш воситаси тўлалигича тартибга солинишини, яъни амалдаги қонунлар доирасида фаолият олиб боришини таъминлаяпти.

Чунончи, юқорида қайт қилинган ахборот ҳуружларига қарши кўрашишнинг асосий йўналиши — ахборот соҳасидаги муносабат-

ларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Бу фаолият одамларнинг ахборот қидириш, олиш, узатиш, яратиш ва тарқатиш ҳуқуқларини асос қилиб олган ҳолда олиб борилиши керак.

АҚШда Европа давлатларида интернет сайтлари бўйича махсус қонуний бошқарув ёки назорат олиб борилмайди. Лекин, бошқа анъанавий ОАВларига (босмахона, нашрлар, ТВ ва радио) қўлланиладиган айрим қонунлар интернетга нисбатан ҳам тегишли бўлиб (масалан, туҳмат, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интелектуал мулк ҳуқуқлари бўйича қонунлар), сайтдаги ҳар қандай қонунбузарликлар прократура ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилотлар томонидан суд тизими орқали тартибга солинади. Россияда ушбу масала бўйича вақтинча Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш керакки, интернет бутун жаҳон тармоғининг ҳусусиятларини инобатга олиб, ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўрисида"ги қонунига тегишли ўзгаришлар киритилгунича ушбу тармоқ ва бошқа глобал тармоқлардан фойдаланувчи ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича низом қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудида ахборат тарқатишда чет мамлакатлар, хусусан, рус тилида тарқатиладиган қўшни давлатлар сайтларининг мавқеи юқорилигини ҳисобга олиб, ушбу йўналишдаги камчиликларни халқаро келишув ва шартномалар асосида бартараф этишга жиддий эътибор бериш лозим.

Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ кераклигини тарғиб қилиш учун мутахассис-кадрлар керак. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассаларида 2003-2004 ўқув йилида итнформатика ва ахборот йўналишида «Информатика хавфсизлиги» мутахасислиги ва иқтисодий йўналишда «Иқтисодий хавфсизлик» фани ўқила бошланди. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Япония элчихонаси ҳамда япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ташаббуси билан ахборот маркази очилди.

Марказ талабаларга япон тилини ўргатиш, япон маданияти ва санъати, урф-одатларидан хабардор қилиш, шунингдек, иқтисодий ривожланиш тамойиллари ҳақида маълумотлар бериш мақсадида ташкил этилди. У замонавий асбоб-ускуналар ва технология асосида жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.С. Ғуломов ушбу марказни очар экан, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар, айниқса, таълим тизимида табора ривожланаётганини таъкидлади. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда малакали кадрлар етиштириш, уларни жаҳон тажрибаси билан яқиндан таништиришда, ҳар томонлама илмий-технологик омилларни Ўзбекистон Республикасида жорий қилишда ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётир.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий хавфсизликнинг ички омиллари – табиий ландшафти ва қор билан қопланган баланд тоғлари, серсув дарёлари ва бутунлай серсув дарёлари ва бутунлай сувсиз майдонлари борлиги; ижтимоий демографик, яъни Ўзбекистонда Ўрта Осиёда аҳолисининг 60%и кўпалиги, аҳоли ўсиш суръати юқорилиги, ишчи кучи миграцияси ва кадрларни тайёрлаш, илмий технологик омиллари, Интернет ахборот-информацион воситасидан кенг фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш масалалари баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий хавфсизликнинг ички омилларига нималар киради?
2. Табиий омиллар иқтисодиётга ва уни ҳимоялашга қандай таъсир кўрсатади?
3. Ўзбекистоннинг ижтимоий-демографик ҳолати қандай?
4. Ҳозирги информацион хавфсизликда Интернетнинг ўрнини қандай тушунасиз?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
2. Тухлиев Н, Кременцова А. Ўзбекистон республикаси. Энциклопедик маълумотнома. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., 2002.
3. Қодирова З. Халқаро меҳнат бозори. «Ҳамкор». 2003 йил, 24 июль.
4. Шерматова К. Интернет оммавий ахборот воситасими ёки ...? «Халқ сўзи», 2003 йил, 25 июнь.

XI боб

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ТАШҚИ ОМИЛЛАРИ

11.1. Ташқи хавфсизлик омиллари хақида тушунча

Иқтисодиёт хавфсизлиги унинг ташқи мухит ўзгаришларига мослашишига боғлиқ. Рақобатбардош иқтисодиёт глобал ўзгаришларга тезда мослашади, чунки унинг асосида бирламчи омилларга суянмаслик ётибди, бунда нарх-наво ўзгариб туриши кузатилади.

Ўзбекистонда замонавий иқтисодиёт структурасининг индустриаллашиши ва шаклланиши марказлаштирилган режалаштиришга асосланган совет даврига тўғри келади. Бу давр деформация эга бўлиб, республика иқтисодиётини собиқ СССР республикалари иқтисодиёти билан боғлаб қўйди. Деформациялар эса иқтисодий соғломлаштиришни ва трансформация жарвёнларини мураккаблаштиради.

Ўзбекистон иқтисодиёти асосланган Россия иқтисодиёти билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик, масалан, Россия иқтисодиётидаги бирор ўзгариш Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг боришига таъсир кўрсатишида ҳам номоён бўлмоқда.

Россия, Ўзбекистон бозорида монополист бўлиб (ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан ташқи олди-сотди алоқаларида деярли ярми), монопол баҳолар чиқариш имконига эга эди ва иқтисодий ишларни сиёсий босим учун ишлатарди. Россия корхоналари билан хўжалик алоқаларининг узилиши, пул бирлигининг бузилиши натижасида Ўзбекистонда саноат ишлари издан чиқди, чунки Россия бозори ишлаб чиқариши учун республика асосий хом ашё ресурсларини берар ва тайёр маҳсулотни қабул қилиб оларди. Ундан ташқари, Ўзбекистон учун дунёнинг пахта ва рангли металлар бозорида Қозоғистон билан рақобатлашиш жуда қийин, негаки халқаро денгиз линиялари, Европанинг темир йўллари ва автотранспорт магистралларига Ўзбекистон фақат Қозоғистон ва Россия транспорт инфратузилмаси орқали чиқиши мумкин эди.

Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон корхоналари орасидаги тўловлар муаммоси 1993 йилда юзага келиб, 90-йилларгача ҳаракатда бўлган ишлатилган Россия миллий валютаси билан бир томонлама бошқарилди. Бу Ўзбекистон билан Россия ўртасида олди-сотдини кескин пасайтирди, 1999 йилда 2,5 баробар, экспорт эса, 3,5 баробар камайди. Ўзбекистон иқтисодиётини уш-

лаб туриш учун Россия билан хўжалик ишлари бўйича махсус чоралар ишлаб чиқилди. Россия Президенти В Путиннинг Самарқандга 2003 йилдаги ташрифидан сўнг эса, Россия билан алоқалар давлат даражасидаги шартномалар тузилиб бошқарила бошланди, бу ҳақиқатдан ҳам миллий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи механизми бўлди.

Дарҳақиқат, 2000 йил май ойида Россия билан тузилган иқтисодий келишув маълум даражада икки томонлама кризисни енгишга ёрдам берди. Лекин шунга қарамай, Россия Ўзбекистон учун бу борадаги олди-сотдида асосий ҳамкор бўлиб қолади. Чунки Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатимиз икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилмалари билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаркатларини мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин Россия ҳукуматига раҳбар бўлган кезларидаёқ, Президент сифатида илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. 2003 йил 6 августдаги ташрифи унинг республикамизга учинчи ташрифидир. В. Путин ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил майидаги Россия сафарига давлат ташрифи мақоми берилган эди. Бундай самимият ва эътибор, икки давлатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши республиканинг хавфсизлик ва тинчлик учун курашишида кучли омил эканлигига яна бир далолатдир.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий алоқаларидан ҳам ҳамкорлик даражаси ҳақида аниқ тассавур ҳосил қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятлар даражасида эмас. Икки давлат иқтисодий салоҳиятини имкон қадар тўла ишга солиш мақсадида икки давлат савдо, иқтисодий ҳамкорлик муносабатини стратегик ҳамкорлик даражасига кўтариш, десак муболаға бўлмайди. Чунки Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ва ўхшаш, хавфсизликка таҳдид солувчи халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқдалар.

Бу ҳамкорлик нефть-газ соҳасида Россиянинг «Газпром» очиқ турдаги акционерлик жамияти билан «Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзолангач, янада кучайди. Унга кўра, Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қилинади. Бундан ташқари тўқимачилик, энергетика машинасозли-

ги, сув хўжалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлаш мумкин. Масалан, ҳозир (2003 йил) Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита эмас, балки учинчи давлат орқали олади. Шу боис пахтани ишбилармонларга тўғридан-тўғри сотиш учун қулай шарт-шароит яратиш Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига кўмак бўлади ва ташқи хавф-хатарни камайтиради. Ташқи омиллардан яна бири — бу, ғалла мустақиллиги туфайли эришилган ютуқдир. 1990-1991 йилларда республикамизда ўртача 940 минг тонна ғалла йиғиб олинарди, қолган қисми бошқа давлатлардан валюта ҳисобига келтириларди.

Ғалла мустақиллигини қўлга киритиш давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бирига айланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки собиқ тизим даврида қулай тупроқ-иқлим шароитига эга бўлсада, Ўзбекистонда ғаллачиликка етарли эътибор берилмас, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжи учун ғалла асосан четдан келтирилади. Бунинг устига, ҳосилдорлик ҳам жуда паст эди.

Ўша пайтларда юртимизда ғалла асосан лалмикор ерларга экиларди. Ҳолбуки, бундай майдонлардан ҳамиша ҳам кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди. Шу боис Президентимиз томонидан мамлакатимизда суғориладиган майдонларда кафолатланган ҳосилдорликни ошириш, дон етиштириш ҳажмини кўпайтириш, пировард натижада ғалла мустақиллигига эришиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда республикамиз бўйича 1 миллион 100 минг гектардан ортиқроқ суғориладиган майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилмоқда. Бу ўтган асрнинг 90-йилларидагига қараганда беш баробар кўпдир. Ўша пайтда ҳосилдорлик ўртача 22,2 центнерни ташкил этган бўлса, ҳозир 44 центренерга етди. 2003 йилда ялпи ҳосил ўша вақтдагига нисбатан 5,7 баровар, давлатга дон сотиш ҳажми 16,9 баробар ўсди ва илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, ғаллачилик соҳасида тарихий маррага эришилди.

2003 йилги мавсумда республикамиз бўйича суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртачадан 44 центенердан, Андижон вилоятида 75,1, Самарқанд вилоятидан 53,2, Наманган ва Фарғона вилоятларида қарийб 50 центенердан ҳосил олинди, қашқадарёлик ғаллакорлар энг кўп — 700 минг тоннадан ортиқроқ ғалла етказиб берди. Бундай кўтуқларга эришишда ғаллачиликда меҳнатдан манфаатдорликни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда,

қарийб 2,3 миллион тонна ғалла оилавий пудратчи ва фермерларга бўлиб берилди. Бу муваффаққиятлар, аввало, қишлоқ хўжалигида ислоҳатлар изчил амалга оширилаётгани, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани, энг муҳими, деҳқонларимиз дон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидокарона меҳнат қилаётгани туфайли иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасидир.

11.2. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигининг мониторинг модели ва давлатнинг геосиёсий жойлашуви

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини, аввало, миллий манфаатлар ва давлат суверенитетини янада мустаҳкамлашга таянган ҳолда олиб бормоқда. Республика давлат ва ҳалқ манфатларини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва давлатлараро тузилмаларга кириши ёки улардан ажраб чиқиши мумкин.

Ташқи иқтисодий сиёсатга қуйидаги тамойиллар асос қилиниб олинган: мафкуравий курашдан қатъи назар, ташқи муносабатларда очиқлик; тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; тўла ишонч негизида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; миллий давлат манфаатларини ҳар тарафлама ҳисобга олиш; умумэътироф қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки бир қанча йирик давлатларо лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, минтақалараро муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий хавфсизлик мониторинги модели ва унда давлатнинг геосиёсий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда амал қилиш имконини беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви, иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий негизлари яратилган. Ўзбекистоннинг мустақил ва суверен давлат сифатида ер юзининг 180 дан ортиқ мамлакати тан олди, 100 дан ортиқ мамлакатлар билан дипламатик муносабатлар ўрнатилди.

Республикада чет эл инвестицияси киритлган 3300 дан кўпроқ қўшма корхона рўйхатга олинган.

Валюта-кридит муносабатлари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланмокда, хорижий валюта билан операциялар ўтказиш ваколатини олган банклар кучаймокда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бундай банкларнинг энг бақувватидир.

Ўзбекистонга қўшни давлатларга иқтисодий боғлиқ. Чунки мамлакат Давлат халқаро транспорт магистралларига чиқадиган йўллари йўқ, яъни геосиёсий жойлашувига тақалади. Бундай ҳолларни бартараф қилиш мониторинг модели ишлаб чиқилган ва унинг амалиёти «Трасеха» лойиҳаси, Афғонистон орқали (Термиз - Хирот) Эрон бандоргоҳларига чиқилишини таъминлайди.

Мамлакатимиз Осиёни Европа билан боғлаб турувчи муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақада жойлашган. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан коммуникация ва транспорт, жумладан, темир йўл соҳасини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмокда.

Биргина 2003 йилнинг биринчи ярмида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциодорлик компанияси орқали миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юклари жўнатилди ва 7,6 миллион йўловчи ташилди. Йўловчи ташиш ҳажмини ошириш учун Тошкент-Самарқанд йўналишида тезюрар электр поездлари, Андижон-Саротов ва Тошкент-Харькав йўналишида халқаро йўловчи ташиш поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида темир йўл транспортини янада ривожлантириш мақсадида Навоий-Мискан-Нукус темир йўли ишга туширилди, Тошсоқа пасёлкаси яқинида Амударё устидан автомобиль ва темир йўл кўприги қурилди. Бу эса, республиканинг янги шимолий қисмдан хорижий давлатларга чиқишини таъминлайди.

Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларини иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш, республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини янада тараққий эттириш мақсадида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг янги линияси қурилишини жадаллаштириш ва келажакда Тошкент – Мозори Шариф, Хирот ва Эрон бандаргоҳлари орқали Ҳинд океанига чиқиш имконияти яратилади.

Кейинги ташқи омиллардан бири – бу, дунё бозори конъюнктураси ўзгаришининг таъсиридир. Ҳомашё баҳосининг ўзгариб туриши, ҳомашё бозори сиғими экспортдан келадиган фойданинг умумий даражасига таъсир кўрсатиши ички маҳсулотлар ҳажмида ҳам номоён бўлади. Чунончи, кейинги уч йил мобайнида ҳомашё баҳосининг пасайиши ва БМТ давлатлари экспорти барьерларининг кирритилиши республикада аҳволни янада кескинлаштирди. Шунинг учун мамлакатимизда маркетинг тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмокда. Бу, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали

маҳаллий бозорларда ўзаро рақобат курашини самарали шакллантиришда яққол ифодасини топмоқда.

Бугун кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, бозорнинг маҳаллий рақобатбардош маҳсулот билан таъминланганлик даражаси ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, товар сифати ошишига, хизмат кўрсатиш турларининг ранг-баранг ва сифатли ташкил этилишига, ниҳоят, нарх-навонинг бозордаги талабга мувофиқ шакллантирилишига олиб келмоқда. Шу тариқа иқтисодий хавфсизлик ички бозордагина эмас, балки ташқи омил — жаҳон бозорида ҳам ўз ўрни ва доимий харидорини топмоқда. Бу эса мустақил Ўзбекисоннинг халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллашига имкон яратмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маркетинг мустақил республикамиз иқтисодиётини замон талабларига мос равишда ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга ва унинг иқтисодиётини ташқи хавфлардан ҳимоя қилади.

Мустақил республикамиз дунё бозорида экспортбоп маҳсулотлари билан муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Умид қиламизки, замонавий маркетинг тизимини янада ривожлантириш орқали ташқи хавф омилларини бартараф қилиб, яқин келажакда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси туширилган юқори сифатли маҳсулотлар нафақат қўшни Осиё ва яқин Европа мамлакатлари бозорларини, балки Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари, қолаверса, океан ортида жойлашган Шимолий Америка қитъаси бозорларини ҳам эгаллайди рақобатбардошлиги билан алоҳида эътиборга сазовар бўлади.

Шундай қилиб, давлатнинг миллий хавфсизлигига, мустақиллигига хавф солувчи бир нечта реакция турлари ажратилган:

- пассив — иқтисодий автономликнинг йўқотилиши ва эркин иқтисодий сиёсатдан воз кечиш;
- агрессив — фақат сақлаб қолиш бўлибгина қолмай, балки ташқи иқтисодий ҳаракат доирасига чиқиш;
- конструктив — биргаликда иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, боғлиқликни минималлаштиришга уриниш.

Бу борада Ўзбекистон конструктив иқтисодий сиёсатни қўллаши зарур. Албатта, иқтисодиётнинг хавфсизлиги ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш лозим. Шу билан биргаликда, Ўзбекистоннинг географик жойлашувини эътиборга олиб, кучли давлатлар — Россия, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой билан иқтисодий интеграцияни ва сиёсий бошқарувни йўлга қўйиш муҳим. Бугуиги кунда ўз миллий ва иқтисодий хавфсизлигини ёлғиз ўзи таъминлай оладиган бирон бир давлат ёки ҳарбий-сиёсий гуруҳ йўқ.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект ҳуқуқини амалга ошира бориб, бир қанча етакчи халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо қилиб қабул қилинди (1992 йил 2 март). 1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди ва ўз фаолиятини бошлади, БМТ ҳузурида (Нью-Йоркда) ҳам Ўзбекистон ваколатхонаси ишлай бошлади.

Ўзбекистон БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқаларга аъзодир.

Республика жуда кўп халқаро ташкилотлар, чунончи, Ўзбекистон Жаҳон почта уюшмаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси, Осий-Тинч океани хавзаси бўйича Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш, Халқаро меҳнат ташкилоти, халқаро валюта фонди, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа иқтисодий хамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантик ҳамкорлик Кенгаши, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қўшилмаслик ҳаракати, Божхоналар ҳамкорлиги Кенгаши, Халқаро олимпия қўмитаси, Жаҳон материология ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Халқаро автомабиллар уюшмаси ва ҳакозалар таркибига киради.

Бундан ташқари Ўзбекистон бир қанча халқаро битим ва конвенцияларига қўшилган. Улар орасида Монреал протоколи (1993 йил 18 май), Отроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни таъқиқловчи конвенция (1993 йил 26 май), Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома (1993 йил 4 октябрь) бор.

Ўзбекистонда кўплаб халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, шу жумладан, БМТнинг коуоқлар иши бўйича Олий комиссари, Халқаро валюта фонди, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишларини мувофиқлаштирувчи Жаҳон озиқ-овқат жамғармаси, Норкотик моддалар устидан назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармасининг ваколатхоналари очилган.

Республикада йирик халқаро учрашувлар, семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиб турилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги мониторинг моделини рўёбга чиқариш ва геологик жойлашувидан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Қисқача хулосалар

Республикада иқтисодий хавфсизликнинг ташқи омиллари ҳақида тушунча, ғалла ва нефть мустақиллиги мазмуни билан бир қаторда Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлик мониторинг модели ва давлатнинг геосиёсий жойлашувига кўра, Ўзбекситон халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект ҳуқуқини амалга оширa бориб, бир қанча етакчи халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб, миллий хавфсизлигини ҳамкорлик асосида таъминлай олиши баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Республика иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи ташқи омиллар деганда нималарни тушинасиз?
2. Ўзбекистонни геосиёсий жойлашувини қандай ифодалайсиз?
3. Ташқи хавфсизлик омилларига давлатни маниторинг моделлари қандай таъсир кўрсатади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчилик учун курашмоқ керак. -Т.: «Ўзбекистон», 2002.
2. Н.Тўхлиев, А.Кременцова Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., 2002.
3. А.Э.Ишмуҳамедов, Л.И.Шибаршова. Интеграция в мировую экономику. -Т., ТГЭУ, 2000.

XII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

12.1. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати

Ўзбекистон босқичма-босқич амалга ошираётган янгиланиш ва тараққиёт йўлининг стратегияси барқарор ривожланиш учун шароит яратиб берди ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди. Ўзбекистон ўз суверенитетини таъминлай оладиган ва дунё ҳамжамиятида, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятида муносиб ўрин эгаллай оладиган давлатдир.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши, ислоҳотлар стратегияси демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти бўлиб, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Бу сиёсатнинг амалий ижроси 2002 йил натижаларида яққол кўринади. Чунончи, 2002 йили давлат бюджети тақчиллиги ЯИМ ҳажмига нисбатан 0,8 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасида ижобий қолдиқ таъминланди. Инфляция даражаси бирмунча пасайди ва унинг ўртача ойлик миқдори 2001 йилги 2,0 фоиздан 1,6 фоизга тушди.

Кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича тадбирлар амалга оширилди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини яратиш натижасида иқтисодиётнинг мазкур сектори янада мустаҳкамланди ва ривожланди.

2002 йилда 47,2 мингта микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар барпо этилди ва 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 239,5 мингтани ташкил этди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 369,3 мингта янги иш ўринлари яратилди ёки ишга туширилган иш ўринларининг умумий сони 84,6%ни ташкил қилди.

Кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ЯИМнинг 34,6%и, саноат маҳсулотларининг 14,1%и, ишлаб чиқарилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 76,4 фоизи етиштирилди, аҳолига пуллик хизматнинг 41,3 фоизи кўрсатилди.

Мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, изчил шакллантириш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг энг муҳим стратегик вазифаси ҳисобланади. Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билангина эмас; айни вақтда кичик ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш ёрдамида ҳам ҳақиқий ўрта мулкдорларнинг кучли қатлами шакллантирилди.

Кичик бизнес ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан мўл-кўл таъминлашнинг, айниқса, ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган қишлоқ жойларида янги иш ўринлари барпо этишнинг энг муҳим омилидир. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиши лозим бўлган ҳуқуқий ислоҳотнинг биринчи босқичида мулк, рақобат ва эркин тадбиркорлик тўғрисида қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Масалан, 2003 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиқди. Бу ҳужжат бозор муносабатлари сари туб бурилиш рўй берганини, иқтисодий ислоҳотларнинг янги, янада юқори босқичи бошланганини англатади. Иқтисодиёт орқага кетишининг тўхтатилиши, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаги энг муҳим натижалардан бири бўлди.

Ислоҳотлар стратегиясини белгилашда Ўзбекистон ҳукумати мулкчилик масалалари ҳал этилиб, кўп укладли иқтисодиёт шаклланган, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш изчил амалга оширилган тақдирдагина ислоҳотлар кўнгилдаги натижани беради, иқтисодий хавфсизликни таъминлайди, деган фикрга асосланади.

Банк тизими шакллантирилди. Давлат моддий-техника таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Универсал ва ихтисослаштирилган товар хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари ривожлантирилди. Холдинг ва лизинг компаниялари, суғурта ва аудиторлик муассасалари, юридик уюшмалар, бозор иқтисодиёти мутахассисликлари тайёрловчи марказлар пайдо бўлди.

Республика иқтисодиётининг нодавлат сектори жадал ривожланиб бормоқда. Биргина 2002 йилда мамлакатмизда ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш натижасида ишлаб чиқаришнинг барқарор ва муносиб ҳолда ўсишига эришилди, инфляция даражасининг пасайиши, хусусийлаштириш ҳамда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ролини кучайтиришга эришилди.

ЯИМ ишлаб чиқариш 2002 йилда 2001 йилдагига нисбатан 4,2%га ортди, саноат маҳсулотлари — 8,5%га, истеъмол то-

варлари — 11,8%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 6,1%га, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш эса 8,3 %га ўсди. Шарт-шароитлар ва ташкилий тузилмалари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес фонд, «Мадад» суғурта агентлиги тузилди, кенг тармоқли консалтинг, инженеринг ҳамда лизинг фирмалари ва компаниялари, бизнес-инкубаторларнинг ишлаб туриши иқтисодий хавфсизлик тизими фаолиятини мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатининг тўғрилигини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодий мустақилликка эришишининг, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим давлат стратегияси шартларидан бири қилиб қўйилди.

Таркибий сиёсат, аввало, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, технология циклининг тугалланганлик даражасини ошириш, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш муаммосини ҳал этишга қаратилган. Таркибий сиёсатни амалга оширишда импорт ўрнини боса оладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга алоҳида устуворлик берилмоқда. Бошқа илғор мамлакатлардан келтирилган маҳсулотларнинг юзлаб янги турлари, шу жумладан, бензин, кончилик саноати асбоб-ускуналари, қувур ишлаб чиқариш ускуналари, енгил автомобиллар, микроавтобуслар, мураккаб рўзғор техникаси, тола-оптик маҳсулотлар ва бошқа турдаги жуда тақчил товарларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Таркибий ўзгаришлар кўп жиҳатдан қурилиш-инвестиция сиёсати билан белгиланди. Ўзбекистонда маблағлар ва қарз олинган молия маблағларининг асосий қисми маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун база яратишга сарфланди. Шу тариқа автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги темир йўл ва автомобиль йўллари қурилди, шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилди, шунингдек, енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг модернизацияланган ўнлаб янги корхоналари барпо этилди.

Ўзбекистоннинг индустриал қудрати асосий шаҳарлар — Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида тўпланган. Эндиликда бошқа жойларда ҳам инвестиция лойиҳалари амалга оширила бошланди, натижада, иқтисодиётнинг ҳудудий жойлашуви ва хавфсизлиги такомиллашиб бормоқда.

Республиканинг айрим тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларини устувор даражада ривожлантириш ҳамда уларни давлат йўли билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва тузилмавий қайта қуриш учун ҳақиқий шарт-шароитларни яратиш лозим. Стратегик аҳамиятга эга бўлган субъектларни давлат тасарруфига ўтказишдек ишни рўёбга чиқариш, нефть мустақиллигига эришиш ва қишлоқ хўжалигида 2003 йилда ғалладан мили кўрилмаган даражада, яъни, 5 млн. 100 минг тонна ёки 1991 йилдагига нисбатан бир неча бор кўп ҳосил олинганлиги, барқарор иқтисодий ривожланиш теденцияси давом этаётгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланаётгани, тўлов интизоми ошгани, умуман, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мустаҳкамлангани қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини, 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида:

- ЯИМ 103,8, саноат маҳсулотларининг 105,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 103,8 ва пуллик хизматлар ҳажмининг 104,4% ўсишига эришилди;

- пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар инфляция суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, у биринчи ярм йилда 2002 йилдаги 14,4%дан 4,2%га камайди;

- 2003 йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами капитали 32%га кўпайди, кредитларнинг қайтарилиши яхшиланди, банк тизимига ишонч ошди — аҳолининг депозит ҳисоб рақамларидаги омонатлари 44%га кўпайди;

- валюта сиёсатини янада эркинлаштириш соҳасида жиддий силжишга, валюта алмашув курслари унификациясига амалда эришилди, биржадан ташқари ва параллел валюта бозорлари курслари ўртасидаги тафовут бартараф этилди ва эркин сотилмоқда;

- 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори айланмаси ярим йил мобайнида 1,5 баробардан ошди;

- 2003 йилда янгидан 27,7 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилди, бунинг натижасида 211,4 мингта янги иш ўринлар ташкил этилди. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 104,6 млрд. сўм, шу жумладан, ўз ишини янгидан бошлаётган тадбиркорлар учун бошланғич сармояга 1,7 сўм йўналтирилди. Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта тадбиркорлик

улушига ЯИМнинг 34%и тўғри келмоқ, иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 56%и ушбу секторда меҳнат қилмоқда;

- ташқи савдо фаолиятида ижобий силжишлар рўй бермоқда – ташқи савдо айланмаси ярим йиллик мобайнида қарийб 23%га, шу жумладан, экспорт 41%га ўсди, тайёр маҳсулотлар экспорти 1,6 баробар кўпайди. Ташқи савдода 530 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди;

- фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш таъминланмоқда. 2003 йилнинг биринчи ярмида зарар кўриб ишлаган 178та қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида 11 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича ҳисоб-китоб юритиш тизими ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тузилмаси такомиллаштирилмоқда;

- иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгаришлар инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига чуқурлашди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 2,8%га ўсди. Барча инвестицияларнинг 60%идан кўпроғи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. 2003 йилнинг ярим йиллиги мобайнида 200 млн. АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2002 йилдагига нисбатан 1,9 баробар кўпайди.

Шу билан бирга, якунлар ва давлат сиёсати таҳлили ҳали ҳам кўпгина заҳиралар ҳамда имкониятлардан ва энг аввало, яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўғри фойдаланилмаётганлигини кўрсатмада, хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни суст бормоқда.

Корхоналар томонидан ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг давлат дастурларини бажариш ишлари етарли суръатларда олиб борилмаяпти. Масалан, 2003 йилнинг ўтган ярим йиллиги мобайнида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида атига 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида 4 та, Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилди. Ушбу иш Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида суст олиб борилмоқда.

Республикада ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Бу йўналишлар республиканинг барча минтақаларида маҳаллий хом ашёдан буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги тайёр маҳсулот (тикувчилик, трикотаж ва пойабзал) ишлаб чиқаришда ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил

этиш ҳисобига истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қабул қилинган дастурлар бажарилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ва амалга оширишни тақозо этади.

Шундай қилиб, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасида умумдавлат сиёсати қуйидагиларни кўзда тутади:

- жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва ролини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасида иқтисодий тизимнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- иқтисодий ҳавфсизликка ички ва ташқи таҳдидни аниқлаш ва баҳолаш;
- иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш, қонун чиқарувчи базани вужудга келтириш ва шакллантириш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг барқарор ва мустаҳкам ривожланишига, халқаро ташкилотларда фаол иштирок этиши, жаҳон ва минтақа ҳавфсизлик интеграциясига, давлатлараро мустаҳкам алоқа ва ҳамкорликни ташкил этишга боғлиқ.

Ўзбекистон БМТ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ва бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда ва обрўли сиёсий институтлар сиёсий майдонларида иштирок этиш доирасини кенгайтирмоқчи; Ўзбекистон Умумевропа жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир-бирига мослашиш имкониятини берувчи икки томонлама ҳамкорлик чуқурлаштирилмоқда.

Янги индустриал ривожланган давлатлар ва Осиё-Тинч океани минтақасининг халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик чет эл инвестициялари ва замонавий технологияларга кенг йўл очиб бериш учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ушбу ташкилотларнинг эътиборини Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш муаммосига қаратиш, минтақанинг мустаҳкам ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

12.2. Иқтисодий хавфсизликни таъминловчи омиллар таҳлили

Ўзбекистонда борган сари иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, бозор муносабатлари асосида янги, мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш жараёнлари тезлашмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий тамойилда ўз аксини топган бўлиб, бозор иқтисодиётига сиёсий ва ижтимоий ларзаларсиз, босқичма-босқич тараққиётни таъминлаш орқали ўтишни назарда тутади.

Бу йўл МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтиш даврининг ўзидаёқ иқтисодий барқарорликни таъминлабгина қолмай, мамлакатни иқтисодий ўсиш сари олиб чиқмоқда, келгусида халқ хўжалигини янада жадалроқ ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади. Айнан шу сабабли тараққиётнинг «Ўзбекистон модели», «Ўзбекистон йўли», «Ўзбек фенамени» деган тушунчалар пайдо бўлди.

Шунинг учун ҳам ушбу бобда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг энг муҳим омиллари, механизмлари билан батафсилроқ таҳлиллар асосида яқиндан таништиришни ва улар иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқлигини кўрсатишни мақсад қилиб қўйдик. Юқорида қайд этилганидек, мамлакатмизнинг беқиёс меҳнат, табиат ва ишлаб чиқариш ресурсларини, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан ва техника, экспорт салоҳияти, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳалари, шу билан бирга, бу тармоқлардаги айрим муаммолар ва уларнинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Халқ хўжалигидаги айрим тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини устун даражада ривожлантириш ҳамда уларни давлат йўли билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳаётида туб, мазмунли ўзгаришлар амалга оширилмоқда, иқтисодиётимиз ривожланмоқда ва иқтисодий хавфсизлигимиз таъминланмоқда. Келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг муҳим стратегик корхона, хомашё ресурслари негизида яратилган Олмалиқ, Навоий кон-металлургия комбинатлари, нефть мустақилигини таъминлаган «Кўкдумалоқ» ва бошқа нефть-конденсат конлари ўзлаштирилганлиги мустақил ривожланиш йўлидаги иқтисодий хавфларни бартараф қилмоқда.

Бозор иқтисодиётига асосланган мустақил мамлакатимиз жадал ривожланишида ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган уран, олтин, мис, қўрғошин, табиий газ ва бошқа хомашёлар олиб чиқиб кетилишига барҳам берилиши порлоқ келажагимизни таъминлай оладиган йўл бозор усули эканлигини, биз учун бошқа иқтисодий тизим, усул йўқлигини кўрсатмоқда.

«Ресурслар тақчиллиги — эҳтиёжларнинг поёнсизлиги» муаммоси инсониятни доимо ўйлантириб келган. Бу муаммони ҳал қилиш учун инсон бозор усулини танлаган ва уни энг мақбул усул деб билган.

Маълумки, жамият ихтиёридаги ишлаб чиқариш имкониятлари, меҳнат ресурслари, турли маблағлар, табиий бойликлар ер каби бепоён эмас чегараланган. Бу ушбу ресурслардан фойдаланишга, уларни жойлаштиришга оқилона ёндашувни талаб этади. Мустақилликнинг дастлабки кунидан стратегик объектларни мустақил Ўзбекистон тасарруфига олишга киришилди. Тошкентдаги В.П.Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, бошқа машинасозлик корхоналари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия, Бекобод металлургия комбинатлари, шахта, рудник ва карьерларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш каби муҳим вазифалар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, маълум тармоқлар тезроқ тараққий этиб, бир хилдаги товар ишлаб чиқариш кўпайтирилса, демак, бунга кўпроқ ресурслар жалб қилинмайди ҳамда шунга кўра қолганларига кам ресурс сарфлаш зарурияти туғилади. Бунда муқобил танлаш муаммоси туғилади. Бу муаммолар, айниқса, собиқ СССР марказий вазирликларига қарашли муҳим стратегик корхоналарга тааллуқлидир. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) собиқ СССР ўрта машинасозлик вазирлиги қаноти остида, ягона илмий-техника, молия, иқтисодий ва кадрлар сиёсати бўйича унинг тасарруфида бўлган. Собиқ тузим тугатилиши билан ушбу комбинатнинг марказга боғлиқлиги ҳам барҳам топди, 1992 йилнинг охирида корхонанинг банк тўловлари тўхтатилди. Шунингдек, асосий маҳсулот бўлмиш уранга талаб кескин камайди ва уни ишлаб чиқариш пасайди. Мурунтов тилла конида ишлайдиган улкан 110 тонали «БелАЗ» сони икки баробар камайди ва тоғ жинсларини ишлаб чиқариш ҳажми 1993 йилга келиб, 30%га қисқарди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати муҳим стратегик объектларни ўз тасарруфига олиш мақсадида 1991 йил 1 октябрда «Қизилқумредметзолото» давлат концернини ташкил қилди ва унга маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва машина ускуналарини сотиб олиш ҳуқуқи берилди, шу жумладан, хорижий давлатлар билан уран маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса НКМКда қолдирилиши ушбу стратегик муҳим корхоналар республика иқтисодиётида ўрнини топиши иқтисодий хавфсизликни таъминлади ва энг муҳими, жамоани сақлаб қолиш имконини берди.

Республикада топилган конлар асосида Олмалиқ кон-металлургия комбинати (ОКМК)да Ўзбекистон металлургия за-

водига (Бекабод) Ангрен кўмир карьерида, Муборак нефт-газ корхонасида ер ости хомашёни қазиб олиш, бойитиш ва иккиламчи металлни (лом) қайта ишлаш йўлга қўйилди. Асосан, Ангрен-Олмалиқ кон саноати ҳудудида жойлашган рангли металлургия мис, қўрғошин, олтин, кумуш, каолин, шунингдек, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металларни ўз ичига олади. Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати собиқ СССРда бу тармоқнинг энг йирик корхонаси эди. Ўзбекистон тасарруфига олингандан сўнг, у республика иқтисодиётига ўз улушини қўшиб келмоқда. Республикада аниқланган волфрам ва молибден негизида Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ишлаб турибди.

Конларнинг фойдаланишга топширилиши айрим ҳудудлар иқтисодиётини ўзгатириб, иқтисодий хавфсизликни таъминлади. Бунёд этилган Зарафшон, Учқудуқ, Муборак, Олмалиқ, Навоий ва Ангрен шаҳарлари эса тоғ ва саҳроларни ўзлаштиришда асосий омил бўлди. Ҳозирги даврга келиб, аниқланган миллий бойликлар манбалари асосида қурилган замонавий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида камёб ҳисобланади. Улар экспортни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳамда мамлакат валюта заҳирасини тўлдиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Келажакда республика минерал хомашёларининг асосий турларига, улардан тайёрланадиган маҳсулотларга талаб бир неча боробар ошади. Агар уларни республикада ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилмаса, ташқаридан валюта ҳисобига ташиб келиш лозим бўлади. Бу эса катта сарф-харажатни талаб қилади.

Муҳим стратегик объектлар Ўзбекистон тасарруфига олинганидан кейин, бу корхоналар жаҳоннинг кўп давлатлари билан иқтисодий алоқаларга киришди: АҚШ, Канададан то Австралия ва Япониягача. Жаҳонда машҳур фирмалар - «Ньюмонт», «Марубен», «Мицусиси», «Бриджстоун», «Катерпиллер», «Шеел», «Спектор аналитика инструментов», «Нукем», «Ниссан иваи», «Газпрам» ва бошқалар билан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик ўрнатди. «Зарафшон-Нюмонт» корхонаси Мурунтов карери чиқиндиаридан биринчи бор 100 тонна олтин ишлаб чиқарди. Россиянинг «Газпрам»и эса таббий газни экспорт қилишда иштирок этмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати —стратегик аҳамиятга эга кўп тармоқли корхона бўлиб, унда кўпдан-кўп заргарлик буюмлари, сайқалланган мармар плиталар, машинасозлик, таъмир-механика заводлари маҳсулотлари, халқ истеъмоли молла-

рига мамлакатимиз эмас, балки бир қатор чет элларда ҳали харидорлари кўп. Бир сўз билан айтганда, йиллик маҳсулот ҳажми қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимларнинг ижодий ташаббуслари, ўз кучлари ва хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорликда амалга ошираётган илмий-тадқиқот ишлари, алоҳида таҳсинга лойиқ. Маасалан, Мурунтовда руда қазиб олиш жараёни кампьютерлар ёрдамида бошқарилаяпти. Шунинг ўзиёқ 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча даромад келтираётир. Конларнинг заҳираси ва руда таркиби бойлигини аниқлашда кампьютер технологиясига асосланган математик ҳисоб-китоблар тизими эса жаҳонда ўхшаши йўқ лойиҳа. Унинг жорий этилиши ҳисобига рудадан фойда олиш даражаси 15-17 фоиз ортди. Мурунтов конида ундан фойдаланишнинг иқтисодий самараси эса 150 миллион долларга ошди.

Комбинат раҳбарининг минтақа аҳолиси турмуш даражасини кўтариш ва барқарорлаштиришга қаратилган тадбирлари ҳам диққатга сазовор. Кархонанинг ишлаб чиқариш кучлари мамлакатимиздаги 5 та вилоят худудида жойлашган бўлиб, минтақадаги кўплаб ахоли уларда иш билан банд.

Комбинатнинг ўзида 60 минг киши ишлаяпти. Уларга яратилган шарт-шароитларга ҳавас қилса арзигулик. Хусусан, ижтимоий соҳага йилига 80 миллион АҚШ долларидан ортиқ сарфланаётгани бу ерда эътибор юқорилигидан далолат беради. Шунингдек, комбинатда болалар спортини ривожлантиришга ҳам 543 миллион сўм амалий ёрдам кўрсатилди.

Элликдан зиёд миллат ва элатга мансуб жамоа эса эртанги кунга ишонч билан боқиб, Ватанимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлида қўлини-қўлига бериб меҳнат қилмоқда.

Американи «Евротейд интернейшнл ЛТД» фирмаси билан биргаликда бир йилда 4 тоннадан ортиқ маҳсулот чиқарадиган «Зарис парк» корхонаси ишга тушириди. 1996 йилдан бу корхона НКМК тасарруфига ўтди ва «Ювилерний завод» номи билан юқори сифатли, 685 пробали заргарлик буюмлари чиқармоқда.

Бундан ташқари республика тасарруфига олинган корхоналарда мармарни қайта ишлаш, трикотаж буюмлар ва халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Энг муҳими, Қизилқум фосфорит комбинати биринчи навбатида 300 минг тонна фосфорит уни ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Ўрта Осиё машинасозлик маҳсулотларининг 70 фоизи қисми Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун мустақилликнинг биринчи кунлари ушбу муҳим стратегик корхоналар республика тасарруфига олинган ва ҳозирги кунда кўп

тармоқли машинасозлик мажмуасида юздан ортиқ акциадорлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар йирик уюшмаларга, холдинг компаниялар ва молия-саноат гуруҳларига бирлашган. Бу корхоналар асосан қишлоқ хўжалиги ва аниқроғи, пахтачилик учун керакли машина ва ускуналарнинг тўла типларини ишлаб чиқармоқда. Эслатиб ўтиш керакки, дунёда фақат икки давлат – АҚШ ва Ўзбекистон пахтачилик учун ушбу турдаги машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаради.

Ҳозирги кунда машинасозлик мажмуи 15 тармоққа мансуб 100дан ортиқ корхоналардан иборат. Улар орасида трактторсозлик ва қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, пахта саноати, электротехника, самолётсозлик, автомобилсозлик саноатларининг салмоғи катта. Агар 1960 йилда республика машинасозлигида 22 номдаги асосий машина, механизм ва асбоблар ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда – 29, 1980 йилда – 39, 1997 йилда – 40 ва мустақилликнинг 12-йилида 50дан ортди.

Республикада мамлакатимиз учун янги бўлган автомобилсозлик, радио, электротехника ва телевизор каби саноат тармоқлари барпо этилди. Улар Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланишига катта ҳисса қўшмоқда. Мустақилликка эришилганидан сўнг атиги етти йил ўтар-ўтмас республикада Ўзбекистоннинг илк автомобиль заводи Асака шаҳрида иш бошлади. Корея мутахассислари ёрдамида йилига 200 минг машина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу завод 18 ойда бунёд этилганди. Шундан сўнг минглаб маҳаллий кадрлар чет эл корхоналарида малакаларини оширдилар. Улар эндиликда жаҳон талабларига жавоб берадиган енгил машиналар чиқармоқдалар.

Сифат ва кафолат давлатнинг асосий мезонидир МДҲ давлатлари орасида ягона Асака автомобил заводига нуфузли Бюро Веритас Кволити Интернейшл (Англия) эксперти томонидан кафолат ва сифат сертификати 3 йил муддатга берилди. «Нексия» машинаси 2002 йил натижасига кўра, Россия бозорларида импорт машиналари ўртасида биринчиликни олди. Энди эса Қозоғистон, Хитой ва бошқа давлатларнинг бозорларига кириб бормоқда.

2003 йилнинг биринчи ярмида заводда 18641та ўрнига 18824 та автомоби чиқарилди. Корхонанинг асосий кўрсаткичи сифат ва кафолат ҳисобланган учун унинг машиналарга талаб ички ва ташқи бозорда тобора ортиб бормоқда. Агар 2003 йилдан янги «NEXIA-DOHC» чиқарила бошланган бўлса, яқин кунларда ўрта синф автомобилнинг «седан» типидаги «LACETTI» модели Корея Республикасидан келтирилган эҳтиёт қисмлардан йиғила бошланади ва жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг ўрнини янада мустаҳкамлашгда асосий омил бўлади.

Қисқача хулосалар

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик тизими, Ўзбекистон Республикасида босқичма-босқич амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсати иқтисодий хавфсизликни таъминлашда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритилган. Стратегик муҳит: хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш; корхоналарни давлат тасарруфига ўтказиш; ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш ва чет эл сармояларини кўпайтириш омиллари таҳлил қилинган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат сиёсатининг иқтисодий хавфсизликка қандай алоқаси бор?
2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда бу борадаги энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбир нималардан иборат?
3. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил авто машиналар жаҳон бозорида қайси жиҳатлари билан ном таратмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устивор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. «Ҳамкор», 2003й., 24 июль.
2. Возженико Н.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. – Москва, НПО «Модуль», 2000.
3. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. – Т., ТГЭУ, 2000.

III БЎЛИМ.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАМИНЛАШ УСТУВОРЛИКЛАРИ

XIII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ УСТУНЛИКЛАРИ

13.1. Мамлакат миллий устунликларини аниқлашда методик ёндашувлар

Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги кундалик ҳаётнинг барча соҳалардаги масалалар билан чамбарчас боғликдир. Шунинг учун ҳам иқтисодий хавфсизликни таъминлашда методологик устунликларнинг асосини иқтисодий стратегия деб аташ мумкин.

Стратегик устуворликларга қуйидагилар киради:

- замонавий технологияга асосланган, самарали ишлаб чиқариш сиёсати;
- иқтисодиётнинг асосий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми;
- молиявий-бюджет сиёсати;
- ижтимоий соҳа сиёсати;
- ташқи иқтисодий фаолият сиёсати ва бошқалар.

Замонавий технологияга асосланган, самарали ишлаб чиқариш сиёсати Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш, аввало, халқ хўжалигида капитал маблағларни ички ва ташқи инвестициялар ҳисобига ўзлаштириш ҳажмларини кўпайтириш, замонавий технология асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги, прогрессив ишлаб чиқаришни барпо этиш ва ишга тушириш йўли билан таъминланмоқда.

Базавий тармоқлар бир маромда барқарор ишламоқда. Нефть, газ конденсати, табиий газ қазиб олиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, электр энергия, кўмир, асл металлар ва бошқа стратегик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришишига асосан 1997 йилда «Кўкдумалоқ» нефть конденсат конида юқори босимда (50 атмос.) газни нефть конларига ҳайдовчи компрессорлар, Бухорода энг замонавий технология асосида 2,5 млн тонна газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга завод ишга туширилиши, Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводида замонавий технологияга асосланган самарали ишлаб чиқаришнинг жорий этилиши сабаб бўлди.

2003 йилда ғаллачиликда улкан қалабага эришилди: 5 миллион 100 минг тонна ғалла олинди. Бу 1991 йилдагига қараганда беш баробар кўпдир. ғаллачиликдаги ютуқларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 декабрдаги «Андижон вилоятида бошоқли дон-экинлари тўғрисида»ги қарорида алоҳида аҳамият касб этаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ Андижон вилояти зиммасига Қорақилпоғистон Республикаси ва вилоятларни сифатли уруғлик билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Қисқа муддатда бу ерда саккизта корхона Германиянинг «Петкурс» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, уруғликни тозалаб, саралаб, дорилаб, қадақлаб бериш имконияти яратилди.

Сўнгги йилларда замонавий технология ва уруғлик асосида андижонликлар юқори ҳосил етиштиришда ўрнак бўлди. Улар 2003 йилда гектаридан ўртача 75,1 центнердан дон йиғиштириб олдилар. Шунингдек, ҳар гектар ғаллазор ҳисобига самаркандликлар 53,2, фарғоналиклар ва наманганликлар қарийб 50 центнердан хирмон кўтардилар.

Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми тўғрилигини хаётнинг ўзи тасдиқлаб тарибди. Устувор тармоқларнинг тўғри белгиланиши илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турлари кўпроқ ишлаб чиқарилишини таъминлаш билан бирга, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини ҳам такомиллаштиради, айни вақтда бутун халқ хўжалигини олға силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига хос лакоматив ролини бажаради. Саноат асосий тармоқаларининг жадал ривожлантирилаётгани, иқтисодий салоҳияти, импортнинг ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга куч берилаётгани, бозорлар халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилаётгани ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари ривожлантирилаётгани, аграр соҳага катта эътибор қаратилаётгани, ташқи иқтисодий фаолият кучайтирилаётгани ва шу каби ишлар бошқа устувор йўналишлар жумласига киради ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари улуши 60 фоизга етди. Бу эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий кўрсаткичларини оширишга имкон беради.

Иқтисодий ўсишни, барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини таъминлаш даражасини ошириш ислоҳатларнинг энг муҳим стратегик вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Иқтисодиётнинг юксалиш пойдевори иқтисодиётаркибини

аниқ-равшан янгилаш, унинг бир ёқлама — хом ашёвий йўналишидан воз кечиш, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш заминига қурилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳатлар стратегиясини белгилашда ўтиш даврининг бошларида давлатимиз раҳбари илгари сурган беш тамойил — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳатчи бўлиши, қонун устуворлиги, фаол ижтимоий сиёсат ва бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш асос қилиб олинган эди. Ўтган давр, гарчи тарихан қисқа бўлсада, ислоҳатларни амалга ошириш бўйича белгиланган стратегик вазифаларнинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

13.2. Миллий устуворликлар, уларнинг келиб чиқиши ва классификацияси

Биз ислоҳотлар стратегияси ва йўлини шакллантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бу, амалга оширилаётган туб ўзгаришлар бошланғич босқичининг асосий натижасидир.

Бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Бу, ғоят масъулиятли ва мураккаб жиҳат. Умумий стратегияга эга бўлмай туриб, пировард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислоҳотларнинг таъсирчан чора-тадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида истиқлолнинг ўтган ўн икки йили мобайнида эришилган ютуқларга баҳо бериб, дадил айтиш мумкинки, 1992 йил 8 декабрда Конституция қабул қилинганлиги янги миллий давлатчилигимиз устувор асосини барпо этишнинг, барча соҳаларни чуқур ислоҳ қилишнинг энг муҳим устувор шарти бўлди.

Конституциянинг асосий, энг муҳим аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди ва ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик жамият барпо этишнинг ишончли ҳақиқий пойдеворини яратади.

Қонунларимиз конституциявий қоидаларни ривожлантириб бориб, жамиятни юксалтиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва қабул қилинмоқда.

Ислоҳатларни ўз вақтида ишончли тарзда ҳуқуқий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бош вазифасидир. Шу боис Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари жумласига: республика Конституцияси ва қонунларини қабул

қилиш; Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; республика бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш; Олий Мажлисга ҳисоб бериб турадиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти органларини тузиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш; давлат мукофатлари ва унвонларини тасис этиш кабилар киради.

Маълумки, фақат қонунлар қабул қилинганидан кейингина жамият ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилишнинг ишончли ҳуқуқий механизмига эга бўлади. Қонун юз бераётган ўзгаришларнинг муқаррарлигини кафолатлайдиган, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар адолатли тусда бўлишини таъминлайдиган универсал куч ҳисобланади.

Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устуворликларидан яна бири ўтмишдаги режали тизимдан бозор тизимига қаратилганидир. Бозор тизимининг афзаллиги шундаки, улар мустақил иқтисодий ўсишни ва шу асосда фаровон ҳаёт кечиришни таъминлайди. Бу тарихий тажрибаларда тасдиқланган. Шу сабабли ер юзида 200 дан ортиқ мамлакат бозор иқтисодиёти йўлини танлаган. Азалдан шу йўлдан борган мамлакатлар ғоят юксак иқтисод ва турмуш даражасига эришдилар. Ҳозир ер юзида яратилган маҳсулот ва хизматлар қийматининг 80 фоизи дунёдаги энг ривожланган 24 мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Бу мамлакатларда жон бошига йиллик ишлаб чиқариш 24 минг долларликни, истеъмол эса, 19,5 минг долларликни ташкил этади. Бу бозор иқтисодиётининг сўзсиз афзаллигидан, у республикамиз учун ҳам устувор тараққиёт йўли эканлигидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти афзалликлари асосида, албатта, хусусий мулкчилик ётади. У энг кўҳна мулкчилик бўлиб, ота-боболаримиз уни азалдан эъзозлаб келишган. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Ўзбекистон биринчилар қаторида хусусий мулкни қонун асосида эътироф этди. Бундан 12 йил олдин қабул қилинган Ўзбеистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқарога мулк соҳиби бўлиш ҳуқуқи берилди. Унда «хусусий мулк бошқа мулклар қатори дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади» деб қайд этилган. Хусусий мулкка шароит яратиб бериш давлатнинг устувор сиёсати даражасига олиб чиқилди.

Дарҳақиқат, хусусий мулк инсон учун эркинликни ва фаровонликни кафолатлайди, чунки у мустақил даромад манбасини ҳосил этди, мулк ўз соҳибини ўзгаларга қарам қалмайди, унга иқтисодий мустақиллик беради.

Миллий устуворликлар, уларнинг келиб чиқиши ва синфлашни янги мулкдорлар турли йўл билан юзага келгани мисолида кўриш мумкин. Чунончи:

- биринчидан, хусусийлаштириш жараёнида давлат мулки хуссий мулкка айлантирилди, яъни фуқароларга сотилди;

- икинчидан, давлат корхоналари акционерлик жамиятларига айлантирилиб, уларнинг акцияси аҳолига сотилди, натижада корпоратив хусусий мулк пайдо бўлди;

- учинчидан, хусусий корхоналар ва фермер хўжаликларини янгидан ташкил этишга рухсат берилди;

- тўртинчидан, ширкат хўжаликларидаги мулкнинг асосий қисми пай мулкига айлантирилди, пайлар мулк сифатида деҳқонлар ўртасида бепул тақсимланди;

- бешинчидан, томорқа хўжаликлари деҳқон хўжаликларига айлантирилди, уларнинг эгалари мулкдор бўлиб қолдилар.

Лекин республикада корпоратив бошқарув усулларини мустаҳкамлаш бўйича ишлар аллақачон бошланганига қарамай, кутилган натижани бермаяпти. Акциядорлик компаниялари ижро органларининг кўпгина раҳбарлари фаолиятини баҳолашда ҳамон талабчанлик ва қатъият етишмаяпти. 2002 йилда олинган фойда микдорининг сезиларли даражада пасайишига йўл қўйган 379 та акциядорлик жамиятидан 345 таси ёки 91 фоизида ижро органлари раҳбарлари ўз мансаб лавозимида қолгани, фаолиятини зарар билан якунлаган 28 та жамиятдан 26 тасида ижрочи директорлар келгуси йили яна қайта сайлангани корпоратив бошқарувнинг заифлигини ва принципсизлигини яққол кўрсатиб турибди.

«Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» Узбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармонида қўйилган вазифаларни рўёбга чиқаришни таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилиши 2003 йилда мисли кўрилмаган — 5 млн. 100 минг тонна ғалла жамғариш имконини берди. Ҳозирги вақтда фермер хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмасига жиддий эътибор бериш устувор вазифалардан саналади. Ўзбекистон Ресиубликси Президентининг 2003 йил биринчи чорагида қабул қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари», (2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли) Фармони хусусийлаштириш жараёни ва хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини кучайтириш ҳамда «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги, (2003 йил 6 май-

даги ПФ-3240 сонли) Фармони айнан миллий устуворликларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Мазкур фармонларнинг асосий мазмуни ва устуворликлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш ва давлатнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги ролини кескин чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат тузилмаларининг сабабсиз аралашувларини бартараф этиш;

- хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва тезлаштириш, мамлакатда хусусий сектор, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривож топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хўжалик субъектларининг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини татибга солиш;

- хусусий механизмларни, шу жумладан, рақобатни ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни шартнома асосида шакллантиришга ёрдам берадиган механизмни кучайтириш, шартнома тузадиган тармоқларнинг ҳуқуқлари, ўзаро мажбурият ва масъулятларини аниқ белгилаб қўйиш ва ҳаказо устуворликларга синфлаш мумкин.

13.3. Миллий қадриятлар, устиворликлар ва мақсаднинг ўзаро боғлиқлиги

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда тараққиётнинг ўзига хос ажойиб йўлини танлади. Унинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуриш, халқнинг ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Озод ва обод Ватан, миллий қадриятлар, устуворликлар ва фаровон ҳаёт пировард мақсад этиб белгиланган.

Танланган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳияти – бу, миллий қадриятлар, устуворликлар ва мамлакат мадақсадлар ўзаро боғликлигига асосланган нормал, цивилизацияли тараққиётга сохта инқилобий сакрашлар,фожиявий оқибатлар ва кучли ижтимоий ларзаларсиз тадрижий йўл билан ўтишдир.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақилликка эришишдаги ўз йўли ва устуворликлари республика тараққиётининг ўзига хос шарт-шароитларини ва миллий қадриятларини ҳисобга олган, аввало, аҳолининг миллий-тарихий турмуш уклади, фикрлаш тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда диний «ислом омили»ни ҳисобга олиш муҳим роль ўйнайди. У турмуш тарзида, кишиларнинг руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятлари шаклланишида ва бу динга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлишишга интилишида ҳам кўзга ташланади.

Миллий қадриятнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — республикадаги ўзига хос демографик вазият. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 1887йилда атиги 3 948 минг киши бўлган бўлса, 1913 йилда 4 334, 1940 йилда 6 551, 1959 йилда 8 119, 1970 йилда 11 799, 1980 йилда 15 391, 1990 йилда 20 322, 2002 йилда 24 966 минг кишини ташкил қилди. Шу жумладан, меҳнат ресурслари 12 718 ва иқтисодий фаол аҳоли 9 173,5 минг кишини ташкил этди. 2001 йилда иқтисодий банд бўлганларнинг 24%и давлат ва 76 %и нодавлат мулк шаклларида хизмат қилганлар.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди тарихан қадимий савдо йўллари, Буюк ипак йўли ўтган, ташқи алоқалар фаоллашган ва турли маданиятлар ўзаро уйғунлашган ҳудуддир. Осиёнинг марказида жойлашган, ўзининг энергетика ва сув тизимлари, автомобиль, темир ва ҳаво йўллари билан кўп масалаларда боғловчи бўғин вазифасини ўтаб, хорижий мамлакатлар билан алоқаларини ривожлантиришда борган сари фаол роль ўйнамоқда.

Миллий қадриятлар, устуворликлар ва ислоҳатларни амалга ошириш мамлакатимиз табиий-иқлим шароитлари стратегик маҳсулот — пахта шунингдек, бошоқли дон, мева-сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа қимматли қишлоқ хўжалиги хом ашёларини ўз эҳтиёдларини қондириш учунгина эмас, балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам етарли бўлган кўламда етиштириш имконини беради.

Республика ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун етарли салоҳиятга эга. Ўлка ниҳоятда қимматли ер ости минерал хомашё заҳираларига бой. Бу чуқур структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг устувор йўли — бу, республика ижтимоий тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларни қамраб олувчи мураккаб жараён. У пировард мақсад — ҳақиқий мустақил Ўзбеистон Республикасини қуриш бўлган ички ва ташқи сиёсатнинг умумий стратегиясини белгилайди.

Республика бугунги кунда мустақил ички ва ташқи сиёсат юргазмоқда, улкан моддий ва маънавий боликка эга бўлган халқнинг азалдан шаклланган турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва феъл-атворининг бутун дунё ҳисоблшадиган жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-аҳлоқий янгиланиш жараёни кечмоқда. Пировард мақсад — барқарор бозор иқтисодиётини, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир.

Қисқача хулосалар

Республиканинг миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий янгиланиш жараёнини, миллий устуворликларини аниқлаш учун методик ёндошув, бу устиворликларнинг келиб чиқиши ва уларни синфлаш, миллий қалриятлар, республикадаги ўзига хос демографик вазият тарихан қадимяти савдо йўллари, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилищдаги устуворликлар ва мақсадларнинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган.

Назорат муҳокама учун саволлар

1. Миллий устуворликларни қандай тушунасиз?
2. Миллий устуворликларнинг мазмуни ва мақсади нимадан иборат?
3. Миллий қадриятлар, устуворликлар ва мақсадлар қандай узвий боғла

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузаси. Ҳамкор, 2003 йил, 24 июль.
2. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли. Фармони.
3. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли. Фармони.
4. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли. Фармони.
5. Н.Тухлиев, А.Кремениова. Ўзбекистон Рспубликаси. Энциклопедик маълумотнома. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002.

XIV боб

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОРЛИКЛАРИ

14.1. Таркибий ислоҳотлар – хавфсизлик асоси

Таркибий ўзгаришлар – бу, Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг ўтиш давридаги муҳим мақсадларидан биридир. Хўжалик тизими трансформацияси жараёнида таркибий ўзгаришларнинг зарурияти режали иқтисодиётдан мерос қолган техник базанинг қолоқлиги ва диспропорциялари билан боғлиқ.

Ўтиш даврида давлатимизнинг асосий мақсади – бозор иқтисодиётининг самарали ишлайдиган институт ва механизмларини тузишдир. Бу мақсадни амалга оширмай туриб, бозор асосида барқарор иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди, бу эса таркибий сиёсатнинг пировард мақсади ҳисобланади. Бозор ислоҳотлари ва таркибий сиёсат (уни муваффақиятли амалга ошириш шарти билан) корхоналарнинг янги иқтисодий муҳитга мослашишига, кенг маънода техника иқтисодий жиҳатдан замонавийлашишига кўмаклашади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

- иқтисодиётда тармоқ таркибининг ўзгариши;
- иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш;
- асосий капитални (шу жумладан, давлатнинг инвестиция сиёсати ёрдамида) янгилаш;
- ИТТ ютуқларини татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни технологик қайта қуроллантириш;
- инсон капиталини такомиллаштириш (янги кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш);
- ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини такомиллаштириш;
- иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш.

Таркибий сиёсат, одатда, барқарор иқтисодий ўсиш учун шароит яратиш мақсадида амалга оширилади. У иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар қайта тақсимланишини кўзда тутади. Уни амалга ошириш учун қуйидагилар маблағларнинг асосий манбалари ҳисобланади:

1. Хусусий жамғармалар ва инвестициялар;
2. Давлат жамғармалари ва инвестициялари;
3. Тўғри хорижий инвестициялар;
4. Чет эл инвестициялари ва ташқи займлар.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитида таркибий сиёсатни амалга оширишда давлат, одатда, билвосита таъсир қилиш усулларидан солиқлар, божлар, пул-кредит рағбатлантириш чоралари ва ҳоказолардан фойдаланади.

Хусусий сектор ва бозор институтлари ривожланмаган шароитда, шунингдек, ислоҳотларни тез амалга оширишда давлат ресурсларни қайта тақсимлашнинг маъмурий усулларини қўллайди. Бунда:

- хом ашё ва экспорт товарларининг сотиб олиш нархини пасайтириш;
- турли валюта курсларидан фойдаланиш;
- протекционистик тўсиқлар;
- устувор йўналишларни молиялаштириш учун тижорат банкларининг активларидан фойдаланилади ва бошқалар.

Ўзбекистондаги таркибий инвестицион сиёсат комплекс масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган. Улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида корхоналарга ёрдам бериш;
- иқтисодиётнинг бир қатор истиқболли тармоқларини ривожлантириш (импорт ўрнини босувчи ва экспорт тармоқларини қўллаб-қувватлаш сиёсати), янги ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш;
- ишлаб чиқаришнинг технологик қайта қуролланишини рағбатлантириш.

Ўзбекистонда таркибий сиёсатнинг асосий воситалари қуйидагилардир:

1. Давлат инвестициялари;
2. Кредит сиёсати;
3. Валюта сиёсати;
4. Чет эл инвестицияларини жалб этиш.

Таркибий ислоҳотларни молялаштиришга кетадиган маблағларнинг асосий манбаларига қуйидагилар киради:

- бюджетга солиқ тушумлари;
- тижорат банкларининг мажбурий захиралари (улар марказлаштирилган кредитлар учун ишлатилади);
- давлат буюртмалари (аввало қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қазиб олиш тармоғи учун);
- экспортёрлар валюта тушумларининг (ёки унинг бир қисмини) расмий айрибошлаш курси бўйича мажбурий конвертацияси.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий сиёсатнинг асосий натижаси МДҲнинг бошқа мамлакатларига қараганда камроқ иқтисодий тушкунлик ҳисобланади.

Таркибий сиёсатни амалга ошириш жуда катта моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни талаб қилади. Хусусий секторнинг ривожланмаганлиги давлат асосий хўжалик юритиш субъектига айланишига олиб келди. Бозор ислоҳотлари эса, давлатнинг инвестиция ва хўжалик функциялари хусусий корхоналарга ўтишини кўзда тутади.

Молиявий ресурсларнинг давлат секторига ўтказилиши хусусий секторни кучсизлантиради. Давлат харажатларининг ўсиши хусусий харажатларни сиқиб чиқарса, сиқиб чиқариш эффекти амалга оширилади.

Хусусий сектор ва бозор механизмлари ривожланмаган, йирик хусусий капиталлар йўқ шароитда давлат таркибий сиёсатини амалга оширишда бозор усулларидан фойдалана олмайди, шу туфайли таркибий ўзгаришларнинг асосий дастаклари нобозор таъсир этиш усуллари бўлиб қолади.

Молиявий ресурслар тақчиллигининг тезлашиши давлат сиёсатини «юмшатиб» боради, бу эса инфляция ва тўламаслик каби муаммоларни кучайтиради. Кучли инфляция ва молиявий диспропорция шароитида ишлаб чиқаришга қўйилмалар эмас, балки спекулятив операциялар фойдалироқ ҳисобланади. Иккинчидан, жамғармаларни шакллантириш ва уларни ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантиришнинг бозор механизмлари ишламай қолади.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида таркибий сиёсатни режалаштириш ва ўтказишда юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиш керак.

Республиканинг 2005 йилгача ривожланиш истиқболи ўрта муддатли прогнозига мувофиқ иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари қуйидагилардир:

- саноатнинг асосий тармоқларини ривожлантиришни тезлаштириш;
- экспорт салоҳиятини ва импорт ўрнини босишни мустаҳкамлаш;
- экспортнинг хом ашёга йуналтирилганлигини чеклаш;
- замонавий коммуникация тизимлари ва ахборот узатиш воситаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш, молия ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, фонд бозорини ривожлантириш;
- бозорни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товарлари билан тўлдириш, мамлакатнинг маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш;
- кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш, қашшоқликни қисқартириш, янги иш жойларини яратиш, реал даромадларни ошириш.

Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни ўтказишдан сўнг 2005 йилгача бўлган даврда қуйидаги кўрсаткичларга эришиш башорат қилинган:

- ЯИМнинг ўртача йиллик ўсишини 6-7% атрофида;
- саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришининг ўсиши 8-10%;
- экспортнинг ўсиши 12-14% ва ҳоказо.

14.2. Бюджет солиқ сиёсатидаги устуворликлар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизликка эришишида солиқ ва бюджет сиёсати муҳим ўрин эгаллайди ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети тахчиллигини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотацияларни ва субсидияларнинг барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;
- бюджет маблағлари даромад тушганидан кейингина тақсимланадиган йўлдан оғишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш;
- халқ хўжалиги тармоқларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан пул билан қайтармайдиган қилиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш. Ана шу мақсадлар учун инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган қўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мутақиллигининг ўтган даври мобаинида молиявий-бюджет сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда катта ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, республикамизда банк инфратузилмасини, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, миллий банк тизимини жаҳон банклари ҳамжамиятига интеграциялаштириш, банк хизматларини такомиллаштириш борасида салмоқли қадамлар ташланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 1994 йилда миллий валютамиз — «сўм"нинг муомалага киритилиши Ўзбекистоннинг мустақил банк тизими вужудга келишига ва молиявий бюджет сиёсатида янги босқичга қадам қўйилишига олиб келди. Бунда ҳукуматимиз томонидан молия-бюджет тизими учун миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг молия банк тизимига бўлган ишончини ошириш муҳим вазифа қилиб белгиланди.

Ҳозирги кунда республикамизда 32 банк ва уларнинг 800 дан ортиқ филиаллари, Халқ банкининг 2500 дан зиёд шахобчалари ҳамда 670 дан ортиқ мини банклар аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва бошқа банк хизматларини кўрсатяпти.

2003 йилга келиб, ўзлаштирилган кредит линиялари ҳисобига 8500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Натижада маҳаллий хомашёни қайта ишлаш эвазига 44148,4 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, унинг 39590,6 миллион сўмлиги ички бозорда сотилди, 6339 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот эса экспорт қилинди.

Энг асосийси, ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар натижасида хусусий секторнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улуши 34,6%га етди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнидаги «Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан кичик ва ўрта бизнесни кенг кўламда ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон-Япония дастурини амалга ошириш учун икки босқичда 40 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилди.

Халқаро ҳамжамият, йирик молия-банк корпорациялари Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли шерикчилик тамойилларига асосланган ташқи сиёсатини фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Ўзбекистон бой табиий заҳиралари билангина эмас, айни вақтда, аввало ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги ва иқтисоий ислоҳотлар чуқурлашиб бораётганлиги, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг равшанлиги билан ҳам хорижий сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда.

Республикада «Хорижий инвестициялар тўғрисида» ва «Хорижий инвестициялар кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қонунларга амал қилинмоқда. Ўзбек бозорида АҚШ, Корея Республикаси, Германия, Буюк Британия, Туркия, Россия, Япония компаниялари ишламоқда.

Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида жаҳонга машҳур бўлган ДЭУ (автомобилсозлик, электроника, енгил саноат); БАТ (тамаки маҳсулотлари); Ньюмонт Майнинг (олтин қазиб чиқариш саноати); «Газпром» (табиий газ қазиб чиқариш ва транспортировка қилиш) ва бошқа компаниялар миллий устунликка эришмоқдалар.

Ислоҳотлар тобора чуқурлашаётганлиги ташқи иқтисодиётни эркинлаштириш дастурлари изчил амалга оширилаётган

Ўзбекистоннинг инвеститция соҳасидаги ҳамкорлик учун ишончли шерик сифатида обрў-эътиборини оширмокда, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этишга кўмаклашмокда, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишнинг миллий устуворликларини аниқлашда услубий ва амалий ёндашув омили бўлиб хизмат қилмокда.

14.3. Аграр сиёсатдаги устуворликлар

Йирик тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон турли қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, техник экинлар етиштириш учун жуда қулай худудлардан бири. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда (АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, ва Покистондан кейин) 5 ўринда ва уни экспорт қилиш соҳасида 2 ўринда туради. Ўрта Осиёда етиштириладиган жами пахта ҳажмининг 75%и Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, республикада ҳар йили 5 миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева етиштирилади. Ўзбек қоракўл териларига ва пилласига жаҳон бозорида талаб катта.

Бу тармоқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатнинг турли тармоқларини эса хомашё билан таъминлайди. Мамлакат аҳолисининг 63%и қишлоқларда яшайди. Банд аҳолининг анча қисми шу соҳада меҳнат қилади. Мамлакат ички маҳсулотининг 28%и қишлоқ хўжалигининг улушига тўғри келади. Пахта етиштириладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси суғориладиган ерлардир. Бу ерларда қудратли ирригация тизими мавжуд.

Мустақилик йилларида ўтказилган ислоҳотлар давомида қишлокда янги хўжалик тузилмаси шаклланди. Ерга бўлган мулкчилик жараёни кучайди. Бу аграр сиёсатдаги энг муҳим масала.

Ўзбеккистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-3226 сонли фармони аграр соҳада туб ўзгариш уфқларини белгилаб берди. Хусусан, мазкур ҳужжатда иқтисодий ислоҳотларнинг хозирги босқичида паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш устувор йўналиш деб, қайд этилади.

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда 159 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида 9 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Жумладан, Меҳнатобод, Мирзаобод, Езеван, Ромитон ва Амударё туманлари хўжаликлари тўлиқ

тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик шакилларида маҳсулот етиштиришнинг 2002 йилги ҳолати 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Республика қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик шаклларида маҳсулот етиштиришнинг 2002 йилги ҳолати

	Ялпи ҳосил (минг тонна)	Жамоа хўжаликлари		Деҳқон хўжаликлари		Фермер хўжаликлари	
		сони	улуши, %	сони	улуши, %	сони	улуши, %
Пахта	3000	2497	83,2	-	-	503	16,8
Буғдой	2893	1758,1	60,8	617,4	21,3	517,5	17,9
Сабзавот	2680	841	31,4	1719,8	64,1	119,2	4,4
Картошка	657,8	48,4	7,4	30,2	46	579,2	88
Гўшт	482,3	110,3	22,9	361,7	75	10,3	2,1
Сут	3543,4	731,4	20,6	2763,8	78	48,2	1,4
Тухум (млн. дона)	1239,6	389	31,3	842,9	68	7,7	0,7

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида картошкачилик ривож топган, пахтачилик ва ғаллачилик етарли даражада ривожланмаган, сут, гўшт тухум ва сабзовот етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улуши юқори. Жомоа хўжаликлари пахта ва ғаллачиликда устун. Шунинг учун ҳам юқорида тилга олинган фармон асосида 2003 йилда яна 177 жамоа хўжалик негизида фермер хўжаликлари тузилди. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳатто заррар билан ишлаётган, жамоа хўжаликлари ҳам фермер хўжаликларига айлантирилса, уларда ишлаб чиқариш ривожланади, моддий ресурслар тежалади, молиявий аҳвол яхшиланади. Фермер хўжаликларига ўз ривожи жараёнида эркин иқтисодий фаолият юритиш учун қуйидаги имкониятлар яратилган. Уларга:

- ер майдонлари танлов асосида 50 йилгача муддатига мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижарага берилади;
- берилган ер майдонлари ширкат хўжаликлари балансидан чиқарилади;
- ёлланма ходимлар, шу жумладан, оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат шартномаларига асосланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда, аграр сиёсатнинг устуворлиги мужассамлашган фермер хўжаликларининг 2003-2010 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси яратилмоқда.

Шу билан бирга қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг шу муддатга мўлжалланган комплекс дастури ҳам тайёрланди.

Маҳаллий шароитларни, қишлоқ хўдалик ерларини, меҳнат ва сув ресурсларининг аҳволи ҳамда қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида вилоят ва туманлар бўйича хўжаликларни ривожлантириш концепциясини яқин йилларда ишлаб чиқиш устида ишлар давом эттирилади.

Аграр сиёсатда тилга олинган устуворликлар ижроси аниқ белгиланган режа асосида барча бўғинларда ислоҳотларнинг моҳиятини англаган ҳолда таъминланади. Бу миллий хавфсизликни таъминлашда асосий омил бўлади.

14.4. Миллий хавфсизлик борасидаги ташқи иқтисодий алоқалар

Турли хил мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техника ва маданий алоқаларни ривожлантириш, икки томонлама дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай давлат — у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ташқи иқтисодий алоқаларсиз яшай олмайди, чунки жаҳонда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг турлари бир неча миллион хилни ташкил қиладики, уларнинг ҳаммасини ўзида ишлаб чиқаришга бирорта ҳам давлатнинг қурби етмайди. Шу сабабли ташқи иқтисодий алоқалар турли-туман эҳтиёжлар ва ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик даражасини оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллатлар ва элатларнинг яқинлашувига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига ёрдам беради.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, тузилмаси, миқёслари шерик мамлакатлардаги ва умуман, бутун дунёдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ва характери билан белгиланади. Ташқи иқтисодий алоқалар тамонларнинг ўзаро манфаатдорлиги, тенг ҳуқуқлилиги ва миллий хафсизлиги принципларига асаланади.

Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки бир қанча йирик давлатлараро лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, минтақалараро муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Масалан, республикада ҳозир чел эл инвеститцияси киритилган 3300 дан кўпроқ корхона рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида

кейинги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Стратегик аҳамиятга эга корхоналар Ўзбекистон тассаруфига олингани ва жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари билан чиқаётгани шундай ўзгаришлар сирасига киради. Пахтаси, олтини, автомобиллари билангина эмас, самолётлари билан ҳам республикамиз жаҳон бозорида машҳур.

Миллий устуворликлар ва уларнинг келиб чиқиши, республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда саноатнинг байроқдори бўлмиш авиасозлик саноати алоҳида ўрин эгаллайди, Ўзбекистоннинг илмий ва технологик имкониятлари унинг иқтисодий қудрати ва хавфсизлигини белгилаб берадиган асосий устувор тармоқлардан биридир. В.П Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бой меҳнат анъаналари, ноёб ишлаб чиқариш базаси, ғоят катта интеллектуал салоҳияти билан бунёд этаётган қанотли машиналар деярли барча қитъалар узра парвоз қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини таборо юксалтирмоқда.

Корхона тарихи 1932 йилдан бошланган. Ўшанда Москва яқинидаги Химки шаҳрида 84-сонли авиация заводи ташкил этилган эди. 1936 йилда афсонавий учувчи Валерий Чкалов заводнинг бош учувчиси этиб тайинланди, келаси йил эса корхонага унинг номи берилди. 1941 йилнинг ноябирида завод Тошкентга кўчирилди ва икки ой ўтгач, бу ерда биринчи харбий самолёт ишлаб чиқарилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга 2258 та ҳарбий машина етказиб берилди ва улар фашизим устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшди.

1954 йилда «ИЛ-14» йўловчи ва транспорт десантчи самалиётини ишлаб чиқариш кенгайтирилиши тошкентлик авиасозларнинг жаҳонга машҳур Илюшин номли конструкторлик бюроси билан кўп йиллик ҳамкорлигига асос солди. Антонов номидаги бирлашмага конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда эса биринчи «АН-8» ҳарбий транспорт самолёти ишлаб чиқарилди. Сўнгра «Ан-12» ва «Антей» оғир транспорт самолиётлари пайдо бўлди. В.П Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида машҳур «Руслан» ва дунёда энг катта «Мърия» самолиётлари учун қанотнинг айрим эҳтиёт қисмлари тайёрланди. Буларнинг барчасига корхонанинг кучли илмий-техник имкониятларидан самарали фойдаланиш туфайли эришилди.

Корхона энг замонавий, мунтазам янгиланиб бораётган технологиялар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда ихтисослаштирилган юксак ишлаб чиқариш тармоғига эга. Масалан, «ИЛ-76» самолиётини кенг кўламда ишлаб чиқариш

Илюшин номидаги конструкторлик бюроси билан ҳамкорлик самарасидир. Ушбу ҳаво кемаси ишлаб чиқариш жараёни мунтазам такомиллаштирилиб, техник хусусиятлари ва сифати яхшилаб борилди. Унинг ҳар бири маълум бир соҳага ихтисослаштирилган кўплаб вариантлари туркуми ишлаб чиқарилди ва тайёрланди. Булар радиолокацион дозорига оид самолётлар, ёқилғи ҳаво кемалари, қидирув-қутқарув комплекслари «Скальпель», «Айболит» госпиталлари, космонавтлар учун тринажерлар ва бошқалардир. Мазкур турдаги 960 дан ортиқ самолёт бугунги кунда ер шарининг барча қитъаларида юк ташишда қўл келмокда. Улардан Сурия, Ливия, Миср, Жазоир, Ҳиндистон, Корея, Хитой, МДҲ давлатлари ва бошқа мамлакатларда муваффақиятли фойдаланилмокда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятининг16 минг кишилик кўп миллатли жамоаси ҳаётида янги саҳифалар очилди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларидаги қийинчиликларга қарамасдан, республикамиз раҳбарияти, шахсан Президенти И. Каримов ўзбекистонлик авиасозларни доимо қўллаб-қувватлаб келди. Улар бугун мамлакатимизни жаҳонга нафақат авиация давлати сифатида танитмокда, балки иқтисодий тараққиётимизга ҳам катта ҳисса қўшаяпти.

Корхона янги шароитларда хорижлик таъминотчилар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, техник жиҳозларни модернизация қилиш учун зарур ашёларни сотиб олиш имкониятига эга. 2003 йил бошига келиб, корхонада ишлаб чиқариш суръати 2001 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ноёб самолиётлар ишлаб чиқариш имконини берди. Улар орасида «ИЛ-76МФ» ва «ИЛ-114» каби такомиллаштирилган юк ташувчи самолётлар ва ИЛ-114нинг энг сўнги замонавий тури ҳисобланган «ИЛ-114-100» ҳаво кемаси Шарқий Европа ва Осиёда ягонадир. Ўз тоифасида энг яхши ҳисобланган ушбу самолёт Америкада ишлаб чиқарилган ҳаво винтлари ва Канадада тайёрланган двигателлар билан жиҳозланган. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган халқаро авиа кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келмокда ва бир неча марта мукофотга сазовор бўлди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси яқинда «Боинг» компаниясидан ушбу компания ҳаво лайнерлари учун қарийб 9000 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлашга сертификат олди. Ҳиндистонлик, франциялик, голландиялик ва исроиллик авиасозлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмокда.

Қисқача хулосалар

Хавфсизликни таъминлашда бюджет, молия, солиқ ва аграр сиёсатдаги устуворликлар аниқ белгиланган режа асосида барча бўғинларда ислоҳотлар моҳиятини англаган ҳолда бажарилиши миллий хавфсизликнинг асосий омили эканлиги атрофлигича кўрсатилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Таркиби ўзгаришлар нимани ўргатади?
2. Бюджет-солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
3. Фермер хўжалиги нима?
4. Ташқи иқтисодий алоқаларда В.П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш корхонасининг ўрни нимадан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш. Халқ сўзи, 2002 йил 25 январь.
2. Ўзбекистоннинг кумуш қанотлари. «Халқ сўзи». 2003, 24 май.
3. Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли фармони.

XV боб

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

15.1. Стратегик ҳамкорлик — минтақавий хавфсизликнинг гарови

Агар биз АҚШ ва Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлиги тарихига чуқурроқ назар ташласак, шуни кўрамизки, бу иккита мамлакат ўзаро ҳамкорлигини йиллар давомида босқичма-босқич ривожлантириб келмоқдалар. Бу ҳамкорликни 3 босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич Ўзбекистоннинг мустақиллигидан олдинги йиллар ва мустақилликнинг дастлабки 3 йилини қамраб олади. Бу давр Ўзбекистон ва ҳатто, Марказий Осиёнинг АҚШ билан ҳамкорлиги етарли даражада бўлмаганлиги билан характерланади.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ва Ўзбекситонда ўзининг дипломатик элчихонасини очди, Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ўрганиб чиқди, ташқи ва ички сиёсатини кузатди. Шу тариқа йилдан-йилга алоқалар кенгайиб борди.

1993 йилдан 2001 йил 11 сентябргача бўлган даврни ўз ичига олган иккинчи босқичда ҳамкорликнинг янги қирралари амалга оширилди. Бу даврда ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, Ўзбекистонга АҚШ инвестициялари кириб кела бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов АҚШга ташриф буюрди. Савдо сотиқ алоқалари тез суръатлар билан ривожлана борди, илмий-техникавий ҳамкорлик мустаҳкамланди. Маданий ва гуманитар алоқаларнинг янги шакли юзага келди.

Бу давр мобайнида мустақил ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон халқаро алоқаларнинг фаол субъектига айланди, халқаро терроризмга, гиёҳвандликка қарши олиб борган сиёсати туфайли хавфсизликни ва мутаносибликни вужудга келтирди ҳамда жаҳонда ўзига яраша нуфузга эга бўлди.

Учинчи босқичда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик ҳамкорлик амалга оширилди ва у асосан 2001 йил 11 сентябрдан сўнг ривожланди. Бу ҳамкорликнингя асосий сабаби ва вазифалари қуйидагича:

1. АҚШнинг Ўзбекистонга Марказий Осиёда тинчлик ўрнатиш, халқаро гиёҳвандликка қарши курашувчи ягона ва самарали ҳамкори сифатида қараши;

2. АҚШ халқининг халқимиз ҳамда Президентимиз билан дўстона муносабатлари;

3. АҚШнинг кенг оммаси, тадбиркорлар доираси Ўзбекистондаги иқтисодий ютуқларни тан олаёгани ва унинг ривожи учун инвестициялар киритаётгани;

4. Ўзбекистонни АҚШнинг ривожланган иқтисодиёти, демократик қоидалари, илмий-техникавий салоҳияти қизиқтириши.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар якка фикирлик асосида ривожланиб ва шаклланиб келди. 11 сентябрь воқеалари эса уларнинг кейинги ривожланишига замин яратади.

АҚШ ва Ўзбекистон стратегик ҳамкорлигининг бош мақсади улар томонидан қабул қилинган декларацияда тўлиқ ифодасини топган. Бу деклоация ҳуқуқий-сиёсий ҳужжат бўлиб, томонларнинг мажбурият ва жавобгарликларини белгилайди, сиёсий, иқтисодий, гуманитар, ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорлигини таъминлайди. Агар икки мамлакатдан бирида хавф-хатар пайдо бўлса, иккинчи мамлакат ҳам бу хатарни ўзига қаратилган деб ҳисоблайди ва ундан тезда холос бўлишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга қилган расмий ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, АҚШнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортди. Юртбошимизнинг АҚШга ташрифи давомида имзоланган турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги қатор хужжатлар бунга ёркин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Баҳромов бошчилигидаги делегация вакилларининг Америка томони таклифи билан Вашингтонга қилган ташрифи, АҚШнинг монополияга қарши давлат органлари ҳисобланган Федерал Савдо Комиссияси (ФСД) ва Адлия департаменти антитраст бўлими раҳбарлари ва мутахассислари билан учрашувлари ўзаро ишонч ҳамда манфаатли ҳамкорлик руҳида ўтди. Дунёнинг етакчи давлатига қилинган ушбу ташрифдан кўзланган мақсад — икки мамлакатнинг монополияга қарши органлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш ва янада яқин ҳамкорлик асосларини шакллантиришдан иборат эди. Ушбу ташриф чоғида, шунингдек, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида монополияга қарши ишларга алоқадор қатор масала ва муаммоларни муҳокама этиш ҳам кўзда тутилган эди. Масалан, Федерал Савдо Комиссияси ва Адлия департаменти вакиллари билан ўтказилган учрашувлар давомида табиий монополиялар, телекоммуникациялар, юкларни темир йўллар орқали та-

шиш, электр энергетикаси, табиий газ соҳаларида монополияга қарши ишларни тартибга солиш масалалари кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор Федерал Савдо Комиссияси ва Адлия департаментининг ушбу соҳадаги тузилмавий туб ўзгаришларни амалга ошириш тажрибаси ва уларни мамлакатимиз шароитида афзаллик томонлари муҳокамасига қаратилди.

Шунингдек, томонлар қўлланилаётган тартибга солиш чора-тадбирлари, қонунчилик бузулиши ҳолатларини кўриб чиқиш тизими бўйича ҳам тажриба алмашдилар. Монополияга қарши тартибга солиш ишларининг қонунчилик базаси ҳам таҳлил этилди. Ушбу ишлар муҳокамаси давомида муайян ҳолат бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Муҳокама давомида америкалик ҳамкорлар Ўзбекистон вакилларини Федерал Савдо Комиссиясининг истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бюроси хузуридаги Истеъмолчилар маркази фаолияти билан таништиришди. Бюро директори ўринбосари Хью Стивенсон билан учрашув чоғида Монополияга қарши кураш қўмитанинг халқаро миқиёсда истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини кўриб чиқишдаги иштироки истиқболлари муҳокама этилди.

Халқаро техник ёрдам директори Джеймс Хатилл, бош маслаҳатчи Вильям Ковасик билан ўтказилган учрашувлар кооперация ва халқаро ҳамкорлик масалалари, тажриба алмашиш, муайян ҳолатларни кўриб чиқишда ёрдам бериш имкониятлари муҳокамасига бағишланди. Америка томони халқаро монополияга қарши тартибга солишни амалга оширишда доимий алоқаларни ўрнатишдан манфатдор эканлигини билдирди. Бундан ташқари, вакилларимизнинг Федерал Савдо Комиссияси раиси Тимотти Мурис, Федерал Савдо Комиссияси ва Адлия департаментининг Антитраст бўлими тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари билан Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Ҳамроқулов иштирокида расмий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида америкалик ҳамкорлар республикамизнинг Монполиядаи чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги тўғрисида расмий хатни топширишди. Ушбу ҳужжатда маълумот алмашиш ва рақобат сиёсатининг ўзаро қизиқиш туғдирувчи айрим жиҳатларини муҳокама этиш тўғрисидаги истак баён этилган, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш имкониятлари мавжудлиги ҳам таъкидланган.

Америка қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг ғоят муҳим йўналиш-

лари бўйича изчил ва собитқадамлик билан ривожланиб бормокда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга расмий ташрифи ёрдам берди. Мазкур ташриф чоғида АҚШ Президенти Ж. Буш ва бошқа юксак мартабали шахслар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, ўзбек-америка сиёсий маслаҳатлашувлари ҳам ўтказиб келинмокда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва халкорлик тўғрисида декларация имзоланганига 2003 йил мартда бир йил тўлди. Мазкур ҳужжат 2002 11-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. Декларация давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар ривожланишини таъминлашга қаратилган ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг келажагидаги тараққиётига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва АҚШ нафақат халқаро террорчиликка қарши курашда, балки бошқа кўплаб халқаро муаммоларнинг ечимини белгилашда муштарак нуқтаи назарга эга. Зеро, фақат истиқболли давлатларгина АҚШ билан бундай ҳамкорлик ўрнатиш имконига эга.

Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш биз учун устувор аҳамият касб этмокда. АҚШ жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократиялаштириш, республикамизнинг давлат мустақиллиги ва суверинитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмокда. Биз Америка компаниялари ва фирмалари билан узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ўрнатишга, Америка капиталининг бозорларимиздаги иштироки кенгайишига катта аҳамият берамиз.

15.2. Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши билан Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлиги

XXI асрга келиб, жаҳонга этник гуруҳлар, миллатлар урушлари ва давлатлар ўртасида урушлар каби хатарлар хавф солмокда. Уларнинг олдини олиш учун муайян чоралар кўрилмокда. Аммо жаҳон халқаро терроризм ва диний экстремизм каби янги шаклдаги урушларга юз тутмокда. Улар инсоният мақсадларига батамом зиддир.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа мамлакатлари орасида хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш вазифаси пайдо бўлди. Шу мақсадларни кўзлаб, 1948 йил 17 мартда Брюссель шах-

рида 50 йил муддатга «Брюссель шартномаси» имзоланди. Унинг бош мақсади умумий хавфсизликни таъминлаш ва унга аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларини ривожлантиришдан иборат эди. Шартномага Буюк Британия, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлишди ва Шимолий Атлантик ҳамкорлик кенгашига (НАТО) асос солди.

НАТО қароргоҳи Белгиянинг деярли XIV асрдан ортиқроқ тарихга эга пойтахти Брюсселда жойлашган. Унинг бинолари олдида 19та аъзо давлатларнинг байроқлари ҳавода ҳилпираб турибди. Айтмоқчи, НАТОнинг эмблемасида ҳам давлатларо бирлик ва ҳамкорликни рамзхий ифода этувчи доира, унинг ўртасида Шимолий Атлантик ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар танлаган умумий тинч-тотувлик йўлини кўрсатиб турувчи компюс ўрин олган.

НАТО нима дегани? Октябрь тўнтариши дунёга келтирилган собиқ совет тоталитар режими даврида бу ташкилотга ҳар қандай шак-шубҳадан холи биттаю-битта қараш мавжуд эди: НАТО — жаҳон жандарми, у ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларни эзувчи синфлар манфаатини ҳимоя қилади, озодлик ва демократиянинг ашаддий душмани.

Ўша пайтдаги Кремль раҳбарларининг бундай расмий хулосалари оммавий ахборот воситалари орқали бутун жамият онгига ва қалбига тўхтовсиз сингдириб келинди. Бироқ вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйди. Совет раҳбариятининг ўзи тинимсиз ваъда қилиб келган «коммунизм» жозибали саробдан, ҳом хаёлдан бошқа нарса эмаслиги дунёга аён бўлди. Холбуки, бундай ғоялар йўлида «тозалашлар» олиб борилиб, миллионлаб одамлар ГУЛАГ лар бағрида қурбон бўлди. Амалда совет мамлакати «Халқаро турмаси»га айланди. Ва шундай жиддий сабабларга кўра, бу тизим емирилиб, ўрнида мустақил давлатлар қад рослади.

Тарихий 1991 йилдан кейин одамлар фикрида ва қалбида туб ўзгариш рўй бера бошлади. Уларнинг, жумладан, Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши ҳақидаги қарашлар ҳам асос-асосидан ўзгарди. Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон НАТОга шериклик қила бошлади. Ольянсга 19 давлатнинг амалдаги фаолияти шундан далолат берадики, улар ёрдамида дунёнинг қайси бурчагида ҳарбий низо туғилса, унинг олови ўчирилади ёки олди олинади. Ядро, кимёвий ва бактериологик қуролларни тарқатмаслик бўйича лойиҳалар амалга оширилади, турли давлатларнинг олимлари ўртасида илмий ҳамкорликлар йўлга қўйилади, НАТОга аъзо давлатлар террорчилик ва гиёҳвандликка қарши курашда бошқа давлатларга фаол кўмаклашадилар.

Бугун НАТО янада кенгайиши арафасида турибди: аъзо давлатларидан ташқари, Альянс билан сўнгги йилларда яна 27

та давлат ҳамкорлик қилмоқда. Улар Шарқий Европадаги Варшава шартномасига аъзо давлатлар, шунингдек, собиқ СССР исканжасидан холос бўлган давлалардир.

1994 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» лойиҳасига қўшилди. Бу лойиҳа жамоавий хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам вужудга келтиришга қаратилган. НАТО билан ҳамкорлик ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқодлар ва ишланмалардан бахраманд бўлиш имконини беради. НАТО учун мамлакатларнинг тадбирларида, жумладан, ҳарбий бўлинмаларнинг биргаликдаги машқларида қатнашиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси қисмларимизнинг жанговор тайёргарлигини кўтаришга, илғор жанговор тажрибаларни ўрганиш, яъни пировардида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини юксалтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга давлатимизнинг жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқаларини мустаҳкамлашга шароит туғилади.

Ўз навбатида, демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТО Европа қитъасидагина эмас, балки ўз сиёсий устқурмасини мустаҳкамлаш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» лойиҳаси ҳисобига жуда катта Евроосиё минтақасида тинчлик ўрнатувчи олимп бўлиши мумкин. Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» лойиҳасига 1994 йил июль ойида қўшилган бўлиб, бу лойиҳадаги иштирокимизга мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан бахраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларимизни кенгайтириш нуқтаи назаридан қараймиз.

НАТО бош котиби Х. Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р.Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари бутун дунё миқиёсидаги ва минтақадаги хавфсизлик муаммолари борасидаги қарашларимиз мос келишини яна бир бор намойиш қилди. Музокаралар давомида минтақада тинчликни сақлашга, Афғонистондаги можарони сиёсий чоралар билан бартараф этишга, Марказий Осиё минтақасини ядросиз ҳудуд деб эълон қилишга қаратилган ташаббусларимизга тўла тушуниш билан қаралаётганлиги ва улар қўллаб-қувватланаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Биз Ўзбекистоннинг имкониятлари минтақадаги барқарорлаштирувчи омил сифтида баҳоланишига тўла-тўкис қўшиламиз.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиши Европанинг имкониятлари, миллий манфаатлари нуқтаи назаридан ҳаётий муҳимдир. Европа ва бутун ғарб — юксак техно-

логиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳуқуларининг рамзидир. Буларнинг барчаси хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий демократик давлатга айланиш мақсадида янгиланиш ва тараққиётни стратегик вазифа қилиб олган Ўзбекистон учун ҳаётий заруратдир.

Биз бунда хавфсизлик ва тараққиёт бир-бирини тақазо этиши тамойилига амал қиламиз. Бу эса, бир томондан, иқтисодиётга инвестициялар олиб келиш учун барқарор ва хавфсиз муҳит яратишни, иккинчи томондан, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширадиган мамлакатгина бундай хавфсиз муҳитни таъминлашга қодир бўлишини назарда тутади.

НАТО қароргоҳида 2003 октябрь ойида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» мавзудаги фотокўргазма бўлиб ўтди. Маҳаллалар тарихи Ўзбекистонда узоқ асрларга бориб тақалади. Маҳаллалар анъаналар, халқ менталитети манбаидир, улардаги турмуш тарзи одамлар орасидаги яхши қўшничилик муносабатларига асосланган. Маҳаллаларда инсон болалигидан маънавий бой, сахий қалб, меҳнаткаш, кексаларни иззат қиладиган, Ватанни севадиган бўлиб вояга етади. Маҳалланинг энг эътиборли анъаналаридан бири — ҳашар, яъни одамлар ўзаро биргалашиб, беминнат, сидқидилдан, масалан, ночор оилалар учун уй-жойлар қурилишига кўмаклашадилар, ташландиқ ерларни ободонлаштирадилар ва бошқа савобли ишларни бажарадилар.

Президент Ислом Каримов 2003 йилни обод махалла йили, деб эълон қилди. «Мана шунинг ўзи халқчил анъаналарнинг авайлаб-асраб ривожлантирилиши йўлида гамхўрлик эмасми?! Умид қиламанки,-деди Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси Алишер Шайхов, - кўргазмада намойиш этилган суратларда манзур бўлади ва ушбу кўргазма Ўзбекистонликлар ва Европаликларнинг маданий-маънавий ҳакорлигида ўзига хос ўрин тутади».

НАТО матбуо котиби Жимми Ши ўзбек халқи ҳаётини ёркин ва ўзига хос жиҳатдан акс эттирган кўргазма учун унинг ташкилотчиларига минатдорчилик изҳор этди[1] .

15.3. Хавфсизликни таъминлашда «Ислом омили»ни ҳисобга олиш

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда ва минтақавий, иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда диний «Ислом омили»ни хисобга олиш муҳим роль ўйнайди. Бу унинг

---

[1] Ўзбек маҳалласи — НАТО қароргоҳида. «Халқ сўзи», 2003 йил, 30 октябрь.

турмуш тарзида, кишиларнинг руҳиятида маънавий-ахлоқий қадриятлари шаклланишида ва бу динга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашишга интилишида ҳам кўзга ташланади.

Ўрта Осиёда бир неча минг йиллар давомида турли динлар ҳамжиҳат бўлиб, тинч-тотув яшаб, миллати ва иркидан қатъи назар, мамлакатлар ва қитъаларни бирлаштирувчи, минтақа хавфсизлигини таъминловчи бирдан-бир маданият ўзаги бўлиб келган.

Дархақиқат, Ўзбекистон бешта қўшни мусулмон давлат — шимолий ғарбда Қозоғистон, шимоли шарқда Қирғизистон, жанубий-ғарбда Туркманистон, жанубий-шарқда Тожикистон жанубий-ғарбда озроқ масофада Афғонистон билан чегарадош ва бу давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик худудий хавфсизликни таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон яқин ва узоққа жойлашган мусулмон давлатлар билан кўп соҳаларда ҳамкор, улардаги халқлар азал-азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойитиб, савдосотиқ қилиб келган ва тинчликни сақлашга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган Конституциясига кўра, «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон ҳоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки хеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгадир. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», диний ташкилотлар ва уюшмалар давлатдан ажратилган ва қонун одида тенгдир. Давлат диний уюшмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дин маданий-маънавий омиллар умумий сулоласига кирувчи тенг ҳуқуқий қадрият сифатида тан олинди ва унга тўла эркинлик берилди. Диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига, европалик аҳоли христианликнинг провославия мазҳабига эътиқод қилади. Улар билан бир қаторда католик, протестант ва бошқа мазҳаблар, жами 15дан ортиқ конфессия вакиллари яшайди. Улар ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни, ҳудудий хавфсизликни таъминлаш йўлида фаолият юритмоқдалар.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, унда дин давлатдан ажратилган. Виждон эркинлигининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда (1998й.) баён этилган. Ўзбекистонда дин ва диний дуёнқараш дуёвий турмуш тарзи, дунёвий фикрлар билан ёнма-ён ривожланиб келмоқда. Қонунга биноан фуқарога якка ёки гуруҳ бўлиб динга эътиқод

қўйиш, диний урф-одатлар ва маросимларни бажо келтириш, муқаддас жойларга ҳаж қилиш ҳуқуқи берилган ва бунга давлат томонидан имкониятлар яратилганди. Биргина 2003 йилда 3000га яқин киши ҳаж ва 3500га яқин киши эса умра амалларини бажо этиб келди.

Ўзбекистон мусулмонлар диний идораси қарамоғида иккита ўқув юрти – Бухородаги «Мир араб» диний билим юрти 1945 йилдан буён фаолият кўрсатади ва Тошкент Ислом Институти 1971 йилда ташкил топган, 2000га яқин жоме масжид бор. «Мовароуннахр» нашриёти томонидан «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газетаси чоп этилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ислом динининг бой меросини, мусулмон алломаларининг асарларини чуқурроқ ўрганиш учун 1995 йилда Тошкентда Халқаро Ислом тадқиқотлари маркази тузилди. 1999 йилда Ўзбекистонда Тошкент Ислом Университети фаолият бошлади.

Давлат республикада тинчлик ва хавфсизлик рамзи бўлмиш иноқлик ва тотувликни қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, 1995 йилда Тошкентда «Бир осмон остида биргаликда яшаймиз» мавзусида мусулмон-христиан конфренцияси ўтказилди. Унда Жаҳон черковлари кенгашининг ва бир қанча хорижий черковларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Мустақиллик йилларида шонли саналар, машҳур мусулмон алломаларининг юбилейлари муносабатлари билан бир қатор халқаро симпозиумлар ўтказилди. Улар халқлар ўртасида тотувлик, бир-бирини эъзозлаш ва тинчликни сақлашга асос бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича мурожаати инобатга олиниб, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучлар ёвуз ҳаракатлари олдини олишга қаратилган тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 22 августда «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарор қабул қилди. Ушбу қарорни амалга ошириш республикада тотувлик, ҳамжиҳатлик ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашда «Ислом омили»ни ҳисобга олиш қанчалик муҳим эканлигини яна бир бор эслатади. Ўзбекистоннинг тинчлик, тотувлик, минтақавий хавфсизлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари профессор Леонид Левиннинг Москвадаги «Варчис» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон: Ка-

римов даври» номли китобида ифодаланган. Мазкур китоб муаллифнинг «Ўзбекистон: тарихий бурилиш палласида» китобининг тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашридир.

Китоб 2001-2002 йиллар давомидаги сиёсий воқеалар натижасида юзага келган. Унга халқар ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар тўғрисида қўшимча маълумотлар киритилган.

Китоб муаллифи прогрессив ва реакцион тенденцияларнинг ер юзида кескин тус олган кураши шароитида юзага келган янги даъватлар ва хавфларнинг ифодаси ўлароқ, Ўзбекистоннинг ушбу ғалвали дунёдаги ўрни ва ҳолатига, уни атрофлича таҳлил қилишга эътибор қаратаётган, шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг мазкур мураккаб халқаро жараёнлардаги ролини очиб берган.

Китобнинг иккинчи нашрига киритилган «Ал-Бухорий сабоқлари» деб номланган янги боб ислом ва дунёвий давлат, ислом динининг дунёдаги бошқа динлар билан муносабати, ислом ўзгаришларида Ўзбекистоннинг роли ва ўрни масалаларига бағишланган.

Ушбу бобда Л.Левитин Ал-Қоида ва ваҳобийлик, жиҳод ва шаҳидлар, Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИҲ), хизб-ут тахрир ал-исломий ва уларнинг халқаро терроризм билан боғлиқлиги каби тушунчалар тўғрисида фикр юритган.

Китоб ниҳоясида муаллиф яна бир карра Президент Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг буюк тарихий маънавий қадриятларини тиклашдаги, шунингдек, динни ниқоб қилиб олган диний экстримизмга ва терроризмга қарши матонат ва собитқадамлик билан курашувчи сифатидаги, юксак ислом маданиятига асосланган дунёвий давлат барпо этишдаги саъй ҳаракатларига юксак баҳо беради.

15.4. Муқобил комуникация ривожи — хавфсизликнинг асосий йўналиши

Республикада кенг тармоқли коммуникация тизими вужудга келтирилган. Бу тизим ички ва ташқи транспорт, алоқа ва ахборот эхтиёжларини, чет эллар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди. Умумий фойдаланишдаги йўловчи ва юк ташувчи транспортнинг ҳамма турлари — темир йўл, автомобиль, ҳаво, дарё транспорти, суюқ маҳсулот ташиладиган қувурлар, шаҳардаги трамвайлар, автобус, метрополитен, телекоммуникация ривожланган.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан бирга-ликда денгиз портларига чиқишни таъминлайдиган ва қадимий

Буюк Ипак йўлини тиклашга кўмаклашадиган транзит транспорт йўлагини вужудга келтиришни мўлжалламоқда. Шу мақсадда Ўрта Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкўкуматлари билан шартнома тузилиб, Таджен Серахс—Машхат темир йўл изга қўйилмоқда. Муқобил йўл сифатида Термиз—Ҳирот ва Эрон портларига чиқадиган йўл қурилиши бўйича ҳам Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистон раҳбарларининг 2003 йил учрашувида келишиб олинди.

Бу коммуникация Шанхай-Париж телекоммуникация кабель йўли каби бутун Осиёни кесиб ўтадиган магистралнинг бир қисмидир. Мазкур коммуникация йўлаги орқали қатнов бошланиши, Тинч океанининг Осиё қисми мамлакатларига Ўзбекистон орқали Ғарбга — Туркияга ва ундан Европага чиқиш ташиш масофасини икки баровар қисқартиради ва хавфсизликни ошириш имконини яратади. ТАСИС доирасида «ТРАСЕКА» лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистоннинг коммуникация ва транспорт таъминотида катта аҳамиятга эга бўлади.

Тошкентда «ТРАСЕКА» лойиҳаси бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг иккинчи конференцияси 2002 йил майда бўлиб ўтди. Асосий кўп томонлама битимга аъзо мамлакатлар транспорт бўйича вазирларининг биринчи форуми 2000 йил мартда Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги лойиҳа 1993 йил май ойида Брюссель шаҳридан ўз ривожланиш тарихини бошлаган. Унда Европа Комиссияси томонидан ташкил қилинган халқаро конференцияда «ТРАСЕКА» лойиҳасини яратиш таклиф этилган. Форумда 8та мамлакатнинг: Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг савдо ва транспорт соҳалари вазирлари иштирок этди. Томонлар Европадан Кавказ ва Каспий денгизи орқали Марказий Осиёга Ғарб-Шарқ йўналишидаги транспорт йўлагини ривожлантириш лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш тўғрисида келишиб олдилар.

Европа Иттифоқи томонидан таклиф қилинган «ТРАСЕКА» лойиҳасининг асосий ғояси, аъзо мамлакатлар учун қўшимча муқобил сифатида транспорт йўлагини ишлаб чиқиш, қуриш ва ишга тушириш ҳисобланди. У қуйидаги мақсадни кўзда тутади:

- муқобил транспорт йўналишлари орқали Европа ва жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини ошириш йўли билан Ўрта Осиё ва Кавказ давлатларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш;
- транспорт тизимини такомиллаштириш бўйича ҳудудий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

• транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва хусусий инвесторлар маблағларини жалб қилиш учун ушбу лойиҳадан катализатор сифатида фойдаланиш;

• «ТРАСЕКА» йўналишининг Европа транспорт коммуникациялари билан бирлашишида ҳар томонлама манфаатга эришиш.

«ТРАСЕКА» ҳукуматлараро комиссиясининг доимий котибияти қошида тўртта ишчи гуруҳ ташкил қилинган. Улар лойиҳанинг асосий йўналишларини: савдо, автойўл, темир йўл ва денгиз транспортлари билан боғлиқ масалаларни амалга оширишга кўмаклашиш учун «ТРАСЕКА»га аъзо мамлакатларнинг асосий кўп томонлама битимида кўрсатилганидек, 12та котибни ўз ичига олади.

«Европа-Кавказ-Осиё» йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисида асосий кўп томонлама битим ва 1998 йили Баку шаҳрида ўтказилган «Тарихий Ипак йўлини тиклаш» бўйича халқаро конференция якунлари асосида имзоланган техник иловаларни қабул қилиш «ТРАСЕКА» лойиҳасининг институционал-ҳуқуқий базасини ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу ҳужжатларни имзолаган давлатлар орасида Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Руминия, Тожикистон, Туркия, Украина, Ўзбекистон каби мамлакатлар бор.

Унинг иловаларига мувофиқ ва Европа Иттифоқи кўмагида, шунингдек, «ТРАСЕКА» ҳукуматлараро комиссиясининг доимий котибияти ташкил этилди ва унинг штаб квартираси Бакуда жойлаштирилди.

«ТРАСЕКА» лойиҳасини молиялаштириш Европа Ҳамжамияти комиссияси маблағлари ҳисобига шаклланди. Лойиҳани амалга оширишдан бошлаб, 46та лойиҳа кўриб чиқилди, улардан 33таси техник кўмак бўйича ва 13таси инвестицион лойиҳалар — инфратузилмасини тиклаш бўйича, унинг умумий ҳажми 99,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Экспертлар томонидан эътиборга олинишича, лойиҳа умумий бюджетининг 50%идан ортиғи инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган, бу эса «ТРАСЕКА» лойиҳасини янада қизиқарли қилади ва қулай инвестиция муҳитини яратади.

Мисол учун, мазкур лойиҳа доирасида техник лойиҳалар халқаро молия институтлари томонидан инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашади. Чунончи, ЕТТБ — 250 млн. АҚШ доллари ҳажмида молиявий қўллаб-қувватлаш, Жаҳон банки 40 млн. АҚШ доллари ҳажмида лойиҳаларни молиялаштириш, Осиё та-

раққиёт банки йўлларни тиклашга маблағ ажратиш мажбуриятини олди. Бундан ташқари лойиҳани амалга оширишга Европа Ҳамжамиятининг хусусий инвесторлари ҳам жалб этилган.

2002 йил охирларида «ТРАСЕКА» ҳудудлараро лойиҳасининг 8та аъзо мамлакатларида инвестиция лойиҳаларининг бюджети 50.450.000 еврога етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирнинг ўзидаёқ 50та мамлакат юк ташишини амалга ошириш учун «ТРАСЕКА» транспорт йўлагидан фойдаланилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш хоҳишини билдирган давлатлар сони ҳам кўпаймоқда. Чунки, «ТРАСЕКА» лойиҳаси қуйидагиларни кўзда тутади:

- мавжуд авто ва темир йўлларни тиклаш ва янгиларини қуриш;
- керакли хизматларни кўрсатиш бўйича йўл инфратузилмасини яратиш;
- халқаро ташишларини амалга ошириш бўйича малакали кадрлар тайёрлаш;
- аъзо мамлакатларнинг халқаро конвенция ва битимларга қўшилиш йўли билан ягона божхона ва тариф қоидаларини ишлаб чиқиш ва тегишли ҳуқуқий базани яратиш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, муқобил коммуникацияни ««ТРАСЕКА»» лойиҳаси ва бошқа лойиҳалар асосида ривожлантириш республика иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи асосий йўл бўлиб хизмат қилади ва Буюк ипак йўли тикланиши билан қадриятларимиз аҳамияти янада ошади.

Қисқача хулосалар

Стратегия ҳамкорлик минтакавий хавфсизликнинг асоси бўлиб, жаҳоннинг нуфузли НАТО – Европа ва бошқа жаҳон хавфсизлик тизимида Ўзбекистоннинг АҚШ ва НАТО билан ҳамкорлиги хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналиши сифатида кўрсатилган. Бундан ташқари хавфсизликни таъминлашда «Ислом омилини», янги муқобил коммуникация йўлларини ривожлантириш ва Буюк ипак йўлини тиклаш каби йўналишлар ҳақида фикр юритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Стратегик ҳамкорликни қандай ифодалайсиз?
2. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон жаҳон хавфсизлиги тизимида қайси давлат ва ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик қилади?
4. «Ислом омили»ни қандай тушинасиз?
5. «ТРАСЕКА» лойиҳаси Ўзбекистонга нима беради?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том, - Т., «Ўзбекистон», 2002.
2. Ўзбек маҳалласи – НАТО қароргоҳида. «Халқ сўзи», 2003 йил, 30 октябрь.
3. Тухлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедик маълумотнома. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Т., 2002.
4. Левитин Л. Ўзбекистон: Каримов даври. Москва, Варус нашриёти, 2003.
5. Проект «ТРАСЕКА». Делевой партнёр Узбекистна. №18 (423), 2 май 2000 года.

XVI боб

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ОГОҲЛАНТИРИШ ВА ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР

16.1. Фавқулодда ҳолатда юзага келадиган иқтисодий зарар

Табиий офатлар инсоният бошига оғир кулфатлар солади. Экологик муҳитга, халқ хўжалиги тармоқларига катта зарар келтиради. Улар йилнинг турли даврларида, турли ҳудудларда содир бўлади. Табиий ҳодисалар орасида катта моддий зарар келтирувчи, оғир жароҳатларга сабаб бўлувчи офат—зилзилалардир, Статистика маълумотларига кўра, ер юзида ҳар йили турли кучга эга бўлган юз мингдан ортиқ ер силкиниши қайд этилади. Жумладан, аҳолисининг сони турлича бўлган Япония, Греция, Туркия ҳудудлари зилзилалар бўлиб турадиган ҳудудлар қаторига киради.

Чет эл адабиёти маълумотларига кўра, кенг тарқалган ва хавфли табиий ҳодисалардан 5200 тасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, охирги 30 йил мобайнида юқори зарарли фалокатлар сони 3,5 марта, инсонлар ўлими билан боғлиқ фалокатлар эса 2,1 марта кўпайган.

Жаҳоннинг илмий-техникавий ва махсус адабиётлари маълумотларига кўра, 1965-1992 йиллар давомида фалокатли табиий ҳодисалардан ер юзида 3,6 млн. одам ҳалок бўлган, 3 млрд.дан зиёд одам шикастланган. Биргина, 1998 йилда табиий фавқулодда вазиятлар сони 538га етган, ҳалок бўлганлар сони эса 50 мингдан ортиқни ташкил этган.

1999 йил Туркиядаги зилзила, ҳалокатли оқибатларга олиб келган, унинг оқибатида 17 мингдан зиёд одам ҳаётдан кўз юмган. Европа давлатларида ҳавонинг ниҳоятда исиб кетиши 2003 йилнинг август ойида Францияда 5 кишининг умрига зомин бўлди. Ёнғин оқибатида эса, Португалия, Испанияда минг-минглаб одамлар талофат кўрди ва ўрмонлар ёниб кетди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ҳодисаларнинг кўпайиб бориши оқибатида кўплаб одамлар ҳаётдан кўз юмади, катта иқтисодий зарарлар кўрилди. Бундай зарар тахминан ҳисоб-китобларга кўра, 280 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Фавқулодда ҳодисалар қурбони бўлганларни эса, ҳар қанча маблағ билан ҳам ҳаётга қайтариб бўлмайди.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўзига хос геологик-географик жараёнлар сабабли турли хил табиий офатлар юз бериб туради. Шунинг учун бу ҳудудда фавқулодда вазиятлар хавфи ҳар доим

мавжуд. Буларнинг салбий таъсирини камайтиришга ҳаракат қилиш, аҳоли бу каби фавқулодда вазиятларга қарши туришга тайёр бўлиши керак. Аҳолининг юқори даражадаги зичлиги ва унинг ўсиб бориши фавқулодда вазиятлар тавакалчилигини оширади ва улар оқибатларини чуқурлаштириши мумкин.

Террористик ҳаракатлар оқибатида фавқулодда ҳолатлар юзага келади ва сезиларли иқтисодий зарар келтиради. 2002 йил 11 сентябрдаги террористик ҳаракат сабабли Нью-Йорк шаҳрига етказилган зарар ҳозирча 60 млрд. долларда баҳоланмоқда, лекин у бир неча триллионларгача етиши мумкин, деб хабар беради «The New York Daily News».

Хусусан, фақатгина суғурта компанияларининг ўзи 40-60 млрд. долларгача зарар кўрди. Суғурта тўловлари 25 млрд. долдлордан ошиб кетди. Бунгача Америка суғурта компаниялари томонидан тўланган энг кўп маблағ 19 млрд. долларга етган эди, у ҳам бўлса 1992 йили Эндрю тўфонидан келган зарарни қоплашга тўланган суғурта маблағи эди.

Ижтимоий таъминот лойиҳаси бўйича ҳалокатга учраганларнинг қариндошларига бериладиган давлат субсидиялари 1.3 млрд. долларни ташкил этди. Бундан ташқари фожеа қурбонларининг қариндошлари томонидан авиакомпаниялар ва аэропортларнинг хавфсизлик хизматларига қарши даъволари кутилган. Маълумки, 1988 йили Pan American авиакомпанияси самолётида содир этилган террористик ҳаракат ва бу самолёт портлаши оқибатида ҳалокатга учраган 104та йўловчининг қариндошларидан ҳар бирига ўртача 18,3 млн. доллар берилган. Террористик ҳаракат оқибатида Шотландия устида портлаган самолётда 200 киши ҳалокатга учраган.

Қўпорилган эгизак-осмонўпар биноларнинг қиймати 6—8 млрд. долларни, бу биноларда жойлашган ва уларнинг ён атрофидаги биноларда зарар кўрган 45 минг локал компьютер тармоқларини тиклаш харажатлари 3,2 млрд. долларни ташкил этади. Халқаро савдо марказининг харобаларини тозалашнинг ўзи эса 9 ойдан 1 йилгача чўзилди. Унинг ўринли харажатлари 1 млрд. долларга етади. Ушбу террористик ҳаракат натижасида Нью-Йоркнинг фуқароларидан 108 минг нафардан ортиғи ўз ишини йўқотган, яна 700 минг нафари иш соатлари, имтиёз ва иш ҳақи қисқариши сабабли зарар кўриши мумкин.

«The New York Daily News» газетасида таъкидланишича, ҳар бир йўқолган киши шаҳарга ўртача 150 минг доллар иқтисодий самара келтирарди ва улар юқори малакали ишчи кучи ҳисобланишарди. 6 минг шундай ишчиларсиз қолган Нью-Йорк кўрган зарарни ҳали ҳисоблаш керак! Дастлабки ҳисобларга

кўра, шаҳар бюджетига у йилнинг ўзидаёқ 3 млрд. долларлик солиқлар тўланмайди.

Халқаро савдо маркази олдида жойлацган 5 мингдан ортиқ кичик корхона ўз фаолиятини тиклай олмади. Федерал ҳукумат томонидан уларга кўрсатилган ёрдам 5 млрд. доллардан ошиши кутилмоқда, ҳафтасига Нью-Йорк меҳмонхоналари 7 млн. доллардан ошиқ, Бродвей театрлари эса ҳафтасига 5 млн. доллар зарар кўрмоқда.

Умуман, Америка иқтисодиёти террористик ҳаракатдан 10 кундан сўнг кўрган зарар 1 трлн. 380 млрд. долларни ташкил этган эди.

2001 йил 11 сентябрдаги террористик ҳаракат Ғарб иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди? Йирик ва майда инвесторларни нима кутмоқда? Жамғармаларни нима қилиш керак? Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви аҳоли ҳаётига таъсир этадими? Бу каби саволлар устида Буюк Британияда ҳам, бутун дунёда ҳам кўплаб мутахассислар, ҳукумат раҳбарлари, касаба уюшмалари раҳбарлари, ҳатто оддий фуқаролар ҳам бош қотиришмоқда. Бир хил жавоблар ҳали ҳеч кимда йўқ, бироқ шундай бўлса ҳам, умуман, Ғарб иқтисодиёти ва шу жумладан, Британия иқтисодиётининг ҳақиқий аҳволи сезила бошлади.

АҚШдаги аҳволни Нью-Йорк ва Вашингтондаги фожиали воқеалар натижасида рўй берди, деб таъкидламаслик керак. Мутахассислар аллақачон АҚШда иқтисодий фаолликнинг камайишини кузата бошлаганлари бежиз эмас. Америка Марказий банки баҳор ва ёз мобайнида ҳисоб ставкаларини камайтирган. Террорчилик ҳаракатидан олдин қилинган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Америка иқтисодиётида охирги йиллар мобайнида истеъмол талаби камайиб борган, ишлаб чиқариш суръатлари ҳам кескин пасайган. Бироқ террорчилик ҳаракатлари катализатор сифатида шу ҳолатга таъсир қилди.

Улар фожеа суръатларини кескин ошириб юборди. Агар 2001 йили 11 сетябргача ишлаб чиқаришнинг юқори технологиялари каби соҳаси қийинчиликларни ўз бошидан кечирган бўлса, фожиадан сўнг ҳаво транспорти, суғурта, туризм каби секторлар ҳам инқирозга учради. Бу занжирли реакция ҳалигача ўсиб бормоқда. Агар бир ой олдин кимдир «Свис-эйр» каби авиакомпаниянинг инқирозга учрашини айтса, уни аҳмоққа чиқазиб қўйишарди. Бугунги кунда эса бу қайғули ҳақиқат.

Бу фожеа оддий фуқарога қийинчилик туғдиради? Иш жойини йўқотиш, даромадларнинг камайиши, товар ва хизматлар нархининг ошиши, бундан ташқари яна ўнлаб трансмиллий компаниялар ўз персоналини кескин қисқартиришини маълум

қилдилар. Авиакомпаниялар билет нархини оширмоқда, темир йўл компаниялари ҳам шундай йўл тутишмоқда.

Терроризмга қарши курашишда АҚШнинг ўзи миллиард доллар сарфламоқчи. Бу ғарб иқтисодиётининг ишлаб чиқариш секторига ёрдам кўрсатмайди, ҳарбий саноат корхоналари фаоллашади. Бироқ, урушга кетадиган харажатлар ҳаводан эмас, бюджетдан олинади. Оқибатда, ижтимоий тадбирларга қилинадиган харажатларни камайтириш эҳтимоли ортади ва ҳакозо[2].

16.2. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар

Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида ҳам ер силкинишлари содир бўлган. Шуларни эътиборга олган ҳолда зилзила оқибатларининг кам зарар келтирадиган йўлларини топиш, халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мутахассислар фикрича, табиатни ўрганиш орқали унда содир бўлаётган жараёнларни ва хавфли ҳодисаларни келтириб чиқараётган сабабларни билиш мумкин. Шу ўринда моддий ва маънавий бойликларимизни, айниқса, халқимиз саломатлигини, ҳаётини турли табиий офатлардан, зилзилалардан маҳофаза қилиш, бундай вазиятларда аҳолининг хатти-ҳаракатлари нималардан иборат бўлиши кераклигини ва ҳодиса юз берганда кўрилиши зарур бўлган эҳтиёт чораларини билиш ниҳоятда муҳим.

Республикамиз фавқулодда вазиятлар муҳофазаси соҳаси мутахассислари маълумотларига кўра, табиий офат — зилзила содир бўлишини олдиндан айтиш, Ўзбекистон ҳудудини сейсмик районлаштириш ва микрорайонлаштириш бўйича бир қатор муаммолар ҳал этилган ва ижобий натижалар олинган.

Сейсмик районлаштириш ҳаритасига кўра, Тошкент шаҳри 8-9 баллик сейсмик минтақага жойлашганлигидан ҳар бир фуқаро хабардор бўлиши зарур.

1966 йил 26 апрелда Тошкентда ва ундан кейин шаҳар чегараси (Хаскова)да бўлган зилзила сабоқлари шаҳар қурилиши, якка тартибда турар жой бинолари қурилишида, иссиқлик ва сув таъминоти, ер ости йўллари ва метрополитенни бунёд этишда амалга ошириладиган қурилиш-йиғиш ишларида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, фавқулодда вазиятларда хавфсизлик меъёрларига амал қилинишини таъминлаш учун уларнинг устида назоратни кучайтириш зарурлигини кўрсатди. Ота-

---

[2] «Труд»-7, 2001 йил, 4 октябрь, 26-бет.

боболаримиз фойдаланиб келган синчли ёки пахса деворлар асосидаги бинолар зилзилага бардошли бўлиб, унда яшовчиларнинг ҳаётини маълум даражада сақлаб қолишга имкон беради. Шаҳар қурилишида ва хусусий бинолар қуришда қурилиш меъёрлари ва қоидаларига амал қилинса, биноларнинг зилзила бардошлилиги назоратдан ўтказилиб турилса, зилзилаларнинг салбий оқибатларини бирмунча камайтириш мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига республикада давлат сейсмик хизматини яратиш вазифаси топширилган. Унда кўзланган мақсад сейсмологик тадқиқотлар соҳасидаги ишларни тубдан яхшилаш, таянч сейсмик станцияларни замонавий рақамли сейсмик станциялар билан қайта қуриш, сейсмик маълумотлар узатувчи тезкор алоқа каналини ишлаб чиқариш ва шу йўналишдаги бошқа ишларни амалга оширишдан иборат[3].

Мамлакатимиз ҳудуди учун фавқулодда вазиятлардан табиий гидрометеорологик ҳодисалар (селлар, қор кўчиши, баланд тоғли кўллар тошқини ва бошқалар) характерлидир. Улар асосан Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди районларида кўпроқ кузатилади. Мамлакатимизда 238 та хавфли баланд тоғли кўллар аниқланган, республика ҳудудининг 46000 кв. км. майдони селлар ва сув тошқини туфайли хавфли зона ҳисобланади, 1000дан ортиқ дарё ва сойлар сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин.

Шу туфайли Ўзбекистон ҳудудида ва қўшни мамлакатлар ҳудудларида мониторингдан фойдаланиб, бу каби хавфли табиий ҳодисаларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш — энг муҳим масала ҳисобланади. Табиий ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларга хавфли геологик жараёнлар: зилзила, ер силжиши, емирилиши ва бошқа фалокатлар киради. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон ҳудудида 3 турдаги сейсмоген зоналар аниқланган. Уларда магнитудаси 5,5-7,5 ва жадаллиги 7-9 балл атрофидаги максимал хавфли зилзилалар рўй бериши мумкин. Бахтимизга, сейсмоген зоналар орасида шундай ҳудудлар мавжудки, уларда кучли зилзилалар рўй бериш эҳтимоли йўқ.

Сейсмология институти мутахассисларининг маълумотларига кўра, 1976 йилдан кейин рўй берган барча кучли зилзилалар сейсмоген зоналарда кузатилган. Бу ҳудудларда республи-

---

[3] Манба: М.Юнусов. Зилзила офатлари. Халқ сўзи., 2002 йил 11 май.

камизнинг 15 млн. аҳолиси истиқомат қилишини инобатга олсак, турли масштабда сейсмик районлаштиришнинг умумий харитасини ва зилзилаларни прогнозлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш жуда муҳим.

«Ўзбекгидрогеология» мутахассисларнинг фикрича, республика ҳудудида 12 мингдан зиёд ер кўчиш жойлари аниқланган. Уларда ҳар йили 150-250 ер кўчишлар рўйхатга олинади, намлик бўйича аномал йилларда эса минглаб 30-300 м^3 дан 1-90 млн. м^3 гача ер кўчишлари кузатилади. Улар асосан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳудудида 510 минг га майдонда рўй беради[4] .

Кўл билан яратиладиган фалокатлар кўлами ҳам кенг. Ўзбекистон ҳудудида жами 80 га яқин кўл ҳисобга олинган. Мавжуд кўллар унчалик катта эмас ва нотекис тақсимланган. Ўзбекистон ҳудудида энг катта кўл — Орол денгизи, унинг жанубий қисми Ўзбекистонга қарашли. Кейинги йилларда денгиз сатҳи анча пасайди, сув юзаси ҳам кескин қисқарди, сув қирғоқдан юзлаб километр чекинди. Оқибатда, бу ҳудудда фавқулодда экологик ҳолат юзага келди. Бу ҳолатни тўхтатишга ёки бирмунча секинлатишга қаратилаган лойиҳалар ишлаб чиқилди, шунингдек, Орол денгизини сақлаб қолиш халқаро фонди ташкил этилди.

Кўлларнинг аксари қисми тоғ тепаларида, 2000-3000 метр баландликда жойлашган. Уларнинг майдони 1,0 км^2 дан ортмайди. Қўшни Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудидида тоғ қулаши натижасида дарё ўзани тўсилиб, ҳосил бўлган кўллар, айниқса, хавфли ҳисобланади.

Сел келганда кўллар тошиб, қишлоқларни ювиб кетган ҳоллар бўлган (Гўзардарёда 1926 йили, Яшил кўлда 1966 йили). Текисликдаги кўлларда, асосан дарё билан боғлиқ дельтадаги Судочье ва Арнасой кўллари майдони Чордара сув омборидан ташланадиган сув миқдорига боғлиқ. Чунончи, охирги йилларда Арнасой кўли ҳавзаси кенгайиб, минглаб ерларни сув босмоқда ва катта зарар келтирмоқда.

Республикадаги саноат корхоналари 100дан ортиқ ифлослантириувчи моддаларни атмосферага чиқарадилар, ҳудудий жиҳатдан уларнинг 84%га яқини Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларига тўғри келади. Бу ифлослантирувчи моддаларнинг катта қисми 5та асосий тармоққа — энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё, қурилиш, ахлатни ёндириш ҳамда автотранспорт соҳаларига тўғри келади.

---

[4] Манба: А.Турдиев. «Деловой партнер Узбекистан» газетаси. 2002 йил 2 май №18 (423).

Республикамизда ифлослантирувчи моддаларнинг 50 дан зиёд тури аниқланган. Улар орасида нитратлар, фенол, нефть маҳсулотлари, хлорорганик ва оғир металлар кенг тарқалган.

Бугунги кунда яхши томонга кескин ўзгаришларни кузатиш қийин. Ўзбекистоннинг кимё саноати ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскирган ва энергия сиғими катта бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши 65%дан ошади, шу жумладан, машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши 70%ни ташкил этади, бу эса тармокда фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келади.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу соҳада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кечмокда, мулкчиликнинг янги шаклидаги корхоналар ташкил этилди, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун инвестициялар жалб қилиниб, қўшма корхоналар очилди.

«Элекркимёсаноат» (Чирчиқ), «Азот» (Фарғона), «Навоийазот», «Аммофос» (Олмалиқ), Самарқанд кимё заводи каби корхоналар ишчи-хизматчилари ва атрофда яшаётган аҳоли учун катта хавф туғдиради.

Хавф-хатарларнинг яна бир манбаи радиацион корхоналардир. Бу борада хавфсизлика эришиш учун атроф-муҳитни бундай моддалар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш, тегишли ҳудудларга одамларни назоратсиз кўчирмаслик, бу ерларда чорва молларини боқмаслик лозим. Акс ҳолда жиддий экологик оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Қўшни мамлакатлар – объектлари: Тожикистон алюминий заводи, Сарез кўли, Қирғизистондаги Майлуу-Суу дарё соҳилидаги радиоактив чиқиндилар омбори ва ҳакозолар ҳам катта экологик хавф туғдиради.

16.3. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бу соҳа учун кадрлар тайёрлаш

Кўплаб фалокат ва табиий офатларнинг олдини олиш имкони йўқ, лекин зарарларини камайтириш мумкин. Бунинг учун курашиш давлат сиёсатининг муҳим элементи ҳисобланади. Бу соҳада ҳуқуқий ва меъёрий асослар қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаттиҳаракатлар давлат тизими тўғрисида»ги 558-сонли қарори билан мустаҳкамланган. Фавқулодда ҳолатларга тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Гидрометеорология Бош бошқармаси, Хавфли геологик

жараёнларни кузатиш хизмати, «Саноатконтехназорат» агентлиги, республика Фанлар Академиясининг бир қатор институтлари мутахассислари ва олимлари ҳаракатларини бирлаштириш жуда муҳим. Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш, республика фавқулодда вазиятлар мониторингининг автоматлаштирилган ягона тизими, шунингдек, тўла ҳажмда ягона ахборот маълумотлари банкини ташкил этиш зарур. Чунки бу борада барқарор ижобий натижага эришишни уларнинг ҳиссасисиз тасаввур қилиш қийин.

«Фуқаролар мудофааси тўғрисида»ги Қонунда қайт этилганидек, «Фуқаролар мудофааси соҳасида аҳолини ўқитиш умутаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, ишлаб чиқаришда ва тураржойларда умумий ва мажбурий ҳисобланади». Ушбу муаммо АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир бўлган террорчилик ҳаракатидан сўнг янада долзарблашди.

Ишлаб чиқаришга жалб этилган фуқаролар махсус фавқулодда ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш борасидаги лойиҳалар бўйича ўқитилаётган бўлсада, қишлоқ ва шаҳарлардаги тураржойларда бундай вазиятлар бўйича ишсиз аҳолини тайёрлаш талаб даражаси амалга оширилмаяпти, бу йўналишдаги маълумотлар кўп ҳолларда умуман ўтказилмаяпти. Яна шуни эътиборга олиш керакки, институт замонавий ўқитиш методикаси ва воситаларига эга.

Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларларнинг олдини олиш ҳаракатлари давлат тизими миллий хавфсизликнинг бир қисми ҳисобланади. У фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади. Ҳар бир тармоқдаги каби бу соҳада ҳам ҳаракат қилиш учун билим ва кўникма талаб этилади.

1999 йил апрелида ҳукуматнинг 143-сонли қарорига мувофиқ Республика фуқаролар мудофааси бўйича бошқарув таркибини тайёрлаш маркази Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаролар мудофааси институтига айлантирилди. У давлатнинг олий ва касбий таълим муассасси ҳисобланади.

Бу таълим муассасаси ўқув-моддий базасига эга, зарур пайтларда эса тингловчилар институтга қарашли халқ хўжалиги объектлари бўлинмалари базасида ўқитилади.

Институт ўз фаолияти давомида 9200дан зиёд мутахассис тайёрлади. Бундан ташқари, институтда фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 150дан ортиқ ходими, «Муборакнефтегаз» компаниясининг 120дан ортиқ ишчилари ўқитилди.

Барча даражадаги профессор-ўқитувчилар ўз машғулотларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов-

нинг «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқаролар мудофааси тўғрисида», «Радиацион хавфсизлик тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунлар асосида ўтказмоқдалар.

Институтдаги ҳисоблаш маркази ўқув жараёнига тўлиқ қўшилган. Алоҳида мавзулар бўйича машғулотлар, шунингдек, барча синовларни ўтказишда компьютер техникасидан фойдаланилмоқда.

Институт ўқитувчилари барча вилоятларнинг Фавқулодда вазиятлар бош бошқармалари раҳбарларига, Олмалиқ, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатлари ҳамда вазирликлар, ташкилотлар, корхоналар, ўқув муассасалари мутахассисларига зарур масалаларда услубий ва амалий ёрдам бериб туришибди. Шунингдек, институтда тайёрланган услубий ишланмалар ва маърузалар керакли даражада дискеталарга, фавқулодда вазиятларга тегишли фрагментлар видеокассеталарга ёзиб олинади.

Ўқув машғулотларини ўтказиш учун таниқли олимлар ва тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг мутахассислари жалб этилади.

Тингловчилар ўз назарий билимларини «Фотон», Марказий телеграф, Республика тезкор тиббий ёрдам маркази объектларида мустаҳкамламоқдалар ва амалий кўникмалар ҳосил қилмоқдалар.

2001 йилда Фуқаролар мудофааси институтида «Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари» гранти бўйича илмий иш олиб борилган. Унинг натижаси ўлароқ, «Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари» деб номланган ўқув қўлланмаси нашр этилди.

2002 йили ҳам республикада иккита давлат стандарти нашр этилди: «Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик: асосий тушунча ва атамалар», «Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик: табиий фавқулодда вазиятлар. Атама ва тушунчалар».

2003 йилда яна 3 стандарт тайёрланиб, Ўздавлатстандартга тақриз ва нашр қилиш учун тақдим этилди. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида фуқаролар мудофааси бўйича фанларни ўқитиш» концепцияси тайёрланди ва тасдиқланди, ўқув лойиҳалари ишлаб чиқилди, умумий ва ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари учун ўқув қўлланма нашр этилди.

Институт ходимлари «Сув ресурслари, Орол муаммоси ва атроф-муҳит» деб номланган илмий ишнинг муаллифлари ҳи-

собланади. Улар 40дан зиёд илмий-амалий конференциялар ва семинарларда иштирок этганлар.

Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Киев Қурилиш ва архитектура миллий университетининг фуқаролар мухофазаси бўйича мутахассиларни тайёрлаш кафедраси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги чоп этган «Фавқулодда вазиятларни моделлаштириш ва прогнозлаштиришда илмий-амалий муаммолар»[5] деб номланган тўпламда институт ҳодимларининг мақоласи ҳам жой олган.

2000 йилдан бошлаб «Фуқаролар муҳофазаси — Гражданская зашита» деб номланган ижтимоий-оммавий ва илмий-амалий журнал нашр этилмоқда. Ундан олимлар ва мутахассисларнинг фуқаролар мудафааси бўйича долзарб масалаларга бағишланган мақолалари ўрин олмоқда.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жуда муҳим. Фақат керакли билим ва кўникмаларга эга бўлибгина турли фавқулодда вазиятлар орқали жамиятга етказиладиган моддий зарарларни камайтириш мумкин.

Инсон ҳаётига реал хавфлар эса камайгани йўқ. Булардан бир нечтасини санаб ўтамиз: мураккаб экологик вазият, Орол денгизи муаммоси, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, тупроқ, сув ва ҳавонинг турли хил саноат, маиший ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланиши, табиат катаклизмалари, терроризм ва ҳоказолар.

---

[5] «Моделирование и прогнозирование чрезвигайных ситуаций. Научно-практические проблемы», Киев, «Наука», 2001г.

Қисқача хулосалар

Фавқулодда ҳолатлардан огоҳлантириш, бундай ҳолатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган иқтисодий зарарлар, Нью-Йорк ва Вашингтон фожеалари республикада фавқулодда вазиятлар, 1966 йил 26 апрелда Тошкентдаги зилзила оқибати, сув тошқинлари, сел ва қор кўчиши, бундай ҳолатларнинг олдини олиш тизими ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш масалалари баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Фавқулодда ҳолатларни юзага келтирадиган зарарлар деганда нималарни тушунасиз?
2. 2001 йилда 11 сентябрда АҚШда қандай террористик ҳаракатлар рўй берди ва унинг оқибатлари қандай бўлди?
3. Ўзбекистонда фавақулотда вазиятлар бўладими ва улар қандай оқибатларга олиб келади?
4. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш билан кимлар шуғулланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т., «Ўзбекистон», 2002.
2. М.Юнусова. Зилзила офатлари. «Халқ сўзи», 2002.
3. А.Турдиев. «Делавой партнер Узбекистана» газетаси, №18(423) 2003 йил 2 май.
4. Моделирование и прогнозирование чрезвычайных ситуаций. Научно-практические проблеми. Киев, «Научно», 2000.

XVII боб

КОРРУПЦИЯ БИЛАН КУРАШИШ – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛИ

17.1. Ўтиш иқтисодиёти хавф-хатарлари

Патриархал жамиятда чиновникларни бошқаришнинг одатий белгилари уларнинг келувчиларга бўлган муносабатлари ёки уларга муносабатда бўлганларга қарата қилинган ҳаракатлари бўлган. Лекин тараққиёт, давлатнинг фуқароларига бўлган муносабати, яъни «чин кўнгилдан» қилинган совғаларни пора сифатида, давлат одамларининг фуқароларга бўлган норасмий муносабатлари доирасини «коррупция» атамаси билан аташган. Лекин биттагина номлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Инсоний муносабатлар тизими қийин ва узоқ вақтда ўзгаради. Шунинг учун учинчи минг йиллик бошида коррупция билан курашиш жамият қарашларида марказий ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг коррупцияга қарши курани масалаларига бағишлаб 1998 йил 25 февралда ўтказилган йиғилишида қайд этганидек, «Республикамиз иқтисодиёти, сиёсати, халқаро обрўйи ва жамиятимиз ахлоқий ҳолатига салбий таъсир этувчи энг хавфли ҳодисалардан бири – бу, коррупциядир. Иқтисодиёт соҳасидаги ҳолатнинг анализи, бизни коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор беришни тақазо этмоқда. Биз қонунчилигимизни мустаҳкамлашга ва қонунларга риоя этишга олиб келувчи кескин, кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришимиз зарур. Бу қонунлар кичик корхоналар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиб, порахўрлик, мансаб суъистемоли каби ҳолатларга чек қўйиши лозим. Айниқса, порахўрлик, коррупция, айбдорларни яшириш, ўз ишига бефарқлик ҳолатлари ҳуқуқтартибот органлари орасида бўлишига йўл қўймаслик керак, чунки қонунни ҳимоя қилувчиларнинг аввало ўз «қўли тоза бўлиши шарт».[6]

Коррупция – деярли кўп қиррали кўринишда ва кенгроқ қилиб айтилганда, ўз мавқеидан, шахсий манфаатларида фойдаланишдир. Қисқача қилиб айтганда, коррупция – бу, амалдор шахслар ўз амалини суистеъмол қилиши ёки бу амалдан моддий таъминланиш учун фойдаланишидир. Порахўрлик кўриниши – бу,

---

[6] Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралдаги йиғилишидаги нутқи. «Халқ сўзи», 1998 йил 26 февраль.

қачонки амалдор ўз вазифасини тақозо этган шартларни бузганлиги учун эмас, балки шу ишни қилганлиги учун ҳақ тўлаш. Порахўрлик амалдор вазифасининг ноаниқлигидан, давлатнинг маъмурий ва молиявий томондан яхши таъминланмаганлигидан келиб чиққади. Агарда коррупция механизми орқали криминал элементлар амалдорларга таъсир қилса ва уларни ноқонуний муносабатлар тизимига тортиб, криминаллашган амалдорларни иқтисодиётнинг бошқа субъектларидан пул воситаларини кўплаб олишади. Бу пулни тўплаш учун ўша иқтисодчи ҳисобини солиқ орқали чиқаради ва шу орқали иш механизмини олиб боради. Асосан коррупция иқтисодий муносабатларга, иқтисодий ўсиш бўлаётган давлатларнинг иқтисодий потенциалига таъсир қилади.

Бугун, Жаҳон банки мутахассислари Г.Бродман ва Ф.Риканатин фикрига кўра, «ўн йил трансформациядан сўнг коррупция ҳаммага тушунарли кўринишда бўлиб, энг олий мақсадлар ва ислоҳатларнинг юзага келишига хавф солиши мумкин. Иқтисодий ўсиш давридаги давлатлардаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар қийинчиликлари вақтида сиёсатчилар коррупция қандай оқибатларга олиб келишини билишлари керак». Шунинг учун кейинги йилларда коррупцияга қарши курашиш иқтисодий ўсиш давридаги давлатларнинг сиёсий лойиҳасида асосий элемент ҳисобланади. Бу давлатлар учун энг кўп хавф — бу, айрим коррупция ёки гуруҳларнинг пора ёрдамида ўзлари учун керакли қонуний нормалар ва иқтисодий мақсадларни амалга ошириши ҳисобланади. Кўпгина изланувчилар (Д.Джонс, Д.Кауфман, Д.Хеллман)нинг фикрича, бундай ҳолат кенг кўламда хусусийлик ҳуқуқи етарли бўлмаган, иқтисодий либераллашиш ва рақобатчилик ривожланмаган давлатларда юзага келади.

Коррупция чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятига салбий таъсир қилади. Изланишлар мобайнида Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки 1998 йилда ривожланаётган 22 та мамлакатда, чет эл инвестицияси ҳажми фуқаролар даромади билан тескари боғлиқликда бўлиб, аксинча юқори давлат эшалонларида коррупция кенгайиши ва катта контрактлар тузилишида пора олиш ётади. Масалан 1994 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда Белоруссия, Қирғизистон, Молдова, Россия, Украинага қилинган тўғри чет эл инвестициялари аҳоли жон бошига 20 доллардан тўғри келган. Айни пайтда бу борадаги кўрсаткич Польша ва Словенияда тахминан 100, Венгрия ва Чехияда 200 долларни ташкил этган. Бунда коррупция даражаси кейинги давлатлар гуруҳида паст. АҚШ миллий иқтисодий анализ бюросининг 2000 йилда нашр этилган докладида Шарқий Европа давлатлари ва собиқ СССР ўтган асрнинг

90-йиллари маълумотига кўра, коррупция чет эл инвестициясига қиммат ишчи кучи ёки юқори солиқ ставкалари каби тўсқинлик қилади. Мустақиллик йилларигача Украинада чет эл инвестицияси 1,4 млрд. доллар бўлса, давлатдан 15-20 млрд. доллар чиқиб кетган. Бунда қисман коррупция ва жиноятчилик реакциясининг таъсири бўлса керак.

Порахўрлик гуллаб-яшнаши учун хўжалик юритишнинг меъёридан ошиқ бўйсундирилганлиги ва ўнлаб муассасалар томонидан тартибга солиниши, шунингдек, мансабдорларнинг бемалол изоҳлашига кенг кўлам очиб берадиган хўжалик қонун меъёрларининг етарли даражада эмаслиги қулай шароит яратади.

Умуман олганда, коррупция жиноий секторга ва бошқа ноқонуний иқтисодий соҳалар билан алоқадорлиги учун қонун томонидан ман қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, порахўрлик ривожланишининг қулай шароити хўжалик фаолиятининг ҳаддан ташқари регламентлашгани ва уни ўнлаб идоралар томонидан тартибга солиниши, шунингдек, амалдорларга ихтиёрий равишда тушунтириш учун кенг имконият берадиган, хўжалик ҳақидаги қонунлар тўғри таъсир нормаларининг охирига етказилмаганидир.

Амалдорларнинг тадбиркорлиги порахўрликдан пора берувчи тарафнинг йўқлиги билан фарқланади. Бу ерда хизмат коидаларини бузишнинг буюртмачиси — маълум қарорни қабул қилиш ёки мослашувига монополиядан тадбиркорлик ёки рента даромадини олувчи ижрочининг ўзидир. Бундай ҳолатларни хусусий муносабатларнинг тармоқлари амалдорларни муайян хусусий манфаатлар билан боғлаши руёбга келтиради. Баъзан бундай боғланишлар муайян амалдорни муайян тузум томонидан «пул тўлаб қутқариш»ни, аммо кўпроқ ҳолларда, давлат хизматчилари ва тадбиркорлари томонидан бир-бирига кўрсатадиган ўзаро хизматлар тармоқларига киритилганлигини кўзда тутадилар.

Умуман олганда, коррупция қонун билан тақиқланган фаолият кўриниши сифатида жиноят секторига қарашли ва нолегал иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан тор боғланган. Агарда жиноий элементлар амалдорларга уларни қонунга хилоф муносабатлар тизимига тортиб, таъсир кўрсатса, жиноятга қўл урган амалдорлар қонунлар маромига етказилмаганлигидан фойдаланиб, иқтисодиётнинг расмий субъектларидан порахўрлик механизмлари оркали пул маблағларини товлайдилар. Охиргилар эса бу маблағларни тўлаш учун ҳисобатни нотўғри беришга, соликдан озод этишга, яъни иқтисодиётнинг соғ соҳасига хос бўлган фаолият механизмини ўзлаштиришга уринишади, бу эса унинг кенгайишига олиб келади.

Ўтган асрнинг 80 ва 90-йилларида коррупция билан боғлиқ бўлган кўп сонли жанжаллар бўлган эди. Айниқса, демократия механизмлари бўлмаган энг кам ривожланган мамлакатларда коррупция тезроқ ривожланади. Шундай қилиб, Нигерияда юқори мансабли амалдорларнинг ўғриликлари натижасида 1992 йили давлат ҳисобларидан 3 млрд. долларга яқини (10% ЯММ), 1993 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида яна 1,5 млрд. доллар йўқолган. Ғарб иқтисодчиларининг фикрича, бу мамлакатда 1990 йилнинг июли ва 1991 йилнинг майлари орасида нефть сотилишидан ҳисобга олинмаган даромадлар 3 млрд. долларни ташкил этган.

Ривожланувчи мамлакатларда коррупцияга энг кўп йўлиққанлари Осиё давлатлари ҳисобланади. Бу минтақада ишлайдиган менеджерлар сўрокларининг натижасига кўра, бунда раҳнамолик Хитой, Ҳиндистон ва Индонезияга тегишлидир. Хусусан, Ҳиндистонда, оппозициянинг маълумотлари бўйича, Вазирлар маҳкамасининг собиқ раиси Напасимха Раонинг энг яқин издошлари турли хил қурбонликлар ва поралар сифатида ноқонуний 850 минг доллар олишган. Фирибгарликларда ҳар хил фирмаларга имтиёзлар ва енгилликлар бериш учун пора олган 115 та таниқли сиёсатчи ва давлат амалдорлари аралашганлиги маълум бўлди.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган кўпгина мамлакатларда коррупция фаол ривожланмоқда. Ў қанчалик хавф-хатарли эканлигини Россия мисолида кўриш мумкин. Кичик корхоналар вакилларининг 11 Бутун Россия қурултойида келтирилган, Санкт-Петербургдаги 200 тижорат тузумлари раҳбариятларининг сўроқларини натижаси бўйича, сўралганларнинг 98 фоизи ўз тадбиркорлик фаолияти даврида (1 йилдан 5 йилгача) мансабдор шахслар томонидан бевосита ёки билвосита товламачиликка дуч келишганини; тадбиркорларнинг 96 фоизи пора беришга мажбур бўлганларини айтишди. Фаолиятида порахўрлик энг куп тарқалган идоралар сифатида божхона хизматлари, тижорат тузумларини рўйхатга олишни амалга оширувчи, хусусийлаштириш ва давлат мулкини бошқарувчи, бинoларни ижарага берувчи муассасалар, шунингдек, арбитраж судларининг номлари айтилган эди. Бошқа текширувчиларнинг маълумотларига кўра, сўралган тадбиркорларнинг 90%и турли давлат идоралари хизматчиларига пора бермасдан ўз ишларини сақлаб қолишлари мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Шу боис улардан 63 %и ижроия қўмиталари, 58%и молия-назорат идоралари, 48%и божхона ва ташқи савдо ташкилотлари хизматчиларига, 45%и турли даражадаги депутатларга, 35%и милиция, 25%и суд ва прокуратура ходимларига пора беришга мажбур эдилар. Бу коррупция фаолиятининг энг юқори кўрсаткичи деб белгиланади. Порахўрлик аниқлан-

ган ҳолатларни уларнинг амалдаги даражасига нисбатан қийматларини эксперт баҳолаш 0,1 дан 2% гача ўзгариб туради.

Аммо охирги ўн йилликларда коррупция юқори ривожланган мамлакатларда ҳам фаол тарқалаяпти. Агар ўтган асрнинг 80-йилларида Олмониянинг етарлича яхши обрўга эга бўлган менеджерлари ва ҳукумат коррупцияни мамлакатнинг иш иқлимига жиддий хавф-хатар деб ҳисобламаган бўлса, 1994 йили пора олишда давлат амалдорларидан 2000 га яқини айбланган ва Олмония иқтисодиёти порага турли хил шартномаларни тузишдан йилига 10 млрд. маркагача йўқотар, порахўрлик хусусий бизнесда ҳам тарқалган эди.

Масалан, катта жанжал «Мерседес-Бенц» концернининг етакчи менеджерларидан бири дилерларга порага савдонинг имтиёзли шароитларини яратиб, 2,3 млн. дойч марка ишлагани билан боғлиқ эди. Шу концерннинг экспорт бўлими бошлиғи хизматчилари билан биргаликда Янонияга юборилиши керак бўлган автомобилларни порага Туркия ва Шарқий Оврупага имтиёзли нархлар буйича сотишган, бу концернга 20 млн. дойчмарка зарар етказган.

1994 йилнинг майидан 1995 йилнинг майигача бўлган давр ичида АҚШ маъмуриятига порахўрлик натижасида Америка компаниялари тахминан 45 млрд. долларли фойдадан қуруқ қолган 100 ҳолат маълум бўлди, 1996 йилнинг биринчи ярмида шу сабабларга кўра, улар 20 млрд. долларли шартномани йўқотишди.

Коррупциядан, айниқса, қурилиш катта зарар кўрган. Америка мутахассислари томонидан ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, фақат Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) мамлакатларида 1997 йилнинг майидан 1998 йилнинг апрелигача шу соҳада порага 30 млрд. доллар сарфланган.

Бир қатор текширувчиларнинг айтишича, бир қатор мамлакатларда коррупция тизим табиатига эга бўлиб, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг асос солувчи омилларидан бирига айланиб қолмоқда. Жамият коррупланишининг бу босқичи қуйидаги меъёрлар билан белгиланади:

- давлат сиёсати ҳукумат бошида турган ёки ҳукуматга таъсирини ўтказа оладиган шахсларнинг хусусий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади;
- амалдорлар даромадларининг кўп қисмини қўшимча ва соя даромадлари ташкил этади;
- коррупция аҳлоқий иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятининг меъёри бўлиб қолмоқда;
- ижроия ҳукумат бизнес билан ўзаро таъсирлашишнинг норасмий, маъмурий шакл ва усулларини фаол ишлатмоқда ва ҳоказолар.

Коррупция жамиятга қандай зарар етказиши тўғрисида 1996 йили Бутун Жаҳон банкининг президенти Джеймс Вульфенсон бундай деган эди: «Биз коррупция «ўсмаси» билан курашишимиз керак. Бирин-кетин мамлакатларда инсонлар бу касалликка қарши чора кўрилишини талаб қилишмоқда. Улар коррупция натижасида камбағалларга аталган маблағлар бойларнинг қўлига тушушини билишади, бизнесни юритиш билан боғлиқ харажатлар ошади, давлат харажатларида камайишлар юз беради ва хорижий инвестициялар тўхтатилиб қолади. Улар коррупция молиявий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш лойиҳаларида иштирок этиш ҳоҳишини ўлдиришини ҳам билишади. Бизлар ҳаммамиз ҳам коррупция соғлом ва адолатли ривожланиш йўлидаги асосий бартерлигини биламиз. Бутун Жаҳон банки биз қўллаб-қувватлаган лойиҳаларда коррутцияга йул қўйишни хоҳламайди ва бизнинг фаолиятимиз ҳалолликнинг энг юқори стандартларига жавоб бериши учун чора кўраяпмиз. Агар биз иштирок этган лойиҳаларимизда коррупция ҳодисалалари борлигини аниқласак, шу лойиҳаларни амалга оширишни тўхтатамиз"[7].

17.2. Коррупцияга қарши кураш самарадорлиги

Коррупциянинг охирги ўн йилликда жуда кенг тарқалиши ва глобаллаштириш шароитида фақат алоҳида миллий иқтисодиётларгагина эмас, балки жаҳон иқтисодий ривожланишининг мослашувига келтирадиган катта зарари, у билан курашни халқаро даражада кенгайтириш кераклигини белгилайди. Бундай курашнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлиб АҚШ чиқди. АҚШнинг иқтисодиёт ва бизнес ишлари бўйича Давлат котиби ёрдамчиси Алан П. Ларсон айтишича, «Ҳар қайси мамлакат тижорат порахўрлиги билан кураш учун жавобгардир. Миллий даражада қонун чиқариш чоралари воситасида келишилган ҳаракатлар қабул қилиш вақти келди. Ҳаракатсизлик ривожланувчи жаҳондаги демократияни синдиради. У, шунингдек, бизнинг институтларимиз ва қадриятларимизга хавфли, парчаловчи таъсир кўрсатади».

Кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилигида илгаридан шу мамлакатнинг расмий шахсларини порахўрлик учун жазолайдиган моддалар мавжуд. Аммо мамлакат фуқароларини хорижий давлатларнинг расмий шахсларига пора бериши учун жазолайдиган модда биринчи марта 1977 йили АҚШда, хорижий коррупция тўғрисидаги қонун қабул қилингач, пайдо бўлди. Бу қонун ва у билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ўнлаб Америка корпорацияларини суд томонидан таъқиб қилиш ва жазолашга

---

[7] Манба: "Экономическое обозрение" журнали, №2, 2000й.,30-33-б.

асос бўлди. Бунда суд текширишларини қўзғатиш ва олиб бориш учун керак бўлган маълумотларни берган бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг ёрдамидан кенг фойдаланилади.

Дания ҳукумати ва Жаҳон Банки лойиҳаси асосида ташкил этилган Indem жамғармаси хулосасига кўра, «россияликларнинг ҳар йилги пора ва бошқа ноқонуний тўловлари суммаси 36 млрд. долларни ташкил этади, бу Россия ЯИМнинг 12%дир. Аслида бу кўрсаткич бундан ҳам юқори, чунки улар минимал даражадаги сонларга таянганлар. Ҳар бир бизнес лойиҳасининг 10% ни пора «ҳазм қилади». Пораларнинг катта қисми — 34,6%и-санитар хизматлар, ёнғин хавфсизлиги, 34,2%и лицензиялаш органлари томонидан олинади. Солиқ хизмати каби молиявий ташкилотларга пораларнинг 22%и тўғри келади. Indem тадқиқотчилари хулосасига кўра, пора фирманинг фаолият самарасига деярли таъсир этмайди. Бу порахўрлик оддий бир жараён бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Кундалик турмуш даражасида россияликлар пораларнинг катта қисмини ўз фарзандларини ўқишга жойлаштириш учун — 449 млн. доллар, ундан кейин милицияга 368 млн. доллар «тўлайдилар». Россия фуқароларининг деярли ярми пора бериш ёки бермаслик вазиятида бўлишган. Сиёсатчилар орасидаги коррупцияга эътибор берар экан, Indem тадқиқотчилари, аввало, Россия Давлат Думасидаги порахўрликка алоҳида эътибор бердилар. Давлат Думаси қўмита аъзоларининг «ноқонуний даромади» расмий даромадларидан тахминан 15-20 баробар зиёд бўлиши мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан порахўрлик давлат мансабдор шахслари орасида авж олишининг 3 та асосий сабаби аниқланган: иш ҳақи пастлиги, пенсияга чиққандан кейин камбағал бўлиб қолиш эҳтимоли катталиги ва қонунларнинг сустлиги. Бироқ Indem тадқиқотчилари хулосасига кўра, мансабдор шахсларнинг иш ҳақлари кўтарилишлари порахўрлик жараёнини камайтира олмайди[8].

Россияда давлат хизматини ислоҳ қилишга қаратилган янги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилмоқда. Бундан мақсад давлат бошқарув тизимини қайта тузишдир. Ислоҳотларнинг ҳозирги даврида бу ишни вазирликларни бюджет томонидан субсидиялаш тизимини қайта кўриб чиқишдан бошлаш режалаштирилмоқда. Россиянинг коррупцияга қарши кураш усулида коррупция давлат бошқарув органлари тизимининг номукаммаллиги сабабли, давлат бошқаруви жамиятга эмас, ўз-ўзига хизмат қила бошлаши сезилади.

1993 йили Берлинда 20 мамлакат сиёсатчилари ва йирик

---

[8] Манба: www.evrasianews.com

бизнес вакиллари томонидан «коррупциялашган амалдорларга қарши адолатли савдонинг халқаро стандартларини қўллаш ва жаҳон бизнесига ёрдам бериш"ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Трансперенс Интернешнл («Халқаро шаффофлик») ижтимоий гуруҳи ташкил этилган эди. Фаол ташкилотчилари қаторида Бутун Жаҳон банкининг собиқ раҳбари Роберт Макнамара, АҚШ молия вазирининг собиқ ўринбосари Питер Макферсон, Эквадор ва Ботсвананинг вице-президентлари, БМТ, «Дженерал электрик» компаниялари ва «Боинг»нинг юқори мансабли ходимлари бўлган бу гуруҳнинг баёнотида айтилишича, «Хорижий ёрдам сифатида ажратилган маблағлардан пул ундириш ва уларни бизнесменлар ва давлат амалдорларининг ҳисобларида ўтириб қолиши фақатгина шу мамлакатларда қашшоқликни кучайтириб қолмай, балки шу ёрдамни молиялаган ривожланган мамлакатларнинг солиқ тўловчиларига қарши қаллобликни ҳам кўпайтиради. Ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг бўлимлари 60 мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилнинг октябрида Дурбан шаҳарида (ЖАР) шу гуруҳ ташкил қилган, коррупцияга қарши курашга бағишланган тўққизинчи халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда 130 мамлакатнинг бир ярим мингга яқин вакили иштирок этди. Ушбу гуруҳ фаолиятининг мақсади «халқаро савдо стандартларини жорий этиш ва жаҳон бизнесига коррупцияга қарши курашда ёрдам бериш»дан иборат. Гуруҳ аъзолари қабул қилган баёнотда қуйидаги фикр қайд этиб ўтилган: «Халқаро ёрдамнинг мансабдор шахслар ва бизнесменлар ҳисоб рақамига тушиши давлатнинг янада камбағаллашувига олиб келади, шу билан бирга, бу иқтисодий ёрдам берувчи ривожланган давлатлар солиқ тўловчиларига нисбатан қилинган қаллобликдир».

Берлинда жойлашган «Трансперенси Интеренейшнл» (Transparency International) ташкилоти ўзининг коррупцияни баҳолаш лойиҳаси билан (Corruption Perception Inex, CPI) 1995 йилдан бери барчага маълум. Бу индекс субъектив фикрлар йиғиндиси ҳисобланади. Transparency экспертлари бошқа тадқиқот марказлари маълумотларини умумлаштирадилар. 2002 йилда тўққизта мустақил ташкилот томонидан 15 та сўров ўтказилди. Баллар (10 —идеал хаққонийлик, 1 — соткинлик) шу давлатлар тадбиркорлари ва мутахассислари томонидан берилган интервюларга асосланиб қўйилган 89 давлатдаги коррупция индекси 2-жадвалда келтирилган.

Сўров натижаларига кўра, коррупциядан энг тоза давлат деб Финландия эътироф этилди. Ундан кейинги ўринни Дания, Янги Зелландия, Исландия, Сингапур ва Швеция эгаллади. Дунёдаги энг демократик давлат сифатида тан олинган АҚШ бу рўйхатда ўн олтинчи ўринни банд этди.

Давлат хизматчиларининг кўпчилиги коррупцияга алоқадор мамлакатлар рўйхатини Камерун, Боливия, Қозоғистон, Вьетнам, Украина ва Грузия бошқариб бормоқда.

Коррупция фақатгина ривожланаётган давлатларда авж олган, дейиш унчалик тўғри эмас. Рўйхатга эътибор берадиган бўлсангиз кўпгина бой, демократик мамлакатларда ҳам бу иллат илдиз отганига амин бўласиз.

2-жадвал

Давлатларнинг коррупцияланиш индекси (Transparency International, 2002)[9]

Ўрин	Давлатлар	Индекс балли		Ўрин	Давлатлар	Индекс балли		Ўрин	Давлатлар	Индекс балли	
		2002	2001			2002	2001			2002	2001
1	Финляндия	9,7	9,9	31	Италия	5,2	5,5	59	Эфиопия	3,5	—
2	Дания	9,5	9,5	32	Урутвай	5,1	5,1	62	Миср	3,4	3,6
2	Янги Зеландия	9,5	9,4	33	Венгрия	4,9	5,3	62	Сальвадор	3,4	3,6
4	Исландия	9,4	9,2	33	Малайзия	4,9	5	64	Таиланд	3,2	3,2
5	Сингапур	9,3	9,2	33	Тринидад ва Тобаго	4,9	5,3	64	Туркия	3,2	3,6
5	Швеция	9,3	9,0	36	Беларусь	4,8	—	66	Сенегал	3,1	2,9
7	Канада	9,0	8,9	36	Литва	4,8	4,8	67	Панама	3,0	3,7
7	Люксембург	9,0	8,7	36	ЖАР	4,8	4,8	68	Малави	2,9	3,2
7	Нидерландия	9,0	8,8	36	Тунис	4,8	5,3	68	Узбекистан	2,9	2,7
10	Буюк Британия	8,7	8,3	40	Коста-Рика	4,5	4,5	70	Аргентина	2,8	3,5
11	Австралия	8,6	8,5	40	Иордания	4,5	4,9	71	Кот д'Ивуар	2,7	2,4
12	Норвегия	8,5	8,6	40	Маврикий	4,5	4,5	71	Гондурас	2,7	2,7
12	Швейцария	8,5	8,4	40	Жанубий Корея	4,5	4,2	71	Хиндистон	2,7	2,7
14	Гонконг	8,2	7,9	44	Греция	4,2	4,2	71	Россия	2,7	2,3
15	Австрия	7,8	8,5	45	Бразилия	4,0	4,0	71	Танзания	2,7	2,2
16	АҚШ	7,7	7,6	45	Болгария	4,0	3,9	71	Зимбабве	2,7	2,9
17	Чили	7,5	7,5	45	Ямайка	4,0	—	77	Покистан	2,6	2,3
18	Германия	7,3	7,4	45	Перу	4,0	4,1	77	Филиппин	2,6	2,9
18	Исроил	7,3	7,6	45	Польша	4,0	4,1	77	Руминия	2,6	2,8
20	Бельгия	7,1	6,6	50	Гана	3,9	3,4	77	Замбия	2,6	2,6
20	Япония	7,1	7,1	51	Хорватия	3,8	3,9	81	Албания	2,5	—
20	Испания	7,1	7,0	52	Чехия	3,7	3,9	81	Гватемала	2,5	2,9
23	Ирландия	6,9	7,5	52	Латвия	3,7	3,4	81	Никарагуа	2,5	2,4
24	Ботсвана	6,4	6,0	52	Марокко	3,7	—	81	Венесуэла	2,5	2,8
25	Франция	6,3	6,7	52	Словакия	3,7	3,7	85	Грузия	2,4	—
25	Португалия	6,3	6,3	52	Шри-Ланка	3,7	—	85	Украина	2,4	2,1
27	Словения	6,0	5,2	57	Колумбия	3,6	3,8	85	Вьетнам	2,4	2,6
28	Намибия	5,7	5,4	57	Мексика	3,6	3,7	88	Қозоғистон	2,3	2,7
29	Эстония	5,6	5,6	59	Чили	3,5	7,5	89	Боливия	2,2	2,0
29	Тайвань	5,6	5,9	59	Доминикан Республикаси	3,5	3,1	89	Камерун	2,2	2,0

Манба: Многоглавая гидра Коррупции обзор международных публикации Экономическое обозрение, январь, 2003.

---

[9] Манба: «Экономическое обозрение». 2002., Ташкент.

Давлат коррупциянинг камбағал мамлакатларда «Гуллаб-яшаётгани» бор гап дейди «Трансперенси Интеренейл»нинг Британия бўлими бошқаруви раиси Лоренс Коккродот. Лекин Италия, Греция каби Европа давлатларида, шунингдек, нефтга бой бўлган Нигерия, Ангола, Озарбойжон, Индонезия, Қозоғисон, Ливия, Венесуэла каби мамлакатларда ҳам қулай кулоч ёятгани кишида ташвиш уйғотади.

Л.Коккрофтнинг фикрича, нефть экспорт қилувчи давлатлар аҳолисини мазкур давлат нефтдан қанча даромад олаётганидан мунтазам хабардор қилиб бориши зарур. Бунинг учун «Трансперенси Интернейшнл» ва бошқа нодавлат ташкилотлари халқаро нефть компанияларидан ҳар йили мазкур давлатнинг даромадлари тўғрисида маълумот бериб боришни илтимос қилмоқда.

Шундай мамлакатлар аҳолиси ҳукуматдан пуллар қаёққа кетаётгани тўғрисида ҳисобот талаб қилиши мумкин, дейди. Л.Коккрифт.[10]

Таниқли миллиардер Джорж Сороснинг коррупцияга қарши курашга қаратилган янги ташаббуси, коррупциянинг йирик бизнесменларга ҳам сезиларли таъсир этишидан далолат беради. Унинг фикрича, жаҳонда тушинарсиз ҳолат кўзда тутилмоқда: негадир аллақачон бой бўлиши керак бўлган давлатлар ҳали ҳам камбағал бўлиб қолишмоқда. Негадир Ангола, Нигерия ва бошқа шу каби давлатлар нефть, газ, олмос ва олтин каби катта табиий заҳираларга эга бўла туриб, аҳолиси ҳамон қашшоқ яшамоқда?! Чунки бу заҳираларни сотишдан келаётган маблағ иқтисодиётни ривожлантириш, халқ турмуш даражасини кўтаришга сарфланмаяпти. Шу маблағлар эвазига мансабдорлар ҳокимятни ўз қўлларида ушлаб туришибди. Сороснинг таклифига кўра, нефть экспорт қилувчи давлатларнинг хомашё рентаси сарфланиши устидан назоратни кучайтириш керак. Буни халқаро биржаларда янги қоидаларни жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин. Шунингдек, унинг таклифига кўра, йирик трансмиллий корпорациялар умумий маълумотларига қўшимча равишда давлатларга тўлаётган маблағни кўрсатиши керак. Бу маълумотларни давлат харажатлари билан таққослаб, маблағнинг қанча қисми ўғирланганлигини билиш мумкин.

Иккинчи ташаббус ривожланаётган мамлакитлардан капитал чиқиб кетишининг олдини олишга қаратилган. Сорос таклифига кўра, хомашё реализацияси бўйича алоҳида тартиб ўрнатиш керак, қазиб олувчи компаниялар солиқларни рўйхатдан ўтган жойда эмас, балки хомашё олинадиган жойда тўлашлари лозим ва ҳакозо.

---

[10] Коррупция-инсоният душмани. «Халқ сўзи», 2003 йил, 1 октябрь.

17.3. Эркинлаштириш ва либераллаштириш коррупцияга қарши курашнинг стратегик қуроли

Жаҳон банки мутахассислари ўтказган тадқиқотларда коррупция даражасини аниқловчи асосий омиллар сифатида янги корхоналарнинг бозорга чиқиши мураккаблиги даражаси, ҳуқуқий тизим самарадорлиги, хизматлар сифати ва рақобатбардошлиги кўрсатилмоқда. Шунинг учун асосан нархларни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳатлар коррупцияни жиловлашга қодир кучли восита ҳисобланади, чунки бунда давлатнинг талаб ва таклифига таъсири камаяди, иқтисодиётнинг ривожланиши самарадорлиги ошади. Лекин, нархларни эркинлаштириш чоралари фақатгина ресурсларни тақсимлаш механизми ойдинлаштирган коррупцияни қисқартириши мумкин. Акс ҳолда коррупциянинг янада авж олиши учун қўшимча шароитлар яратилади. Нарх ва ишлаб чиқаришни эркинлаштириш амалга оширилган давлатларда, бюджет кескин чагараланди ёки субсидиялар қисқартирилди, бу эса коррупциянинг бир мунча қисқаришига олиб келди. Бундай ислоҳотлар қисман амалга оширилган давлатларда эса, коррупциянинг ўсиши кузатилди. Иқтисодиёти ўсиш босқичида бўлган давлатларда коррупцияни чеклашда рақобатни ривожлантирадиган сиёсатни юргизиш муҳим аҳамият касб этади. Суст рақобат муҳити бозорнинг монополиялашишига олиб келади, бундай муҳитда эса коррупция тез ривожланган.

Рақобатни ривожлантириш, мавжуд корхоналарни очиқ ва ҳалоллик билан қайта кўриб чиқиш ва тўлов қобилияти паст бўлган фирмаларни бозордан четлаштириш керак. Бунда барча корхоналар учун бир хил шароит яратиш ва рақобат қоидаларини бузувчи корхоналарга қарши чоралар жорий этилиши зарур. Табиий монополиялар бўлмаган барча соҳаларда демонополизация ва хусусийлаштиришни амалга ошириш ва шу орқали рақобат муҳитини яратиш керак. Ушбу тадбирлар амалга оширилган давлатларда (масалан, Польша ва Венгрияда) коррупция даражаси ислоҳотлар амалга оширилмаган давлатлардагига нисбатан сезиларли даражада қисқарди. Коррупция ва мансаб суъистемолчилигини озиқлантирувчи яна бир манъба — бу, ташқи иқтисодий фаолиятнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва турли квоталар, устама тарифлар ва имтиёзлар тизими такомиллаштирилмаганлигидир. Бундай ҳолатда божхоначилар товарларни имтиёзли товар сифатида расмийлаштириб, эвазига импортёрлардан пора олишлари мумкин. Бу соҳада коррупцияни чеклаш учун квоталарни тарифларга алмаштириш, тариф ва имтиёз ставкаларини бир хил кўринишга олиб келиш керак. Жаҳон Банки матахассисларининг фикрича, жорий инвестициялари бўлган корхоналар учун кўплаб имтиёзлар бериш, «очиқ иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш» бу соҳаларда кор-

рупциянинг ривожланишига олиб келади. Бундай чоралар инвестицион фаолликни оширмайди, аксинча бюджетга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунингдек, баъзи соҳаларда мансабдор шахсларнинг ўзбилармончилигини оширади, бу эса коррупциянинг ошиши, демакдир. Мана шунинг учун экспорт ва импорт бўйича чеклашларни камайтирб бориш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича тўғри сиёсатни танлаш тавсия этилади.

Баъзи ҳолларда бир гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилувчилар ташқи савдодан протекционизмни қўллаб, фойда олишади, лекин шу билан ташқи савдо соҳасида давлатнинг ортда қолиб кетишига сабаб бўладилар. Жаҳон Банки мутахассислари фикрича, протекционизмга қарши халқаро қоидалар асосида курашиш керак. ХСТ (Халқаро савдо ташкилоти)га аъзо бўлиш ҳам коррупция ва суъистемолчиликни маълум даражада қисқартирадиган чора сифатида баҳоланади. Аммо коррупцияни чеклашга эришган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши кураш усулидан қатъи назар, бу кураш самарали бўлиши учун давлатда кучли нодавлат ташкилотлари ва ривожланган фуқаролик жамияти бўлиши шарт. Жамоатчиликнинг доимий назоратисиз коррупцияни енгиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов қайд этганидек, «Биз давлатнинг назорат функциясини ошириб, назорат қилиш органлари сонини кўпайтирганимиз сайин, мансабдор шахслар орасида коррупция ҳам шунчалик ошади. Шунинг учун бизнинг давлат бошқарув органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдан бошқа илож йўқ»[11].

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ мамлакатимизда коррупция, жиноятларга қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Коррупция ва жиноятларга қарши кураш инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этишда, жумладан, ҳуқуқ-суд ислоҳотларини амалга оширишда муҳим манба, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциянинг муқаддимасида инсон ҳуқуқига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, инсонпарварлик демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида тантанали равишда эълон қилинди. Собиқ шўролар давридаги конституциялардан фарқли ўлароқ, «давлат манфаатлари ҳар нарсадан устун» принципидан воз кечилиб, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши ҳамда органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги қатъий белгилаб қўйилди.

---

[11] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 29 августидаги IX сессиясида сўзлаган нутқи.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг 2003 йилнинг биринчи ярмидаги фаолиятига бағишланган мажлисда Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қўйилган вазифалар ижросига оид масалалар муҳокама қилинди. Прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратган. Биргина 2003 йилнинг биринчи ярмида 90 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, мансабдор шахсларнинг 7 мингга яқин ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлари прокуратуралар протестлари асосида бекор қилинган, етказилган моддий зарарнинг 1,5 млрд. сўми ва 15 590 АҚШ доллари айбдор шахслар томонидан ихтиёрий тўлангани қайд этилди.

Шунингдек, иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун вазирликлар, идоралар ва корхоналар раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2,2 млрд. сўм иш ҳақининг тўланиши ҳамда бу соҳада қонун бузилишига йўл қўйган 2 мингдан ортиқ мансабдор шахсларнинг интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган маърузасида давлатимиз раҳбари суд-ҳуқуқ тизимида эришилаётган ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга, бу соҳада ҳамон совет тизими асоратлари сезилаётганини қаттиқ танқид остига олдилар.

Содир этилган жиноят учун жазоларнинг репрессив услуби бўлмиш озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланишини қисқартириш ҳисобига адолат ва инсонпарварлик тамойилини кучайтириш концепциясини илгари сурган муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан 2001 йил 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. У 2001 йил 18 октябрдан кучга кирган, адолат ва инсонпарварлик, бағри кенглик ва иззат-ҳурмат руҳи билан суғорилган бу қонунга кўра, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ёки юмшатилиши жиноят қонунчилигида туб бурилиш, тизимда инқилоб ясади.

Эндиликда жиноят содир этган фуқароларни қандай қилиб бўлсада жазолаш, янада қўрқитиш эмас, балки имкони борича жи-

ноятнинг оқибатини тугатиш, зарарни бартараф этиш, ўша шахсларнинг тўғри йўлга киришига ёрдам бериш, тузатиб, яхшилаш асосий масалага айланди. Илгари ҳукм этилган 130 шахсга нисбатан жиноят ишлари тўхтатилди. Судлар томонидан тайинланган жазо янги қонунга мувофиқлаштирилиши жараёнида 5619 шахснинг жазоси енгиллаштирилди. Қатор жиноятлар таркиблари қайта таснифланганлиги сабабли жазони ижро этиш колонияларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган 2040 маҳбус енгилроқ турдаги колонияларга ўтказилди.

Иккинчидан, мазкур қонун билан Жиноят кодексида назарда тутилган 87 жиноят таркиби бўйича жазолар енгиллаштирилди, жумладан, 26 жиноят таркиби бўйича тегишли моддаларда озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазоси ўрнига жарима жазоси жорий қилинди. Шундай қилиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши 187 жиноят таркиби бўйича жарима жазосини қўллаш имкониятини таъминлади. Натижада жазоланганларнинг 1999 йилда 2,1 фоизи, 2000 йилда 1,8 фоизи нисбатан жарима жазоси қўлланилган бўлса, 2003 йилнинг биринчи ярмида бу борадаги кўрсаткич 12,8%га етди.

Учинчидан, иқтисодий зарар етказиш билан боғлиқ қатор жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги қатъий белгиланганди. Жазо чораси сифатида иқтисодий санкцияларни кучайтириш билан бирга озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазоларни қўллаш имкониятини кенгайтирди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш чегараси камайтирилиши билан бирга тасодифан жиноят оқибатида етказилган зарар ўрнини ихтиёрий равишда қоплашлар рағбатлантирилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилишини жиноятчиликка, айниқса, коррупцияга қарши курашиш жараёнидаги сусайиш деб тушиниш керак эмас. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахс жазонинг қанчалик муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ».

Либераллаштириш коррупцияга қарши курашишда стратегик курол сифатида жорий қилиниши қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қисқача хулосалар

Республика хавфсизлигини таъминлашда асосий йўллардан бири коррупцияга қарши курашиш, ўтиш иқтисодиётида вужудга келадиган хавф-хатарлар, коррупцияга қарши курашишда халқаро ва ҳуқуқий тўсиқлар ва либераллаштиришдан кенг фойдаланиш кўрсатилган.

Давлат ва ҳукумат вакилларининг коррупцияга аралашуви жуда хавфли иллатдир. У охир-оқибат мамлакатда беқарорликни келтириб чиқаради. Битта мамлакатдаги беқарорлик эса бутун инсониятга, бутун дунёга ташвиш келтиради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда жаҳонда унга қарши кескин кураш бошланган. Бу кураш самарали якунланишига шак-шубҳа йўқ.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Коррупциянима?
2. Нега коррупцияга қарши курашиш ўтиш иқтисодиётининг асосий омили ҳисобланади?
3. Халқаро коррупцияга қарши курашиш нима беради?
4. Либераллаштириш коррупцияга қарши курашда асосий қурол эканлигини қандай изоҳлайсиз?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришни асосий йўналишлари ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси. «Халқ сўзи», 2002 йил, 30 август.
2. Мухитдинов Ф. Одиллик одимлари. «Халқ сўзи», 2003 йил, 25 июль.
3. «Многоглавная гидро коррупция» обзор международных публикации «Экономическое обозрение» журнал №1, 2003.
4. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т., «Ўқитувчи», 1996.
5. Эгамқулов Б. Коорупция — инсоният душмани. «Халқ сўзи», 2003 йил, 17 октябрь.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

2. Каримов И.А. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш. «Халқ сўзи», 2002 йил, 25 январь.

3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том, — Т.: «Ўзбекистон», 2002.

4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини асосларини шакллантириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси. «Халқ сўзи», 2002 йил, 30 август.

5. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузаси. «Ҳамкор», 2003 йил, 24 июль.

6. Каримов И.А. Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. — Т.: «Ўзбекистон», 2003.

7. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати. «Халқ сўзи», 2001 йил, 7 декабрь.

8. «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятининг тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли фармони.

9. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил, 24 мартдаги ПФ-3226-сонли фармони.

10. Капитал курилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240 — сонли фармони.

11. Возженников А.В. Национальная безопастность: теория, политика, стратегия. — М., НПО, «Модуль», 2000.

12. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л., Раҳимова М., Раҳмонова Т. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. — Т.: «Ўқитувчи», 1996.

13. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова А.И. Регулирование экономики в зарубежных странах. – Т.: ТГЭУ, 2000.

14. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова А.И. Интеграция в мировую экономику. – Т.: ТГЭУ, 2000.

15. Основы таможенного дело: Учебное пособие (под общей ред. У.Т.Каримова). Т., «Мир, экономики и право», 1998.

16. Тухлиев Н., Кременцова А., Ўзбекистон Республикаси энциклопедик маълумотномаси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – Т.: 2002.

17. Шевченко Б.И. Проблемы теоритической безопасности. – М., ЗНО «Бизнес-школа интеа-синтез», 1997.

18. Юнусов М. Зилзила офатлари. «Халқ сўзи», 2002 йил, 2 май.

19. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2000.

20. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика теория и практика. – М., МГУ, 1997.

21. Кухатов Ю.Л., Явчуновская Р.А. Человек. Полетический мир. Безопастность. СПБ, 1998.

22. Политика обеспечение национальной безопасности в России на федеральном региональном и местном уровнях. – М., НПО, «Модуль», 2001.

23. Ресурсы национальной безопасности Российской Федерации. – М., НПО, «Модуль», 2000.

24. Левитин Л. Узбекистон: период Каримов И.А. – М.: Варус, 2003.

25. Каримова З. Халқаро меҳнат бозори. «Ҳамкор», 2003 йил, 24 июль.

26. Ўзбекистоннинг кумуш қанотлари. «Халқ сўзи», 2003 йил, 24 май.

27. Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. Т., «Ўзбекистон», 1993.

28. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Т., 1998.

29. Факторы национальной безопасности современной России. М., НПО, «Модуль», 2000.

30. Шерматов К. Интернет оммавий ахборот воситасими ёки ... ?, «Халқ сўзи», 2003 йил, 25 июнь.

31. Ўзбек маҳалласи – НАТО қароргоҳида. «Халқ сўзи», 2003 йил, 30 октябрь.

32. Миллий армия – мустақиллигимиз таянчи. «Халқ сўзи». 2003 йил, 4 февраль.

33. Беҳуда совирилаётган валюта. «Халқ сўзи», 2003 йил, 6 март.

34. Проект «ТРАСЕКА». Делевой партнер Узбекистана» №18(423), 2000.

35. Турдиев.А «Делевой партнер Узбекистана». №18(223), 2000.

36. Моделирование и прогнозирование чрезвичайных ситуаций. Научно-практические проблемие. Киев, «Наука», 2000.

37. www.envrasianews.com

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 5

I БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА КИРИШ..... 10

I БОБ. «ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ..... 10
1.1. «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси..... 10
1.2. Миллий хавфсизлик турларини синфларга ажратиш..... 12
Кискача хулосалар..... 15
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 15
Асосий адабиётлар..... 15

II БОБ. ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УМУМ ДАВЛАТ ИШИ..... 16
2.1. Ўзбекистон ва миллий хавфсизлик..... 16
2.2. Ўзбекистон ва Жаҳон регионал хавфсизлик тизими..... 19
Кискача хулосалар..... 22
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 22
Асосий адабиётлар..... 22

III БОБ. МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРГАНЛАРИ..... 23
3.1. Ўзбекистон Қуролли кучлари ва миллий хавфсизлик органлари – Ватан мустақиллигининг ҳимоячилари..... 23
3.2. Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳарбий ва хавфсизликни таъминлаш стратегик вазифаси..... 25
3.3. Ўзбекситон Қуролли Кучларида ислоҳатлар..... 26
3.4. Давлатнинг хавфсизлик манфаатлари..... 29
Кискача хулосалар..... 32
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 32
Асосий адабиётлар..... 32

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА СИЁСАТИ..... 33
4.1. Божхона сиёсатининг асослари..... 33
4.2. Божхона сиёсатининг моҳияти ва мазмуни..... 34
4.3. Божхона сиёсатини ташкил этадиган иқтисодий алоқалар..... 36
4.4. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари ва тамойиллари..... 38
4.5. Божхона қонунчилиги янгиликлари..... 41
Кискача хулосалар..... 45
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 45
Асосий адабиётлар..... 45

II БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ..... 46

V БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШ МОДЕЛЛАРИ..... 46
5.1. АҚШнинг иқтисодий хавфсизлиги..... 46
5.2. АҚШнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми... 48
5.3. Россиянинг иқтисодий хавфсизлиги..... 50
Қисқача хулосалар..... 52
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 52
Асосий адабиётлар..... 52

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИ..... 53
6.1. Ўзбекистон Республикаси Миллий иқтисодий манфаатларининг асоси..... 53
6.2. Шахснинг муҳим иқтисодий манфаатлари..... 56
Қисқача хулосалар..... 59
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 59
Асосий адабиётлар..... 59

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИГА БЎЛГАН ХАВФ..... 60
7.1. Миллий манфаатларга иқтисодий хавфлар..... 60
7.2. Ташқи ва ички хавфлар..... 62
Қисқача хулосалар..... 65
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 65
Асосий адабиётлар..... 65

VIII БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАКЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ..... 66
8.1. Иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш шакллари..... 66
8.2. Миллий хавфсизликни таъминлаш воситалари ва органлари... 68
Қисқача хулосалар..... 70
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 70
Асосий адабиётлар..... 70

IX БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ОМИЛЛАРИ..... 71
9.1. Иқтисодий хавфсизликни таҳлил ва тадқиқ қилиш..... 71
9.2. Иқтисодий хавфсизлик омиллари классификацияси..... 73
Қисқача хулосалар..... 76
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 76
Асосий адабиётлар..... 76

X БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯЛАНИШНИНГ ИЧКИ ОМИЛЛАРИ..... 77
10.1. Табиий омиллар..... 77
10.2. Ижтимоий демографик омиллар..... 81
10.3. Илмий-технологик омиллар..... 83
Қисқача хулосалар..... 86
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 86
Асосий адабиётлар..... 86

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ТАШҚИ ОМИЛЛАРИ..... 87
11.1. Ташқи хавфсизлик омиллари ҳақида тушунча..... 87
11.2. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигининг мониторинг модели ва давлатни геосиёсий жойлашуви..... 90
Қисқача хулосалар..... 94
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 94
Асосий адабиётлар..... 94

XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ..... 95
12.1. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати..... 95
12.2. Иқтисодий хавфсизликни таъминловчи омиллар таҳлили..... 100
Қисқача хулосалар..... 106
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 106
Асосий адабиётлар..... 106

III БЎЛИМ. ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСТИВОРЛИКЛАРИ.. 107

XIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ УСТУНЛИКЛАРИ..... 107
13.1. Мамлакат миллий устунликларини аниқлашда методик ёндашувлар..... 107
13.2. Миллий устуворликлар, уларнинг келиб чиқиши ва классификацияси..... 109
13.3. Миллий қадриятлар, устуворликлар ва мақсаднинг ўзаро боғлиқлиги..... 112
Қисқача хулосалар..... 114
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 114
Асосий адабиётлар..... 114

XIV БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОРЛИКЛАРИ..... 115
14.1. Таркибий ислоҳотлар – хавфсизлик асоси..... 115

14.2. Бюджет-солиқ сиёсатидаги устуворликлар..... 118
14.3. Аграр сиёсатда устуворликлар..... 120
14.4. Миллий хавфсизликни ташқи иқтисодий алоқалар..... 122
Қискача хулосалар..... 125
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 125
Асосий адабиётлар..... 125

XV БОБ. ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ..... 126
15.1. Стратегик ҳамкорлик – минтақавий хавфсизликнинг гарови... 126
15.2. Шимолий Атлантика кенгаши билан Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлиги..... 129
15.3. Хавфсизликни таъминлаш «Инсон омил»нинг ҳисобга олиш... 132
15.4. Муқобил комуникация ривожи – хавфсизликнинг асосий йўналиши..... 135
Қискача хулосалар..... 139
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 139
Асосий адабиётлар..... 139

XVI БОБ. ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ОГОҲЛАНТИРИШ ВА ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАР..... 140
16.1. Фавқулодда ҳолатда юзага келадиган иқтисодий зарар..... 140
16.2. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар 143
16.3. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш 146
Қискача хулосалар..... 150
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 150
Асосий адабиётлар..... 150

XVII БОБ. КОРРУПЦИЯ БИЛАН КУРАШИШ – ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛИ..... 151
17.1. Ўтиш иқтисодиёти хавф-хатарлари 151
17.2. Коррупцияга қарши кураш самарадорлиги..... 156
17.3. Эркинлаштириш ва либераллаштириш коррупцияга қарши курашнинг стратегик қуроли..... 161
Қискача хулосалар..... 165
Назора ва муҳокама учун саволлар..... 165
Асосий адабиётлар..... 165

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 166

CONTENTS

Introduction.....5

PART-I. INTRODUCTION TO ECONOMIC SAFETY..... 10

CHAPTER I. ESSENCE AND TYPES OF ECONOMIC SAFETY..... 10
1.1.Meaning of economic safety..... 10
1.2.Qualification of types of economic safety..... 12
Brief conclusions..... 15
Questions for discussion and control..... 15
Main literature..... 15

CHAPTER II. PROVIDING GOVERNMENT SAFETY IS EVERY BODY'S WORK..... 16
2.1.What does it mean for Uzbekistan its national safety?..... 16
2.2.Introduction of Uzbekistan to the world regional safety system..... 19
Brief conclusions..... 22
Questions for discussion and control..... 22
Main literature..... 22

CHAPTER III. ORGANIZATIONS THAT PROVIDE GOVERN SAFETY... 23
3.1.Uzbekistans army and national safety organizations is protectors of government independence 23
3.2.Uzbekistans main army and providing safety strategic work..... 25
3.3.Uzbekistan Army's formation..... 26
3.4.Governments safety profits..... 28
Brief conclusions..... 32
Questions for discussion and control..... 32
Main literature..... 32

CHAPTER IV. CUSTOMS POLICY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN..... 33
4.1.Bases of Customs policy 33
4.2.The essence and meaning of Customs policy 34
4.3.Customs policy organizing economic relationships..... 36
4.4.Main formations and activities of Customs policy 38
4.5.News on customs legislature and normative documents..... 41
Brief conclusions..... 45
Questions for discussion and control..... 45
Main literature..... 45

PART-II. BASES OF ECONOMIC SAFETY..... 46

CHAPTER V. MODELS OF PROVIDING ECONOMIC SAFETY IN THE FOREIGN COUNTRIES..... 46
5.1.USA's economic safety..... 46
5.2.Mechanisms of providing economic safety in USA..... 48
5.3.Economic safety in Russia..... 50
Brief conclusions..... 52
Questions for discussion and control..... 52
Main literature..... 52

CHAPTER VI. NATIONAL ECONOMIC PROFITS OF UZBEKISTAN... 53
6.1.Bases of national economic profits..... 53
6.2.Persons main economic profits..... 56
Brief conclusions..... 59
Questions for discussion and control..... 59
Main literature..... 59

CHAPTER VII. DANGER AGAINST UZBEKISTAN'S NATIONAL ECONOMIC PROFITS..... 60
7.1.Economic risks to national profits..... 60
7.2.External and internal risks..... 62
Brief conclusions..... 65
Questions for discussion and control..... 65
Main literature..... 65

CHAPTER VIII. TYPES AND MEANS OF PROTECTION OF NATIONAL ECONOMIC PROFITS..... 66
8.1.Types of protection of economic profits..... 66
8.2.Means and organizations which provide national safety..... 68
Brief conclusions..... 70
Questions for discussion and control..... 70
Main literature..... 70

CHAPTER IX. FACTORS OF ECONOMIC SAFETY..... 71
9.1.Discovery and analyze of economic safety..... 71
9.2.The classification of factors of economic safety..... 73
Brief conclusions..... 76
Questions for discussion and control..... 76
Main literature..... 76

CHAPTER X. INTERNAL FACTORS OF ECONOMIC PROTECTION... 77
10.1.Natural factors..... 77
10.2.Social and demographic factors..... 81
10.3.Scientific and technologic factors..... 83

Brief conclusions..... 86
Questions for discussion and control..... 86
Main literature..... 86

CHAPTER XI. EXTERNAL FACTORS OF ECONOMIC SAFETY OF UZBEKISTAN..... 87
11.1.Meaning about factors of economic safety..... 87
11.2.Monitoring models and governments geopolitical replacement of Uzbekistan's economic safety..... 90
Brief conclusions..... 94
Questions for discussion and control..... 94
Main literature..... 94

CHAPTER XII. ANALYSIS OF ECONOMIC SAFETY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN..... 95
12.1.Government policy of the Republic of Uzbekistan 95
12.2.Factors analysis that provides economic safety..... 100
Brief conclusions..... 106
Questions for discussion and control..... 106
Main literature..... 106

CHAPTER XIII. NATIONAL SUPERIORITY OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN 107
13.1.Methodical analysis of finding national superiority in country..... 107
13.2.National superiority, their foundation and classification..... 109
13.3.National traditions, superiority and connection of purposes..... 112
Brief conclusions..... 114
Questions for discussion and control..... 114
Main literature..... 114

CHAPTER XIV. SUPERIORITY OF PROVIDING ECONOMIC SAFETY..... 115
14.1.Partial reforms are basis of safety..... 115
14.2.Superiority of budget tax policy..... 118
14.3.Superiority of agricultural policy..... 120
14.4.Foreign economic relationships of national safety..... 122
Brief conclusions..... 125
Questions for discussion and control..... 125
Main literature..... 125

CHAPTER XV. BASIC DIRECTIONS OF PROVIDING ECONOMIC SAFETY..... 126
15.1.Strategic partnership is guarantee of regional safety..... 126

15.2.NATO – in the system of Europe and world safety..... 129
15.3.Development of alternative communication is direction to basic safety... 132
Brief conclusions..... 139
Questions for discussion and control..... 139
Main literature..... 139

CHAPTER XVI. ACTIONS AND CAUTIONS ON AN EMERGENCY... 140
16.1.Economic losses on and emergency..... 140
16.2.Emergency in Uzbekistan..... 143
16.3.Preventing emergency and preparing specialists in this field..... 146
Brief conclusions..... 150
Questions for discussion and control..... 150
Main literature..... 150

CHAPTER XVII. TO FIGHT AGAINST CORRUPTION – BASIS OF PROVIDING GOVERNMENT SAFETY..... 151
17.1.Dangers of transition economy..... 151
17.2.Fighting against corruption..... 156
17.3.Liberalization and making free are main weapon fighting against corruption..... 161
Brief conclusions..... 165
Questions for discussion and control..... 165
Main literature..... 165

LIST OF BIBLIOGRAPHY..... 166

ИШМУҲАМЕДОВ АНВАР ЭГАМКУЛОВИЧ

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир: З. Йўлдошев
Техник муҳаррир: Ш.Таджиев
Мусаҳҳиҳ: Ж. Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи: С.Сайфуллаев

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz
Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $^{1}/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоғи 11. Нусхаси 500
Буюртма № 175

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру,1.

«Taraqqiyot PCH» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-6.